



Көзокбай Шулдошев
Жұмабай Өсупов

Хадиүй тәхлил асослары



Мазкур ўқув-услубий мажмуда ва қўлланма Ўзбек филологияси факултети бакалавриат йўналиши талабаларига «Бадиши таҳти асослари» фанининг ташлами фан сифатиди уқуда дастурига киритилиши муносабати билан яратилди. Қўлланма адабиётшунослар, олий ўқув юртлари филология факултетлари профессор-ўқитувчилари, аспирантлари, магистрантлари ва талабаларига мўлжалланган.

Масъул мұҳаррир: ф.ф.д. проф. С. РЎЗИМБОЕВ

Такризчилар:

**ф.ф.д., проф., Қорақалпогис тонда хизмат кўрсатган фан арбоби К. ҚУРОМБОЕВ
ф.ф.н., Урганч шаҳар Оғакин номидаги лицей директори М. МАТЕҚУБОВА**

Урганч Давлат университети Илмий Конгасининг 2007 йил 26 декабрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Мувафиқлаштирувчи кенгашга нашрга тавсия этилган

ISBN 978-9943-321-06-9

©УрДУ ноширилик бўлими

©Йўлдошев Қозоқбой, Юсунов Жумабой, Бадиий таҳти асослари (ўқув-услубий мажмуда ва қўлланма), Урганч, 2008.1576.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА УРГА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

“АДАБИЁТШУНОСЛИК” ихтисослиги магистрлари
(бакалаврлари) учун “БАДИЙ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ” фанидан
намунавий ўкув дастури

Тузувчи проф. К. ЙЎЛДОШЕВ
Такризчи проф. У. НОРМАТОВ
Мухаррир доц. Н. БЕКМИРЗАЕВ

ТОШКЕНТ - 2001

«АМПИР» ИДЕАЛСЛАРИ» фан сифатида

Бадий таҳлил асослари курей филолог мутахиссанарни
төмөннөн профессионал даражада ишланига ўрганиш
бўйича Ташкент кўшина университетлари, шунингдек,
МДХ филология ФОНДИ, Украина сингари МДХ мамлакатларини
сабаби филология мактабларда “Бадий таҳлил асослари” ски
“Герменевтика” филология таълимнинг алоҳида предмети
специалиста урганилаётганлиги. Бадий таҳлилдан хабарензик ски
бу борада старли малакага эга бўлмаслик олий филология
таълимнинг самараисизлигидан далолат эканлиги. Милий
адабиётшунослик илмининг дунё адабиётшунослиги даражасидан
орқадалиги, герменевтик усууллардан йироқлиги, психоналитик
структурализм имкониятларидағи фойдаланолмаслиги, бадий
интерпретациянинг бир ёқламалиги сингари салбий ҳолатлар
бадий таҳлил назариясини билмаслик оқибати эканлиги.

“Бадий таҳлил асослари” курсининг бошқа бирор фан бевосита шуғулланмайдиган ўз предмети мавжудлиги. Бадий таҳлил нинг улкан ижтимоий-эстетик аҳамиятга эгалиги, усиз бадий асар тўла англамаслити, бадий матини тўла англай олмаган филолог одам маънавиятини тўлақонли шакллантира олмаслиги. Бадий таҳлил нинг ўзига хос тадқиқот методлари мавжудлиги. Уларнинг бошқа фан соҳаларини тадқиқ этишда ишлатилмаслиги. Саналган шу сифатлар “Бадий таҳлил асослари”нинг алоҳида фанлигини таъминлайдиган омиилар эканлиги.

Бадиий таҳлил қилабилишнинг ижтимоий, эстетик ҳамда тарбиявий аҳамияти мавжудлиги. Бу ҳол адабиётнинг тарбиявий, маърифий ҳамда эстетик функциялари билан боғлиқ эканлиги.

Бадий таҳлилга олимлар томонидан турлича таъриф беріб келингандылығы. Бадий таҳлил Чикіш (Шарқ) адабиётшунослик илміда азалдан мұхокама мавзуси бўлғандылығи. Форобий, Ахмад Тарозий, Навоий, Бобур сингари мутафаккирларнинг асарларида бадий таҳлилга доир қарашларнинг акс этгандандылығи. Форобий ва Ибн Синя эстетик қарашларида Ботиш (Фарб) бадий тафаккури таъсирииңнинг кўпроқдиги.

Аҳмад Тарозийининг “Фунун ул-балоға” асарида исломий турк эстетикаси, адабиётшунослигига хос жиҳатларнинг ёрқин акс этганлиги. Навоий ва Бобурнинг туркий герменевтикага қўшган хиссалари.

БАДИЙ ТАХЛИЛ ДА ФАЛСАФИЙ ВА МИЛЛИЙ АСОСНИНГ ЎРНИ

Бадий таҳдил да фалсафий-методологик асоснинг муҳим эканлиги. Чунки дунё ва унинг ҳодисаларига ёндашув тарзи белгилаб олинмай туриб, оламни тўғри эстетик идрок этиш ва тасвирилаш мумкин эмаслиги. Фалсафий асос тўғри бўлмаганилиги учун бაъзан яхши билан ёмон, хунук билан гўзал тушунчаларига ёндашув тамомила нотўғри, гайри илмий характер касб этиши мумкинлиги.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида таҳлилга, асосан, моддиюнчи фалсафага асосланиб ёндашилаётгани, бу ҳолат исломий тафаккур тарзининг маҳсул бўлмиш бадий ҳодисалар моҳиятини очишга ожизлик қиласётганлиги.

Арастунинг бадий асарни тақлид - мимесис натижаси деб изоҳлаганилиги. Бу изоҳнинг унчалик тўғри эмаслиги. Агар эстетик ҳодиса мимесис натижаси бўлса, адабий тур ва жанрлар оламдаги барча ҳалкларда бир хилда бўлиши лозим эканлиги. Ҳолбуки, драматик тур то XX асрга қадар ҳам бир қатор ҳалклар адабиётида мавжуд бўлмаганилиги. Шунингдек, «Алломиши» йўсинидаги достонларнинг кўплиб ҳалкларда йўқ эканлиги.

Тасаввуф таълимотида тажалли назарияси мавжудлиги ва бунга таяниб, ҳар қандай бадий ҳодисани Аллоҳнинг намоён бўлиши, эманацияси туфайли содир бўлган ҳодиса тарзида изоҳлаш мумкин эканлиги. Туркий адабиёт ўз тараққиёти давомида ўта мураккаб ва чигал такомил йўлини босиб ўтганлиги. Бу мураккаб жараён адабий ҳодисалар табиатига ҳам таъсир ўтказганлиги. Буни ҳисобга олмай туриб, бадий таҳдил да яхши натижага эришиш мумкин эмаслиги.

Фалсафий асос, таянилдиган назарий суюнч бадий ҳодиса моҳиятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлиги. Туркий адабиёт намуналарининг исломдан олдинги даврда ўзига хос йўналишлари бўлганлиги. Турлича фалсафий ёндашув айни бир бадий ҳодисани тамомила бошқача изоҳлашга асос бўлиши мумкинлиги. Шу боис ўзбек филологлари турлича фалсафий йўналишлардан хабардор бўлганларни ҳолда миллӣ фалсафий таянчга эга бўлишлари шарт эканлиги.

Бадий асарла акс этган миллӣ ҳусусиятлар ҳисобга олингандагина таҳдил тўлақонли чиқиш мумкинлиги. Ҳар қандай эстетик ҳодиса муайян миллӣ заминга эга бўлганлиги учун ҳам уни тушунтириш ва тадқик этишда ўша заминга хос ҳусусиятлар ҳисобга олинини лозим эканлиги. Бирор миллат учун эзгулик ёки

тўзалик намунаси ҳисобланган ҳодиса иккинчи бир мизни назарида ёзувлик ва қабоҳат деб қаралиши мумкинлиги. Чунонча, ўзбеклар учун тўзалик тимсоли бўлмиш ой руслар учун лойкайдлик, бефарқлик рамзи эканлиги.

“Кизил ва Қора”, “Бовари хоним” асарларидағи дс Ренап хоним ва Эмма образлари Ботиш китобхонлари учун назоказ ҳамда муҳаббат тимсоллари саналсалар, ўзбек китобхонларида, кўпинча, бу аёллар бузук кимсалар сифатида таассурот колдиришилиги. Миллый мансублик ҳисобга олинган тақдирдагина бадий таҳлил ни илмий-эстетик жиҳатдан пухта ва асосли амалга ошириш мумкин эканлиги.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ ТУРЛАРИ

Бадий таҳлил тушунчасининг таърифи. Бадий таҳлил та кўп асрлар мобайнида таъриф берилмай келинганилиги. Таҳлилга дастлабки таъриф Оврўно адабиётшунослигига XIX аср иккинчи ярмида берила бошланганилиги. Лекин Ботиш таҳлилни кўпроқ талқин (интерпретация) тарзida тушуништа мойиллиги. Бу ҳолат бадий асарлардан асосан ижтимоий маъно қидиришга олиб келганилиги.

Бадий таҳлил га Б. Бобилев, Г. Тараносова сингари россиялик, Ж. Азизов, Г. Усова каби ўзбекистонлик олимлар берган таърифлар ва буларнинг бирёклама табиати. Бадий таҳлилга: «Бадий асарининг ҳаётий ва бадий мантифи ҳамда эстетик жозибасини очишга қаратилган илмий фаолият» тарзида таъриф бериш мумкинлиги.

Бадий асар таҳлил идан кузатилган мақсад ва таҳлил ни амалга оширувчишарнинг таркибиغا кўра унинг икки: 1) илмий (филологик); 2) ўкув (дидактик) турлари мавжудлиги.

Илмий таҳлил шинг илмий-эстетик фаолият эканлиги. Филологик таҳлил асосан бир киши томонидан амалга оширилиши. Филологик таҳлил қилаёттан кишининг на вақт ва на бошқа жиҳатдан чекланганилиги. Илмий таҳлил ни амалга ошираёттан киши факат ўзи белгилаган бош мақсадга қараб интилиши.

Ўкув таҳлили эстетик-педагогик фаолият бўлиб, ўкувчиларни баркамол шахс сифатида шакллантиришига сафарбар этилганилиги. Ўкув таҳлили мобайнида ўқитувчи асарни таълаш, уни муайян вақт давомидагина текнирни, таҳлил ни бирор синфдаги ўкувчиларнинг ёни ва интеллектуал даражасига

мувофиқлаштиришга мажбур эканлиги. Шу жиладан дедиклик таҳлил нинг филологик таҳлил га нисбатан мураккаб эканлиги.

Бадий таҳлил куйидагича уч йўсинда:

- а) муаллиф ёки матнга эрганиб;
- б) асардаги образларга таяниб;
- в) муаммоли тарзда амалга оширилиши мумкин эканлиги.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ БОСҚИЧЛАРИ ВА УНИНГ БАДИЙ ТАСВИР БОСҚИЧЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ

Бадий таҳлил муайян ҳозирликни талааб қиласиган жараён эканлиги. Таҳлил мобайнида тайёрланиш, таҳлил лаш ва умумлаштириш-хулосалаш сингари уч босқич босиб ўтилиши лозимлиги. Тайёргарлик босқичида таҳлил этиладиган асар ўрганилиши, унинг таҳлил га тортиладиган жиҳатлари аниқлаб олиниши, етакчи фикрлар белгилаб чиқилини зарурлиги. Таҳлил қилиш босқичида эса асосий жараён амалга оширилиши лозимлиги. Чунончи, муайян асарнинг эстетик қиммати, миллӣй бадий тафаккур тараққиётидаги ўрни, асарнинг эстетик аҳамияти каби жиҳатлар белгилаб берилиши. Хулосалаш ёхуд умумлаштириш босқичида бадий матн юзасидан муайян хулоса берилиши зарур эканлиги.

Бадий таҳлил бадий тасвир билан ҳамиша бақамти эканлиги. Бадий тасвирининг мукаммаллашиши учун илмий таҳлил чукурлашмоғи, филологик таҳлил пухта бўлиши учун бадий тасвирининг юксаклиши зарурлиги. Бу ҳолинг XX аср ўзбек адабиёти ва унинг таҳлилилари тамойилларида ҳам яққол намоён бўлиши. Миллӣй адабиётимизда XX аср бошларида баён этиш, ўша асрнинг 30-йилларида тасвирлаш, 50-60- йилларида акс эттириш, 70-80-йилтарда ифодалаш, аср адонига келиб эса тадқиқ этиш босқичига қадам кўйилганлиги. Бу тараққиёт пастдан юкорига тарзда жўн содир этилмай, спиралсимон йўсинда ўта мураккаб ва чигал жараён сифатида рўй берганлиги. Тасвир маҳорати ортиб боргани сари ифодада таъсирчаник ва табиийлик кучайиб борганлиги. Бир замонлар ёзувчи жамият аҳли учун мутафаккир устоз макомида бўлса, эндиликда эса ижодкор, тадқиқотчи рутбасига эришганлиги. Чунки бадий адабиёт одамларга “ҳаёт қўлланмаси - дарслик” бўлмай қолганлиги ва бунинг сабаблари.

Йўналиш тушунчаси таҳлил ланаётган бадий асарнинг қайси томонларига кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини англатиши. Таҳлил этиладиган асарнинг қайси жиҳатларини ўрганиш, тадқиқ этиш лозимлигини аниқлаш жараёни таҳлил нинг йўналишини тайин этиши. Бадий таҳлил нинг генетик, типологик, функционал, фалсафий, психологик ва филологик сингари олти йўналиши мавжуд эканлиги. Бадий таҳлил нинг савияси кўни жиҳатдан унинг қандай йўналишда амалга оширилганинига боғлиқ эканлиги.

Бадий асарни генетик йўналишда таҳлил этишда асарнинг юзага келиш жараёни, вариантлари, ёзилиш сабаблари тадқиқ этилиши. Бу йўналишдаги таҳлилда муайян асарнинг юзага келишига сабаб бўлган омилларнинг кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилганини.

Типологик йўналишда эса, асар муаллифи билан ўзга адиллар орасидаги ижодий таъсир, бадий ворислик, асарни юзага келтирган бадий ёки ҳаётй маёнбалар, таҳлил этилаётган асарнинг ўша даврда яратилган бошқа асарларга ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари тадқиқ этилиши лозимлиги.

Функционал йўналишда амалга оширилган таҳлил да текширилаётган асарнинг ижтимоий таъсир кучига алоҳида диккат қаратилиши лозимлиги. Унда ўрганилаётган асарнинг муайян миллат ва инсоният маънавиятига кўрсатган таъсири текширилиши зарурлиги. Таҳлил ланаётган асарнинг миллий адабий жараёнда тутган ўрни, унинг замондошлари ёки текширилаётган давр кишилари тафаккурига таъсири ўрганилиши лозимлиги. Ўзбек адабиётшунослигига кейинги вактда ботини филологиясида ҳар доим устувор мақомга эга бўлган функционал йўналишдаги таҳлил нинг кенг ёйилганини ва бунинг натижалари.

Фалсафий йўналишда ёзувчи дунёкарашининг хусусиятлари ва таҳлил этилаётган асарда адаб эътиқодининг оламни кўриш, аниглаш, тушунириш ҳамда акс этириш тарзининг намоён бўлиши текширилиши. Бунда ижодкор дунёкараши билан жамият аъзоларининг ижтимоий фалсафаси ўргасидаги муносабатнинг тадқиқ қилиниши.

Психологик йўналишда адебнинг ижодкор шахс сифатидаги ўзига хослиги, бу ўзига хосликнинг асар матни ва унданги персонажлар тасвирида намоён бўлиш йўсими ўрганилиши. Шунингдек, ижодий жараён психологияси, асар устида ишлани

усули, шу жараёндаги рухий холати ва уларнинг асар савиясига тасвири текширилиши.

Филологик йўналишда асарда тил, тасвир ва ифода воситаларидан фойдаланишда анъанавий ёки янгича йўлдан борилганлигининг ўрганилиши. Адабнинг сўздан фойдаланиш маҳорати, сўзнинг товлантирилиши текширилиши зарурлиги.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ НИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Бадиий асарнинг ҳаётий, бадиий мантиғи ҳамда эстетик жозибасини очиш муайян тамойилларга суянган ҳолдагина амалга оширилиши мумкинлиги. Бадиий таҳлил да илмий тушунчалар асосида иш кўрилиб, илмий хулосалар чиқарилса-да, ундан илмга хос бир хиллик кутиши мумкин эмаслиги. Таҳлил нинг холис ва асослигини таъминлаш учун

- а) тутал таҳлилнинг бўлиши эмаслиги;
- б) ҳар қандай таҳлил нинг шахсий мулоҳаза эканлиги;
- в) бадиий асар ғояни ифодалаш воситаси эмаслиги;
- г) бадиий асар воқеликнинг нусхаси эмаслиги;

д) ҳар қандай хулоса факат бадиий матидан келтириб чиқарилиши лозимлиги сингари асосий тамойилларга амал қилиш зарурлиги. Бадиий таҳлил нинг булардан ташқари яхлитлик, тизимлилик, эстетик асосларнинг уступорлиги, эмоционаллик, индивидуаллик, тарихийлик, асослилик сингари бир қатор тамойиллари мавжудлиги.

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛ

Бадиий асар моҳиятини очишда илмий таҳлил нинг рутбаси баландлиги. Илмий таҳлилнинг мақсади ўрганилаётган асарнинг ҳаётий ва бадиий мантиғи ҳамда эстетик жозибасини очиш эканлиги. Таҳлил нинг бу турида текширилаётган асарнинг ҳақиқий бадиий қимматини аниқлашга катта эътибор қаратилиши. Филологик таҳлилнинг вазифалари унинг мақсадига мутаносиб тарзда бўлиши. Чунончи, таҳлил этилаётган асарнинг жамият ижтимоий тафаккурига тасвири, миллий эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрни ва инсон маънавиятини шакллантиришдаги аҳамиятини очишга қаратилганлиги.

Илмий (филологик) таҳлилнинг замон ва макон нуктаи назаридан чекланмаслиги. Шунингдек, илмий таҳлил нинг ҳеч қандай ёш ва интеллектуал жиҳатларига эътибор қилинмаслиги.

Энда ғақат таҳлил нинг теранлиги, хулосаларниң асоси әканлигига дикқат қаратилиши.

ҮҚУВ ТАҲЛИЛИ

Дидактик таҳлил нинг илмий таҳлилдан жиддий равишда фарқ қилиши. Үқув таҳлил и эстетик-педагогик фаолият әканлиги. Аввало, үқув таҳлил идан кузатилган мақсаднинг ўзгача әканлиги. Үқув таҳлилидан мақсад таҳлил воситасида комил шахс сифатларини шакллантириш бўлиши лозимлиги. Бу мақсад дидактик таҳлил нинг вазифаларини ҳам ўзгартириб юбориши мумкинлиги. Жумладан, үқув таҳлил и учун бадиий асар ўқийдиган китобхон ўқувчи, ўқиганини тушунадиган ўқувчи, тушунганини таҳлил эта оладиган ўқувчи, таҳлил бўйича фикрини оғзаки ва ёзма тарзда ифодалай биладиган ўқувчи тайёрлашнинг асосий вазифалар әканлиги.

Дидактик таҳлил нинг яхлитлик, тизимлилик, эстетик асосларнинг уступорлиги, эмоционаллик, педагогик мақсадга йўналтирилганлик, индивидуаллик сингари тамойилларига амал қилинганда кутилган илмий натижага эришиш мумкинлиги. Лекин ўқув таҳлил ининг асосий тамойили унинг педагогик мақсадга йўналтирилганлиги экани. Үқув таҳлил ида ўқувчilar шунчаки тингловчи, қабул этувчи эмас, балки таҳлил қатнашчилари бўлишлари кераклиги.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ ДА ШАКЛ ВА МАЗМУН МУНОСАБАТИ

Бадиий таҳлил да шакл ва мазмун муносабатининг ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги. Ҳар қандай мазмун бирор шаклни тақоза этгани, яъни муайян шаклдагина мавжуд бўлганидек, ҳар қандай шаклнинг ҳам бирор мазмунга эгалиги. Шаклсиз мазмуннинг бўлиши мумкин эмаслиги, шакл эса табиий равишда қандайдир мазмунга эга бўлиши. Шунинг учун ҳам дунё адабиётшунослигига мазмунли шакл (содержательная форма) тушунчасининг қўлланилиши. Бадиий ижодда шаклни мазмунга қарши кўйиш ва уни иккιламчи деб қараш мумкин эмаслиги. Бадиий асарнинг бадиийлиги айнан шаклда намоён бўлиши.

Шакл ва мазмун муносабати фалсафий, эстетик ва дидактик муаммо сифатида қаралиши лозимлиги. Айни вактда фалсафадаги шакл ва мазмун категориялари эстетикада бир қадар ўзига хос тарзда талқин этилиши лозимлиги. Бадиий асарда қандай ифодалаш ҳамиша ҳам нимани ифодалани билан ёнма-ён келиши

ва аҳамияти ундан кам эмаслиги. Бадий матнда шакл мазмунни инфодалаш воситасигина эмас, балки мазмунни жозибали, ҳиссий, таъсири қилиш омили ҳам эканлиги.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ ДА ОБЪЕКТ ВА СУБЬЕКТ МУНОСАБАТИ ХАРАКТЕРИ

Бадий асарни таҳлил қилинганда таҳлил чи – субъект билан таҳлил қилинувчи – объект, яъни бадий матн ўртасидаги муносабатнинг түғри ўриатилиши ғоят мухим эканлиги. Ижрочи таҳлил га тортилган бадий матнга алоҳида қизикиш, эҳтирос билан ёндашгандагина унинг жозибасини, яширин ички маъноларини топиши мумкин эканлиги. Агар субъект объектга локайд қарайдиган бўлса, ундаги кўзга яккол ташланиб турадиган жиҳатларни ҳам пайқамаслиги мумкинлиги. Бадий матн, яъни объект турли вақтларда идрок этилганда турлича таъсири қилиши мумкинлиги ва бу ҳолнинг табиий эканлиги.

Бадий матн кўпроқ туйғуннинг маҳсули бўлганилиги учун ҳам таҳлил чи ҳиссий ҳолати қандайлигидан келиб чиқиб, турлича таъсири қилиши табиий эканлиги. Шунинг учун ҳам бадий таҳлил жараёнида таҳлилчи – субъект объектта ҳос эстетик жиҳатларни бадий ижоднинг универсал конунларига суняган ҳолда, холислик билан кўриши ва кўрсатини жоизлиги. Шунингдек, таҳлилчи бадий матндан ташқари яна бир объект – ўқувчи борлигини ҳам кўзда тутиши, ўз кузатиши, мулоҳаза ва холосаларини унинг тушунишини кўзда тутиши зарурлиги.

БАДИЙ МАТННИ ТЕКШИРИЩДАГИ ИЛМИЙ МАКТАБЛАР

Биринчи шеърни яратган Одам алайҳиссалом замонларидан бўён бадий матнни ўрганиш, ўзлаштиришга уриниб келинганилиги. Чунончи, одамиятга нозил этилган барча муқаддас китоблар инсониятининг энг буюк акл эталари томонидан тафсир қилинганилиги. Ботиш юртларида муқаддас китобларнинг тафсирига «эксегез» - англатиш, тушунтириш деб, исломда эса тафсир - изоҳ деб қаралганилиги. Шу сингари бадий асарларни ҳам кўғчиллик англаши мушкул бўлганилиги учун воситачига эҳтиёж сезилганилиги. Натижада, жуда қадим замонлардан бўён таҳлилининг турли даража ва савиядга бўлса-да, мавжуд эканлиги. Бадий матн таҳлил иниш тарихи мобайнида унинг: типологик, қиссий, функционал, социологик, формал, структурал сингари турлари шаклланганилиги. Бадий асарни текширишнинг юкорида

Бадий таҳлил и нунаанингда амалга оширилганлиги. Интерпретация (талқин)нинг таҳлилга нисбатан бир қадар тенденциоз табиатта эгалиги.

Бадий матнга таҳлил чининг мақсади, фалсафий қарашлар гизими, эстетик тайёргарлик даражаси, илмий ва бадий савијаси ва б. омиллардан келиб чиқкан ҳолда ёндашилиши. Таҳлил ни амалга оширишда турли миллатлар ва минтақаларда турлича муносабатлар тизими қарор топғанлиги. Чиқиш ва Ботища бадий матнга тамомила ўзига хос муносабатда бўлиб келинганлиги. Чиқиш, хусусан, Туркистанда бадий асардан, биринчи навбатда, санъат талаб этилганлиги. Бадий матнининг таъсирили, ўзига хос, бетакрор, нафис ва кутилмаган бўлишига эътибор қаратилганлиги. Ботища эса бадий матндан кўпроқ ижтимоий маъно кидирилганлиги, яъни у социологик таҳлил қилинганлиги. Шунинг таъсирида адабиётшунослик илмида ҳар қандай бадий асар ўз-ўзидан эстетик, тарбиявий ва ижтимоий-маърифий функцияларни бирваракайига бажаради деб ҳисоблаб келинганлиги. Таҳлил мобайнида муайян бадий асарда айни шу функциялар қайтарда ва қанчалик даражада адо этилишини аниқлаш имконияти мавжудлиги.

Эстетик функциянинг устувор мавқега эгалиги. Айни вактда, тарбиявий ҳамда маърифий функция ҳам назардан қочирилмаслиги лозим эканлиги. Таҳлил мобайнида тарбиявий ва маърифий вазифалар текширилаётган асар замирига нечоғлик сингдирилганлигига эътибор қаратиш лозим эканлиги.

Херменевтик таҳлил да тадқиқий йўсин устуворлик қилиши. Таҳлил чи бадий матнининг қатларидағи яширин маъноларни текширишга интилиши жоизлиги. Интерпретацияда эса текширилаётган матн ўша даврдининг талабидан келиб чиқиб талқин этилиши.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ ДА АСАРНИНГ ТУР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛИШ

Бадий таҳлил муваффакиятли чиқиши учун текширилаётган асарнинг тур хусусиятлари ҳисобга олиниши шарт эканлиги. Лирик асарни таҳлил қилишда қўл келадиган усул романни текшириш ёхуд драматик асарни тадқиқ этишга мувоғиқ келмаслиги мумкинлиги. Ҳар бир бадий асар тақрорланмас ва тамомила ўзига хос эстетик ҳодиса бўлганлиги, айни вактда у ўз турдошларига хос умумий жиҳатларга эгалиги учун ҳам бу талабга риоя қилиш зарур эканлиги. Таҳлил

мобайнида ҳар бир асарнинг хусусиятидан келиб чиқиб, айни қақтда, турга хос жиҳатлар ҳисобга олиниб иш кўрилгандагина санарага эришиш мумкинлиги.

ЛИРИК АСАРЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Лирик асарлар асосан руҳият манзараларини акс эттиргани ва жунбушга келган ҳиссийт ифодаси сифатида юзага келгани учун ҳам таҳлил жараёнида сезимлар, туйгулар тизими тасвирига устувор аҳамият берилиши лозимлиги. Лирикада воқеалар баёни, ҳатти-харакатлар кўлами эмас, балки кечинмалар замзамаси қайтарзда берилишини тадқиқ этиш ва бу борада асосли кузатишлар қилиш мухим эканлиги.

Лирикада сўз ҳам кайфият ифодасини бериш, ҳам ҳолат тасвирини чизиш, ҳам таассурот манзарасини кўрсатиш воситаси бўлганлиги учун лирик асарни таҳлил қилишда бадиий сўздаги етакчи оҳангни илғаб олишга, асар мусикасини тайин этишга алоҳида аҳамият бериш лозимлиги. Лирик асарда кайфият қайдаражада тасвир этилганлиги унинг эстетик кийматини тайин этувчи асосий омил эканлиги.

ЭПИК АСАРЛАРНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳаётий кўлам, инсоний тақдирлар, қаҳрамонлар руҳияти товланишлари воқеалар асосида идрок этилиши лозим бўлган эпик асарларда таҳлил нинг ўзига хос тарзда амалга оширилиши лозимлиги. Эпик асарларда кечинмаларнинг ўзини, кайфиятларнинг ифодасини беришдан кўра, туйгуларнинг пайдо бўлиш жараёни қандайлигини текширишга эътибор қаратиш мухим эканлиги. Бу хил асарлар таҳлилида тимсолларга таяниб иш кўриш, ҳар бир бадиий қаҳрамонга хос жиҳатларни инкишоф этишга уриниш устувор бўлиши.

Эпик асарларда бадиий таҳлил ҳам кўламдор, кўп боскичли бўлиши мумкинлиги. Бадиий асардаги персонажларни муйян талабалар асосида турухлаштириб таҳлиллаш мумкинлиги. Аммо уларни ижобий ва салбий қаҳрамонларга ажратиш мумкин эмаслиги.

ДРАМАТИК АСАРЛАРНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Драматик асарлар таҳлил и тадқиқотчидан ўзгача синхковликни талаб этиши. Аслида сўз ва театр санъатларининг

омухтаси бўлмиш драмани ўқиш, идрок этиш ҳамда таҳлиллари муаян даражада кўшимча зўрикишни талаб қилиши, қаҳрамонлар ва уларнинг туйғулари, инсоний сифатлари хакида муалифнинг характеристикаси бўлмаган шароитда асар қаҳрамонлари холати, руҳияти ва шахсияти борасида фикр юритиш, муайян хулосалар чиқариш тадқиқотчидан катта ақлий куч талаб этиши. Бунинг устига, мутахассисларда ҳам драма асарларини идрок этиш тажрибаси нисбатан кам эканлигининг бу борада кўшимча мураккабликлар пайдо қилиши.

Драма асарлари таҳлил ида асосий эътиборни қаҳрамоннинг саъжиясини очишга қартиш лозим эканлиги. Ҳар бир драматик қаҳрамон табиати юзасидан уларнинг ўз сўзлари, хатти-харакатлари орқалигина фикр юритиш мумкинлиги, бу ишда муалифни ёрдамга чақиришнинг имкони йўқ эканлиги. Драматик асарларни тўлақонли таҳлил этиш учун театр санъати қоидаларидан ҳам хабардор бўлиш лозим эканлиги. Драматик асарда сўзнинг зиммасидаги юкнинг янада оғирлиги. Унда бадиий сўз, унинг товланиши эпик ҳамда лирик асарлардаги ровий ва лирик қаҳрамон вазифасини ҳам бажаришга мажбур эканлиги. Драматик асарларда шиддиятли ҳолат, таранг руҳий вазият, инсоний характерлар тўқнашуви кўрсатилиши ундаги шиддатни тъмин этишини хисобга олиб таҳлилга кўл урилгандагина бирор муваффакиятга эришини мумкин эканлиги.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ ДА УСЛУБ

Бадиий ижод учун услугуб қанчалик аҳамият касб этса, бадиий таҳлил да ҳам шунчалик ўрии бор эканлиги. Услуб ҳамиша шахста хос хусусиятни акс эттириши. Шу жиҳатдан бадиий таҳлил мобайнида таҳлил килувчининг индивидуал жиҳатлари, бадиий матнини эстетик идрок этиш йўсини унинг таҳлил ида намоён бўлиши. Бадиий таҳлилни амалга оширишда ҳар бир таҳлилчи фикрни ифодалаш тарзи, масални кўйиш ва ҳал қилишининг ўзига маҳсус йўсинига эга бўлиши лозимлиги. Айрим таҳлил чилар саволлар кўйиб, унга жавоб топишга интилса, бошқаларни ўз фикрини олдин ўтган мутафаккирларнинг қарашларига таянган ҳелда асослашга уриниши самара бериши мумкинлиги. Таҳлил савијаси баланд, хулосалар теран, такрорланмас ва янгича бўлиши учун таҳлилчи ўзига хос тарзда пухта тайёргарлик кўрган бўлиши лозимлиги.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА УРГА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ УРГАНЧ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

«БАДИЙ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ» фанидан
(5220101 Ўзбек филологияси бакалавр йўналиши талабалари
учун)

ИШЧИ ДАСТУР

Урганч-2007

2008 филологияси бакалавр йўналиши 4-босқин талабалари учун 7-семестрда умумий аудитория соати 64, шундан мавзузага 32 соат, амалий машғулотларига 32 соат, мустаким таянимга 22 соат режалаштирилган. Дастур вазирлик томонидан таянч олий ўкув юрти сифатида белгиланган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий университетининг Ўзбек филологияси факультети тавсияси билан ЎзМУ илмий методик Кенгаши тасдиқлаган дастури (Университет, Тошкент, 2003 й.) асосида проф.Ж.Юсупов томонидан қайта тузилди.

“Ўзбек адабиёти” кафедраси мажлисининг 2007 й. 30

августдаги 1-сон баённомаси билан тасдиқланди.

Кафедра мудири _____ доц. Г.Эшчонова

Филология факультетининг Илмий Кенгаши мажлисининиң 2007 йил 30 августдаги 1-сон баённомаси билан тасдиқлашга тавсия қилинди.

Декан _____ доц.О.Чўпонов

Университетнинг Илмий Кенгаши мажлисининг

2007 й. баённомаси билан тасдиқланди.

Кенгаш раиси _____ доц. Р.Эшчонов

1. Кириш. «Бадий таҳлил асослари» фанининг мақсади, вазифалари, унинг ўкув жараёнидаги ўрни, талабалар билимига кўйиладиган талаблар.
2. Аудитория машғулотларининг кўлами, ўқитиш ва билимни баҳолаш режаси, фанининг дастур билан таъминланishi.
3. Маъруза ва амалий, семинар машғулотларининг мавзулари, мазмуни ва методик кўлланималар.
4. Фанин ўқитишида янги педагогик ва информацион технологиялар кўлланиладиган машғулотлар.
5. Мустақил таълимга берилган дарсларнинг тури ва мазмуни.
6. Рейтинг назоратнинг турлари, уларнинг сони, юқори бали ва ўзлаштиришни баҳолаш усуллари.
7. Фан бўйича талаба билимини баҳолаш критерияси.
8. Фан бўйича ўкув-методик манбалар. Асосий ва қўшимча адабиётлар билан таъминланниш даражаси.
9. Машғулотни ўтиш учун зарур бўлган материаллар, ускуналар ва ёрдамчи ходимлар.

1. «Бадий таҳлил асослари» фанининг мақсади, вазифалари, унинг ўкув жараёнидаги ўрни ва талабалар билимига кўйиладиган талаблар

«Бадий таҳлил асослари» фанидан мақсад филолог мутахассисларни бадий асар билан профессионал даражада ишлашга ўргатиш.

Фанинг вазифалари:

1. Матнни илмий (филологик) таҳлил қила олиш;
2. Матнни ўкув (дидактик) таҳлил қила олиш;
3. Бадий таҳлилни куйидаги уч йўсинида таҳлил қила олиш кўникмасини шакллантириш:
 - муаллиф ёки матнга эргашиб;
 - асардаги образларга таяниб;
 - муаммоли таҳлилни амалга ошириш.

таъминланиш даражаси

Дарс түри	маъруза		амалий	Талабаларнинг ишчи дастур билан таъминланиши		
VII-семестр	32		32	48	48	100%

3. Маъруза ва амалий дарсларниг номлари, мазмуни, услубий кўлланмалар

№	Ўтиладиган мавзу номлари	Соат	Дарс түри	Асосий ва кўшимча адабиёт	Кўргазмали куроллар, ёзма материаллар
1	«Бадиий таҳлил асослари» фан сифатида.	2	Маъруза	6,7,10	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
2	Бадиий таҳлилда фалсафий ва мислий асосини ўрни. Бадиий таҳлил турлари.	2	Маъруза	6,8,10	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
3	Бадиий таҳлил босқичлари ва унинг бадиий тасвир босқичларига мувофиқлиги.	4	Маъруза	1,5,6	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
4	Бадиий таҳлилнинг йўналишлари. Бадиий таҳлилнинг асосий тамойиллари.	2	Маъруза	1,3,6	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
5	Илмий (филологик таҳлил)	2	Маъруза	1,2,3,6	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
		4	амалий		
6	Ўқув (дијактик) таҳлил	2	Маъруза	1,6,7,8	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
		4	амалий		
7	Бадиий таҳлилда шакл ва мазмун муносабати.	2 4	Маъруза амалий	1,3,5,6	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
8	Бадиий таҳлилда объект ва субъект муносабати.	2 4	маъруза Амалий	1,4,6,8	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
9	Бадиий матгизи текширишда илмий мактаблар. Бадиий таҳлилда асарнинг тур хусусиятларини хисобга олиш.	2 4	маъруза Амалий	1,2,3,6	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар

10	Лирик асарларни таҳлил килиш.	2 4	мáрзуза Амалий	1,2,6,8 1,2,3,6,7	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
11	Эзик асарларни таҳлил килиш.	4 4	мáрзуза Амалий		Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
12	Драматик асарларни таҳлил килиш. Бадиий таҳлилда услуб.	2 2 4	мáрзуза мáрзуза Амалий	1,4,6,9	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар

4. Фанни ўқитишида янги педагогик ва ахборот технологиялар

№	Ўтиладиган мавзу номи	Вакти	Дарс тури	Дарс жараёнида қўйланадиган жихозлар
1	Бадиий таҳлилда фалсафий ва миллый асоснинг ўрни	март	маъруза	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
2	Бадиий таҳлилда объект ва субъект муносабати	апрель	Маъруза	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар
3	Лирик асарларни таҳлил килиш	май	маъруза	Таҳлил намуналари ва илмий манбалар

5. Мустақиз дарс турлари ва мазмуни

№	Ўтиладиган мавзу номи	Соат	Назорат	вакти
1	Бадиий таҳлилда ўқитувчи ва ўкувчи муносабати	4	Савол- жавоб	март
2	Дидактик таҳлил ва ундан кўзланган асосий мақсад	4	Семинар	март
3	Лирик асарларни таҳлил килишда ўзига хосликлар	4	Савол- жавоб	апрель
4	Бадиий таҳлилнинг асосий тамойиллари	4	Семинар	апрель
5	Бадиий таҳлилда тур хусусиятларини ҳисобга олини	4	семинар	май

Ж. 1 салын назорат турлари сони, юқори балл

Тури	7-семестр			Имтихон баҳолари	
	Сони	Балл	Назорат	Баҳо	Түпланган балл
ЖН	3	45	Амалий турда	2	54-
ОН	2	40	Ёзма иш. Тест	3	коникарсиз 55-70
ЯН	1	15	Ёзма иш	4	71-85
Юқори балл 100				5	86-100

Бадий таҳлил асослари фанидан күп босқичли рейтинг назоратини ўтказиш тартиби

№	Назорат турлари ва босқичлар	Сони	Ўтказиш вақти	Баҳолаш бали
Кундалик Назорат	Оғзаки савол-жавоб	7	Ҳафтада бир марта	35
	Амалий машиғулот	2	Бир ойда бир марта	10
	Мустакил таълим			
Даврий назорат	Босқич бўйича			45
	Ёзма назорат	1	19-хафта	30
	Реферат	1	18-хафта	10
Якуний назорат	Босқич бўйича	2		40
	Ёзма назорат	1	20-хафта	15
Жами:	Босқич бўйича	1		15
				100

7. БАҲОЛАШ КРИТЕРИЯСИ

Жорий баҳолашда хар бир амалий машиғулотда илмий адабиётлардан фойдаланганилиги учун 1 балл, маёнбалар билан ишлаганилигига 1 балл, вақтли матбуотдан фойдаланганилиги учун

Талаба, мустақил түшіннен жаңылади. Яның бир амалий мәнінде олғандағы түлік ишлаб чиққан көмекші максимал 5 балл, машындағы түлік бажармаган талаба 3 балл түйіледі.

Оралық назоратткы реферат шаклида берілген мавзулар буйінча масаланы ассоции гарзда ифодалагани учун 5 балл, ҳар бир саволға аник илмий-назарий фикр билдира олғанлығы учун 5 баллдан, жами 10 балл қўйилади. Ёзма назорат учун берилған коншириктарнинг ҳар бири учун 3 баллдан, жами 30 балл белгиланды.

Якуний назорат ёзма турда кўп вариантилди бўлиб ҳар бир вариантнинг уч саволига жавоб ёзади. Саволларнинг ҳар бири учун 3 баллдан, жами 15 балл қўйилади.

«Бадиий таҳлил асослари» фанидан якуний ёзма ишни баҳолаш тартиби

Фан бўйича умумий 100 балл бўлиб, шундандан якуний назорат учун 15 балл ажратилган. Фан бўйича 50 вариант тузилган. Ҳар бир вариант 5 саволдан иборат. Ҳар бир саволга 3 балл (максимал) қўйилади.

Талаба берилған «таянч» сўз ва сўз бирикмаларининг мазмунини түлік ва лўнда акс эттириб, уларни бир-бираға мазмунан боғлаб, мантиқий фикр изчилигига эришса, матн имло ва услубий хатолардан холи бўлса, максимал балнинг 86-100%, яны 86-100 балл орасида қўйилади.

Талаба берилған «таянч» сўз ва сўз бирикмаларининг мазмунини лўнда очса-ю, аммо уларни мазмунан боғлашиб, байзи камчиликларга йўл қўйса, матн яратишда мантиқий изчиликка эриша олмаса, унда максимал балнинг 71-85%, яны 71-85 балл орасида қўйилади.

Талаба берилған «таянч» сўз ва сўз бирикмаларининг мазмунини юзаки ёритиб, уларни мазмунан боғлашда камчиликларга йўл қўйса, айрим имло ва услубий хатоларга йўл қўйса 55-70%, яны 55-70 балл орасида қўйилади.

Талаба берилған савол ва таянч сўзларнинг мазмунини ёритиб бера олмаса, камида 3 саволга жавоб бермаса унда 55% кам яны 55 балл ва ундан кам балл қўйилади.

8. Бадиий таҳлил асослари фани бўйича асосий ва кўшимча адабиётлар билан таъминланғанни

№	Муаллиф	Дарслик ёки ўқув кўлланма	Нашр йили	Нашр тили
1	И.Султонов	Адабиёт назарияси.	Т.1978-79	Ўзбек
2	Аристотель	«Поэтика».	Т.1978	Ўзбек
3	Бахтин М.	«Эстетика словесного творчества»	М.1990	Рус
4	Бобылев Б.Г.	«Теоретические основы филологического анализа художественного текста в национальном педвузсе».	М.1991	Рус
5	Гегель	«Эстетика»	М.1973	Рус
6	Йўлдошев К.	«Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари».	Т.1996	Ўзбек
7	Йўлдошев К.	«Ўқитувчи китоби».	Т.1997	Ўзбек
8	Йўлдошев К.	«Ўқитувчи китоби».	Т.2001	Ўзбек
9	Уэллек Р., Уоррен О.	«Теория литературы».	М.1988	Рус
10	Юнг К.Г.	«Психология бессознательного».	М.2001	рус
11	Юсупов Ж.	Кайнок қалб сурори	Т.,2006	Ўзбек

Тузувчи:

Ж.Юсупов

Ўзбек филологияси бакалавриат йўналиши 4-боқич
тадабалари учун «Бадиий таҳлил асослари» фанидан назорат
саволлари

1. Бадиий таҳлил асослари фани нимани ўрганади?
2. «Бадиий таҳлил асослари» фани қандай аҳамиятга эга?
3. «Бадиий таҳлил асослари» фанининг ўзига хос тадқиқот
методлари мавжудми?
4. Бадиий таҳлил асослари» фани ва герменевтика битта
тарсами?
5. Бадиий асар одамнинг ўзида, унинг табиатида,
мънавиятида эврилиш содир қиласидими?
6. Бадиий адабиётни факат ҳаётий саволларга жавоб
берадиган, ўқувчиларни яшашга ўргатадиган амалий восита
тарзидагина тақдим қилиш тўғрими?
7. Адабий таълимда асар таҳлилиниң ҳал қилувчи аҳамияти
ҳаҷондан бери англанадиган бўлди?
8. «Бадиий таҳлил» фанини ўргатиш яхши йўлга
кўйилганми?
9. «Бадиий таҳлил асослари» курсининг ўзбек филологик
таълимидағи герменевтик йўналишидағи дастлабки фан сифатида
ўқитилиши ҳандай аҳамият касб этади?
10. Адабий таълимнинг марказий масаласи нима?
11. Миллий адабиётимизнинг асл намуналари қайси даврда
яратилганинигидан катъи назар ўзларининг ҳакиқий эстетик
таҳлилини, талқинини ҳаҷон топиши мумкин бўлади?
12. Қачон оламни тўғри эстетик идрок этиши ва тасвирлаш
мумкин?
13. Нима учун бадиий таҳлилда фалсафий-методологик асос
муҳим ўрин тутади?
14. Нима учун исломий тафakkур тарзининг маҳсули бўлмиш
бадиий ҳодисалар моҳиятини аংглаш, унинг сиру саноатларини
очиши мумкин бўлмай қоляпти?
15. Мимесис нима?
16. Арасту нимани мимесис натижаси деб изоҳлаган?
17. Агар эстетик ҳодиса мимесис натижаси бўлса, унда...
18. Фалсафий асос, таяниладиган назарий суюнч бадиий
ҳодиса моҳиятига жиљдий таъсир кўрсатиши мумкинми?
19. Фалсафий асоснинг турничалиги айни бир бадиий
ҳодисани тамомила ҳар хил изоҳлашига сабаб бўлинни мумкинми?

20. Ҳар қандай эстетик ҳодиса муайян миллий заминда пайдо бўлганлиги учун ҳам уни тушунириш ва тадқиқ этишда ўша заминга хос хусусиятлар ҳисобга олиниши лозимми?

21. Бирор миллат учун эзгулик ёки гўзаллик намунаси ҳисобланган ҳодиса иккинчи бир миллат назарида ёзувлик ва кабоҳат деб қаралиши мумкини?

22. Бадий таҳдилни илмий-эстетик жиҳатдан пухта ва асосли амалга ошириш мумкини?

23. Ҳачон адабий асарнинг бутун жозибаси, сири тўлиқ намоён этилиши мумкин?

24. Марксча-ленинча фалсафа тафаккур тараққиёти ҳамда инсон фаолияти учун онг ва борлик муносабатига ҳандай ҳараган эди?

25. Марксча-ленинча фалсафа нималарни материянинг мураккаб кўриниши ёки унинг ҳосиласи дея даъво қилди?

26. Марксча-ленинча фалсафий таълимотга таянган адабиётшунослик адабий асарга унчаги инсон тимсолини тадқиқ этишга, тушуниришга ҳайси нуқтаи назардан туриб муносабатда бўлди?

27. Бугунги кун соғлом фалсафасининг асосий тамойиллари нимада намоён бўлади?

28. Аристотель таълимоти асосида шаклланган Гарб эстетикасида санъат асари ҳандай тушунилган?

29. Туркистон эстетикаси учун санъат асари ҳандай тушунилган?

30. Тажалли назариясига асосланиб бадий асар Ӣаҳида фикр билдиринг.

31. Гарб ва Шарҳ эстетикаси нима билан фарҳланади?

32. Санъат асарларига эстетик феномен эмас, балки ижтимоий ҳодиса тарзидағина ёндашиб унинг ҳақиқий қийматини кўрмасликка олиб келадими?

33. Ўзбек адабиётшунослиги қачон санъат асарини тўғри таҳлил қилиш ва унинг жамият ҳаётидаги ўрнини бехато белгилай олиш имкониятига эга бўлади?

34. Нега Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романни ҳануз ҳақиқий бадий талқипини топмай келаётir?

35. Бадий таҳлил тушунчаси қачон пайдо бўлди?

36. Адабиётшунослик илмида ҳозирга қадар бадий таҳлил нима, у қандай максадларни кўзда тутган ҳолда амалга оширилиши керак деган саволга қатъий жавоб берилдими?

37. Фарб филологлари томонидан «Херменевтика», «Интерпретация» номлари билан кагта-катта бир қитоблар

шеб этилган бўлса-да, тушунчага аниқ таъриф берилган эмас.
Нима учун?

38. Замоний оралиқ ўкувчига адабий асардан ўзи яшаёттан
жонига мувофиқ хуоса чиқариш, асарнинг бадий тизимидан
хам даврига мос завқ олабилиши имконини берадими?

39. Усмон Носир

Илҳомимнинг вақти йўқ, селдай келади,

Жаллоддек раҳм этмай, дилини тилади.

Аёндир бир куни айлайди хароб...

сатрларида ўзининг қатағон қурбони бўлишини хаёлига
келтирганмикин?

40. Адабий асарнинг бадий таҳлили учун ижодкор образини
идроқ этиш, муаллифийиг жилвасига айланиш ягона асос
сифатида қаралиши ҳақиқий ҳолатга унчалик ҳам мос келадими
ва бадий асар таҳлили моҳиятини тўлиғича идроқ қилиш
имконини берадими?

41. Бадий таҳлил ҳақидаги қўйидаги фикрларнинг қайси
бири таҳлил моҳиятини тўла изоҳлади?

42. Бадий таҳлил шаклига кўра қандай турларга бўлинади?

43. Нима учун бадий таҳлил орасида ёзма шакл кенг
ёйилган?

44. Бадий асар таҳлилини уйдан кузатилган мақсадга кўра
қандай турларга бўлинади?

45. Йўлмий таҳлил қандай таҳлил?

46. Ўқув таҳлили қандай таҳлил?

47. Адабий асарни дидактик таҳлил этиши жараёнида
ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти қай йўсинда уюштирилиши
мумкин?

48. Таҳлил усууллари бир-бирини инкор килувчи алоҳида
йўналишлар тарзида тушуниладими?

49. Таҳлилдан кузатилган мақсадга қачон эришиб бўлмайди?

50. Бадий тимсолларни ижобий ва салбийга ажратиб
ташлаш тўғри эмаслигини ўқувчилар онигига қўйи синфларданоқ
сингдириб бориш зарурми?

51. Қачон ўқувчиларнинг фикри чеклаш билмайди?

52. Бадий асарни таҳлил этишида матн билан ишлашининг
нечта босқичи бор?

53. Чуқур бадий таҳлилсиз теран бадий тасвир бўлиши
мумкинми?

54. Бадий адабиётнинг ижтимоийлашуви унинг бир қадар
примитивлашнишига олиб келадими?

55. Бадиий адабиёттинг мафкуравий сиқувларга йўлиқинни ва унинг ижтимоий қобижларни ёриб Шарқ тажрибаси ортиб боришига ҳамда адабиётда тагмаённи бериш санъатини ривожланишига монанд равишда янги ўзбек адабиёти тасвирини нечта босқичини бошидан ўтказди?

56. Бадиий матн яратиш борасидаги босқичларга деярни мувофиқ равищда бадиий таҳлил ҳам муайян босқичларни босиб ўтдими?

57. Адабий асар таҳлили амалиётда бадиий таҳлил қайси йўналишларда амалга оширилади?

58. Бадиий таҳлилда илмий тушунчалар асосида иш кўрилиб, хуносалар чиқарилса-да, ундан илмга хос бир хиллик кутиш мумкинми?

59. Бадиий матннинг таҳлили узил-кесил тугалланини мумкинми?

60. Бадиий асар таҳлилига кўйиладиган иккинчи бир тазаб нималардан иборат?

61. Бадиий асарга ёндашилганда, унинг реал ҳаёт манзарасини кўрсата билишини мезон қилиб иш кўриш мақсадига мувофиқ бўладими?

62. Бадиий таҳлилда амал қизиниши зарур бўлган тамойиллар ҳайслир?

63. Адабий асарни таҳлил қилишнинг муҳим принципларидан бири ҳайси?

64. Илмий таҳлилининг мақсади нима?

65. Бадиий асарни дидактик таҳлил қилиш филологик таҳлил этишдан нимаси билан жиддий фарқ қиласди?

66. Бадиий асарни дидактик таҳлил этиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти уч йўналишда уюштириши мумкин. Бу хол ўқув таҳлилининг қайси уч турини келтириб чиқаради?

67. Дидактик таҳлилга тайёргарлик ва амалга ошириш ҳар бир адабиёт ўқитувчиси учун доим ҳам икки босқичли жараён ҳисобланади. Булар қайси босқичлар?

68. Дидактик таҳлил ўқувчиларнинг иштирок этишларига кўра ҳандай турларга ажратилади?

69. Дидактик таҳлилда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олини тамойили муҳим ўрин тутадими?

70. Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг таҳлилга жалб қилинган асар юзасидан бир хил хуносага келиши шартми?

71. Дидактик таҳлилда ўқувчи ва адабиёт ўқитувчиси қарашларининг ҳар хил бўлиши мумкинлиги адабий асар

тактицида укитувчи ва улуттук мазмунларни таҳлилни оғизими?

72. Мафкура эстетик тафаккурга ҳам ҳукмронлик қилган синондарда бадий асарлардаги мазмун ва шакл муносабати сандай эди?

73. Шакл ва мазмун тушунчаси нима ўзи?

74. Бадий ижодда шаклни мазмунга қарши қўйиш ва уни иккита заманада деб қараш мумкинми?

75. Таҳлилда нимага кўпроқ эътибор бериш керак: шаклгами схуд мазмунга?

76. Р. Парфи қўйидаги «Ёмғир ёғар» шеърида асосий эътиборни нимага қаратган?

Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Томчилар томчилар сочимга,
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга...

77. Таҳлил қиласидаги кивининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган холда мавжуд бўлган ва ўз ҳолича ўқувчиларга эстетик таъсири кўрсатишга қобил бўлган бадий вокелик нима деб юритилади?

78. Бадий асарга хос жиҳатларни тадқиқ қилиб, ўзи кашф этган эстетик маънолар билан бошқа китобхонларни ҳам ошно килишга тутинган шахс нима деб юритилади?

79. Айнан холислик, совуққонлик барча турдаги хулосаларнинг ҳаққонийлигини таъминлайдими?

80. Бадий таҳлилнинг илмийлигини нима таъминлайди?

81. Таҳлилнинг қайси турлари тўлиғича кўрсатилган?

82. Интерпретация нима?

83. Бадий адабиётни компаративистик ўрганиш қачон пайдо бўлган?

84. Компаративистика ўзбек адабиётига нима берди?

85. Бадий адабиётни тарихий-функционал ўрганиш деганда нимани тушунамиз?

86. Формализм намояндалари мазмунли шаклнинг жозибали, дилни кувонтирадиган, кўзга ташланадиган бўлишига эътибор қаратганилар. Ўзбек адабиётида бу оқим намояндалари кимлар?

87. Структурал таҳлил нима?

88. Структурал таҳлил босқичларини тўғри тоғининг,

89. Структурал таҳлил тизими тушунчалари қайсилар?

90. Турли жанрлардаги адабий асарлар текширилганда таҳлил усуслари мутлақо ўзгариб кетадими?

керак?

92. Эпик асарларни таҳлил этиш йўллари қандай?
93. Драматик асарлар таҳлили ўзгача синчковликни талаб этадими?
94. Драма асарлари таҳлилида асосий эътиборни нималарга қаратилиди?
95. Бадиий таҳлилда услуб қандай мавқега эга?
96. Ўзига хос ҳозирлик кўрмай туриб, оригинал бадиий таҳлилни амалга ошириш мумкинми?
97. Кейинги вактда ўзбек адабиётшунослигига фикр эркинлиги, бадиий матнга ёндашув, таҳлил ва хулоса берниш ҳурлиги ҳолати шаклланиб бораётганligини изоҳланг.
98. Хулосаларни типологик ёндашувларга таяниб чиқариш қандай оқибатларга олиб келади?
99. Драма бадиий ҳодиса ҳаёт ҳодисасига айланган, кишининг сезги аъзоларига бевосита таъсир этиш қурратига эга бўлган ягона адабий тур экан, унинг хусусиятлари нимада?
100. Эпик асарлар таҳлилида нималарга эътибор берилади?

Тузувчи:

проф.Ж.Юсупов

**БАДИЙ ТАХЛИЛ АСОСЛАРИ ФАНИДАН ТЕСТ
САВОЛЛАРИ**
(түгри жавоб юлдузча билан белгиләнгән)

1. Бадий таҳлил асослари фани нимани ўрганади?

*А. Бадий таҳлил асослари фани бевосита бадий матнни таҳлил қилиш йўлларини ўрганади.

В. Бадий таҳлил асослари фани бадий асарни тушуниш нувларини ўрганади.

С. Бадий таҳлил асослари фани бадий матнни эстетик нуқтаи назардан таҳлил қилиш йўлларини ўрганади.

Д. Бадий таҳлил асослари фани бадий асар ғоясини таҳлил қилиш йўлларини ўрганади.

2. «Бадий таҳлил асослари» фани қандай аҳамиятга эга?

*А. «Бадий таҳлил асослари» фани улкан ижтимоий-эстетик аҳамиятга эгадир.

В. «Бадий таҳлил асослари» фани ҳеч қандай ижтимоий-эстетик аҳамиятга эга эмас.

С. «Бадий таҳлил асослари» фани одамнинг маънавиятини шакллантиришда ёрдамчи аҳамиятга эгадир.

Д. «Бадий таҳлил асослари» фанини ўзлаштирмасдан ҳам ҳар қандай бадий асарни таҳлил ҳилиш мумкин.

3. «Бадий таҳлил асослари» фанининг ўзига хос тадқиқот методлари мавжудми?

*А.Ха, мавжуд.

В.Йўқ, мавжуд эмас.

С. «Бадий таҳлил асослари» фани қиёсий-тарихий методга асосланади.

Д. «Бадий таҳлил асослари» фани кузатув методига асосланади.

4. Бадий таҳлил асослари» фани ва герменевтика битта нарсами?

*А.Ха.

В.Йўқ.

С.Бири иккинчисини тўлдиради.

Д.Бири иккинчисини тўлдирмайди.

5. Бадий асар одамнинг ўзида, унинг табиатида, маънавиятида эврилиш содир қиласидими?

*А.Ха.

В.Йўқ.

С.Анек айтиш хийин.

Д. Бадий асар одам онгинни салгина ўстиради, холос.

Бирорта жавоб берадиган амалий восита тарзидагина такдим килиш түрими?

А.Ха.

*В.Йўқ, тўғри эмас.

С. Бадиий адабиёт саволларга жавоб бермайди, балки китобхон олдига саволлар кўяди.

Д. Бадиий адабиёт саволларга жавоб беради ва китобхон олдига саволлар кўяди.

7. Адабий таълимда асар таҳлилиниң ҳал қилувчи аҳамияти ҳаҷондан бери англанадиган бўлди?

А.20-йиллардан бошлиб

В. 40-йиллардан бошлиб

С. 60-йиллардан бошлиб

*Д. 80-йиллардан бошлиб

8. «Бадиий таҳлил» фанини ўргатиш яхши йўлга қўйилганми?

А.Ха.

*В.Йўқ.

С. «Бадиий таҳлил» фанини ўргатиш энди йўлга қўйилади.

Д.Бирорта тўғри жавоб Йўқ.

9. «Бадиий таҳлил асослари» курсининг ўзбек филологик таълимидағи герменевтик йўналишдаги дастлабки фан сифатида ўқитилиши қандай аҳамият қасб этади?

*А. «Бадиий таҳлил асослари» курсининг ўзбек филологик таълимидағи герменевтик йўналишдаги дастлабки фан сифатида ўқитилиши катта маърифий аҳамият қасб этади.

В. «Бадиий таҳлил асослари» курсининг ўзбек филологик таълимидағи герменевтик йўналишдаги дастлабки фан сифатида ўқитилиши катта сийсий аҳамият қасб этади.

С. «Бадиий таҳлил асослари» курсининг ўзбек филологик таълимидағи герменевтик йўналишдаги дастлабки фан сифатида ўқитилиши катта ахлоқий аҳамият қасб этади.

Д. «Бадиий таҳлил асослари» курсининг ўзбек филологик таълимидағи герменевтик йўналишдаги дастлабки фан сифатида ўқитилиши хеч қандай аҳамият қасб этмайди.

10. Адабий таълимиминг марказий масаласи нима?

*А.Бадиий асар матни билан ишлаш.

В. Бадиий асар матнини ҳал қилувчи аҳамиятга эга масала деб билмаслик.

С.Шоирлар ижодини ўрганиш

Д.Ёзувчилар ижодини ўрганиш

11. Миллий адабиётимизнинг асл намуналари қайси даврда яратилганилигидан қатби назар ўзларининг ҳақиқий эстетик таҳдилини, талқинини қачон тошиши мумкин бўлади?

*А. Таяниладиган маънавий ва назарий асосларнинг соғлом ақолга, ҳақиқий санъат табиатига, миллий қадриятлар тизимига якин бўлишига етарли эътибор килинганда

В. Маънавий ва назарий жиҳатдан бой асарларни анъанавий адабиётшунослик методларига таянган ҳолда таҳлил килганда

С. Маънавий ва назарий жиҳатдан бой асарларни структурал адабиётшунослик методларига таянган ҳолда таҳлил килганда

Д. Миллий адабиётимизнинг асл намуналари қайси даврда яратилганилигидан қатби назар ўзларининг ҳақиқий эстетик таҳдилини, талқинини асар саҳнагаштирилганда тошиши мумкин.

12. Качон оламни тўғри эстетик идрок этиш ва тасвирлаш мумкин?

*А. Дунё ва унинг ҳодисаларига ёндашув тарзи белгилаб олинмай туриб, оламни тўғри эстетик идрок этиш ва тасвирлаш мумкин эмас.

В. Бадиий асарни чухур ўрганмай туриб, оламни тўғри эстетик идрок этиш ва тасвирлаш мумкин эмас.

С. Бадиий асар таҳлили методикасини чухур ўрганмай туриб, оламни тўғри эстетик идрок этиш ва тасвирлаш мумкин эмас.

Д. Оламнинг яратилишини билмасдан туриб уни тўғри эстетик идрок этиш ва тасвирлаш мумкин эмас.

13. Нима учун бадиий таҳлилда фалсафий-методологик асос мухим ўрин тутади?

А. Фалсафий асос тўғри бўлмаганилиги учун баъзан яхши билан ёмон, хунук билан гўзал тушунчаларига ёндашув тамомила хотўғри, ғайри илмий характер касб этиши мумкин.

*В. Чунки дунё ва унинг ҳодисаларига ёндашув тарзи белгилаб олинмай туриб, оламни тўғри эстетик идрок этиш ва тасвирлаш мумкин эмас.

С.А ва В жавоблари тўғри

Д.Битта жавоб ҳам тўғри эмас

14. Нима учун исломий тафаккур тарзининг маҳсули бўлмиш бадиий ҳодисалар моҳиятини англаш, унинг сиру саноатларини очиш мумкин бўлмай қоляни?

*А. Чунки ҳозирги ўзбек адабиётшунослигига таҳлилга, асосан, моддиончи фалсафага асосланиб ёндашилаётir.

В. Чунки ҳозирги ўзбек адабиётшунослигига таҳлилга моддиончи фалсафага асосланмасдан ёндашилаётir.

... узбек адабиетшуносигида таҳлилга оғзиғистик фалсафага асосланмасдан ёндашилаётир.

*В ва С жавоблари тўғри.

15. Мимесис нима?

- А Танқид
- В Танқид
- С Нусха кўчириш
- Д Суратга олиш

16. Арасту нимани **мимесис** натижаси деб изоҳлаган?

*А. Арасту бадий асарни тақлид - **мимесис** натижаси деб изоҳлаган.

В. Арасту бадий асарни танқид - **мимесис** натижаси деб изоҳлаган.

С. Арасту бадий асарни нусха кўчириш - **мимесис** натижаси деб изоҳлаган.

Д. Арасту бадий асарни суратга олиш - **мимесис** натижаси деб изоҳлаган.

17. Агар эстетик ҳодиса мимесис натижаси бўлса, унда...

*А. Агар эстетик ҳодиса мимесис натижаси бўлса, адабий турва жанрлар оламдаги барча ҳалқларда бир хилда бўлиши лозим эди.

В. Агар эстетик ҳодиса мимесис натижаси бўлса, адабий турва жанрлар оламдаги барча ҳалқларда бир хилда бўлиши лозим эди.

С. Агар эстетик ҳодиса мимесис натижаси бўлса, адабий турва жанрлар оламдаги барча ҳалқларда бир-бирига зид ҳолда бўлиши лозим эди.

Д. Агар эстетик ҳодиса мимесис натижаси бўлса, адабий турва жанрлар оламдаги барча ҳалқларда бир-бирини инкор этган ҳолда бўлиши лозим эди.

18. Фалсафий асос, таяниладиган назарий суюнч бадий ҳодиса можиятига жиљдий таъсир кўрсатиш мумкинми?

*А.Ха, мумкин.

В.Йўқ, мумкин эмас.

С.Мумкин, аммо таъсир сезиларли бўлмайди

Д.В ва С жавоблар тўғри.

19. Фалсафий асоснинг турличалиги айни бир бадий ҳодисани тамомига ҳар хил изоҳлашга сабаб бўлиши мумкинми?

*А.Ха, мумкин.

В.Йўқ, мумкин эмас.

С.Мумкин, аммо таъсир сезиларли бўлмайди

Д.В ва С жавоблар тўғри.

20. Ҳар қандай эстетик ҳодиса муайян миллий заминда пайдо бўлганилиги учун ҳам уни тушунириш ва тадқиқ этишда ўша заминга хос хусусиятлар ҳисобга олиниши лозимми?

А.Ха.

В.Йўқ, шарт эмас.

С. Бадий асарда акс этган миллий хусусиятлар ҳисобга олингандагина таҳлил тўлақонли чиқиши мумкин.

*Д.А ва С жавоблари тўғри.

21. Бирор миллат учун эзгулик ёки гўзаллик намунаси ҳисобланган ҳодиса иккинчи бир миллат назарида ёзувлик ва қабоҳат деб қаралиши мумкинми?

*А.Ха, мумкин.

В.Йўқ, мумкин эмас.

С.Ҳар бир миллатнинг ўз дунёҳараши мавжудлиги боис бу ҳодиса аҳамият касб этмайди.

Д.В ва С жавоблари тўғри.

22. Бадий таҳлилни илмий-эстетик жиҳатдан нухта ва асосли амалга ошириш мумкинми?

*А. Миллий мансублик ҳисобга олинган тақдирдагина бадий таҳлилни илмий-эстетик жиҳатдан пухта ва асосли амалга ошириш мумкин.

В. Миллий мансублик ҳисобга олинмаган тақдирда ҳам бадий таҳлилни илмий-эстетик жиҳатдан пухта ва асосли амалга ошириш мумкин.

С. Диний мансублик ҳисобга олинган тақдирдагина бадий таҳлилни илмий-эстетик жиҳатдан пухта ва асосли амалга ошириш мумкин.

Д. Ирқий мансублик ҳисобга олинган тақдирдагина бадий таҳлилни илмий-эстетик жиҳатдан пухта ва асосли амалга ошириш мумкин.

23. Қачон адабий асарнинг бутун жозибаси, сири тўлиқ намоён этилиши мумкин?

А. Таҳлил ўзига хослик ва билимдонлик билан амалга оширилганда

В. Фалсафий асос соглом бўлганда

С.Асар пала-партии ўрганилмаганда

*Д. Фалсафий асос соглом бўлса ва таҳлил ўзига хослик ва билимдонлик билан амалга оширилганда

24. Марксча-ленинча фалсафа тафakkур тараққиёти ҳамда инсон фаолияти учун онг ва борлик муносабатига қандай ҳараган эди?

*А. Буни энг асосий масала деб қаради ва бу ўзаро муносабатлар бирлигидә ҳам **борлик**, яъни материяга бирламчи ўрин ажратди

В. Буни энг асосий масала деб қарамади ва бу ўзаро муносабатлар бирлигидә ҳам **борлик**, яъни материяга бирламчи ўрин ажратмади

С. Буни энг асосий масала деб қарамади ва бу ўзаро муносабатлар бирлигидә ҳам **борлик**, яъни материяга умуман ўрин ажратмади

Д.В ва С жавоблари тўғри.

25. Марксча-ленинча фалсафа нималарни материянинг мураккаб кўрниши ёки унинг ҳосиласи дея даъво қилиди?

А. Моддий бўлмаган ҳосилани

В. Моддий бўлмаган тушунчаларни

*С. Моддий бўлмаган ҳосила ва тушунчаларни

Д.Ҳеч нарсани даъво қилимади

26. Марксча-ленинча фалсафий таълимотга таянган адабиётшунослик адабий асарга ундаги инсон тимсолини тадқиқ этишга, тушунтиришга қайси нуктаи назардан туриб муносабатда бўлди?

А. Материянинг бирламчилиги позициясидан туриб ёндашиш талаб этилди.

В. Ҳар қандай жамиятнинг ҳар қандай босқичидаги ҳаётини факат синфиий курашлардан иборат деб талқин этилди.

С. Ҳар қандай алоҳида одамнинг тирикчилиги адоги йўқ зиддиятлар занжири деб талқин қилинди.

*Д.А.В.С жавобларнинг барчаси тўғри.

27. Бугунги кун соғлом фалсафасининг асосий тамойиллари нимада намоён бўлади?

А. **Оллоҳ, олам, одам** муносабатлари энг асосий ва ҳал қилувчи масала ҳисобланади.

В. Инсон руҳий оламининг бекиёс ранг-баранглигидан келиб чиккан холда санъат асарларига ёндашиш бу хил фалсафанинг асосий тамойилларидандир.

С.Материянинг бирламчилигини тан олиш бу хил фалсафанинг асосий тамойилларидандир.

*Д.А ва В жавоблари тўғри.

28. Аристотель таълимоти асосида шаклланган Фарб эстетикасида санъат асари қандай тушунилган?

А. Санъат асари борликка тақлид -- мимесиснинг натижаси ҳисобланган.

В. Санъат асари воқеликка тақдид натижасида вужудга келган ва бадий ижод намунасининг баркамоллиги унинг ҳёт хақиқатига қанчалик мос келиши билан белгиланган.

С. Санъат асари воқеликка тақдид натижасида вужудга келмаган ва бадий ижод намунасининг баркамоллиги унинг ҳёт хақиқатига қанчалик мос келиши билан белгиланмаган.

*Д. А ва В жавоблари тўғри.

29. Туркистон эстетикаси учун санъат асари қандай тушунилган?

А. Туркистон эстетикаси учун минг йиллар мобайнида таяниб келинган назарий асос қалом фалсафасининг тасаввуф таълимоти ва ундаги **тажалли** назарияси бўлган.

В. Бутун оламдаги моддий ва маънавий нарсалар Оллоҳнинг тажаллиси экан, бадий ижод ана шу тажаллининг, яъни руҳоний ҳолатнинг ўзига хос тарзда эстетик моддийлашувидан иборат деб каралган.

С. Бутун оламдаги моддий ва маънавий нарсалар Оллоҳнинг тажаллиси экан, бадий ижод ана шу тажаллининг, яъни руҳоний ҳолатнинг ўзига хос тарзда эстетик идеаллашувидан иборат деб каралган.

*Д. А ва В жавоблари тўғри.

30. Тажалли назариясига асосланиб бадий асар ҳакида фикр билдиринг.

А. Шарқ эстетикаси бадий асарнинг энг кичик унсуридан ҳам гўзаллик қидирган ва тона билган.

В. Бадий асарлардан чиқадиган маъно, фикр, гояга нафосатнинг табиий хосиласи сифатида қаралган.

С. Бадий қашфиёт, инжалик деярли ҳамиша асарларнинг қатига яширинган ва ҳеч қачон очик бўлмаган.

*Д.Барча жавоблар тўғри.

31. Фарб ва Шарқ эстетикаси нима билан фарқланади?

А. Фарб эстетикаси учун **нимани** тасвирлаш, Шарқ бадиияти учун эса **нимани қандай** тасвирлаш муаммосининг ҳал қилиниши мухим саналган.

В. Шарқда бадий ижод асосида ҳамиша **гўзаллик** ва **ишқ** масаласи турган. Олам ва одам Аллоҳга хос хусусиятлар тажаллиси ўлароқ гўзал экани ва санъат асари ана шу гўзалликни имкон қадар баланд пардаларда назокат билан куйлаши кераклиги кўзда тутилган.

С. Бадий ижодининг бутун сеҳри ҳам эски воситалар ёрдамида янги туйғуларни, тароватли руҳий ҳолатларни акс эттириша эканлиги Шарқ эстетикаси учун оддий ҳақиқат саналган.

... күнкүр феномен өмас, башкир ижтимоији ходиса таридагынан сыйданин ушиннән ҳақиқий қылыштарни күрмасликка олиб келаңдым?

*А.Ха.

В.Йўқ.

С.Аниқ билмайман.

Д.Бирорта тўғри жавоб йўқ.

33. Ўзбек адабиётшуносиги қачон санъат асарини тўғри таҳлил қилиш ва унинг жамият ҳаётидаги ўрнини бехато белгилай олини имкониятига эга бўлади?

*А. Ўзбек адабиётшуносиги ижтимоий қарашлардан кутулиб, бадијий адабиётга муаммо кўтариш, масала қўйини воситаси дея ёндашин одатларидан фориг бўлсагина санъат асарини тўғри таҳлил килиш ва унинг жамият ҳаётидаги ўрнини бехато белгилай олини имкониятига эга бўлади.

В. Ўзбек адабиётшуносиги ижтимоий қарашларга асосланган ҳолда асарни тадқиқ қиласагина санъат асарини тўғри таҳлил қилиш ва унинг жамият ҳаётидаги ўрнини бехато белгилай олини имкониятига эга бўлади.

С. Ўзбек адабиётшуносиги фалсафий қарашларга асосланган ҳолда асарни тадқиқ қиласагина санъат асарини тўғри таҳлил қилиш ва унинг жамият ҳаётидаги ўрнини бехато белгилай олини имкониятига эга бўлади.

Д.В ва С жавоблар тўғри.

34. Нега Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романни ҳануз ҳақиқий бадијий таъкинини топмай келаёттир?

А. Бир замонлар шахсга сифиниш авж олган, қатағон ойболтаси қонсираган даврда бу асардан аксилруслар муносабатлари, миллатчилик излари қидирилган ва топилган эди.

В. Абдулла Қодирий шахси оқланиб, асарларини қисман ўрганишга изн теккач, адабиётшунослар буюк адабининг юксак асарларида миллатчилик ҳам, аксилруслар ҳам йўқлигини, ёзувчининг бор-йўзи «айби» жамиятдаги чинакам илғор кучларни кўролмаганлигида экани ҳақида «муруват» билан фикр билдирилдилар.

С. Юргимиз мустақилликка эришгач эса, «Ўтган кунлар», айнан, рус босқинчилигига қарши нафратни аланталатиш ва уларга қарши курашга даъват этиш учун ёзилган деган даъволар қилинмокда ва ҳар бир қараши ўзига хос дағиллар билан асослаб берилмокда.

Д. Чинакам санъаткор асарини ижтимоийлаштириш
енеңнинг қадрини оширмайды, балки унинг дахосини
шартлантиради. Ҳолбуки, «Үтгән күнләр»дай дохиёна асар
шөрөр таң айтиш учунгина ёзилмайды.

37. Бадий таҳлил тушунчаси қачон наido бўлди?

А.Х1 асрда.

В.ХУ асрда

С.ХУІІ асрда

*Д. XIX аср иккинчи ярмида

38. Адабиётшунослик илмида ҳозирга қадар бадий таҳлил нима,
у қандай мақсадларни кўзда тутган холда амалга оширилиши
герак деган саволга қатъий жавоб берилдими?

А.Ха.

В.Йўқ.

С.Аниқ айта олмайман.

*Д. Қатъий жавоб берилмади.

39. Farb филологлари томонидан «Херменевтика»,
«Интерпретация» номлари билан катта-катта бир қатор китоблар
чоп этилган бўлса-да, тушунчага аниқ таъриф берилган эмас.
Нима учун?

А. Китобхон ёки тадқикотчининг муаллифга стишиши, унинг
тажаллисига айланисиши адабий асарни бутун серкирралиги билан
антлаб етганлигини билдиради.

В. Бадий асарни муаллиф даражасида идрок этиш санъат
намунасига хос деярли барча жиҳатларни хис этиш, асар
замидаги мантикий ва бадий маънони тўлиқ англаш имконини
беради.

*С. Чунки муаллиф тасвирлаган бадий манзара билан
ўқувчи томонидан идрок этилган бадий манзара ҳамиша ҳам бир
хил бўлавермайди. Баъзан ўқувчи адаб мутлако кўзда тутмаган,
хәёлига келтирмаган, ҳатто муаллифнинг қарашларига зид, аммо
ўқувчи тўғри деб хисобладиган бадий хулосага келиниши ҳам
мумкин.

Д.А ва В жавоблари тўғри.

38. Замоний оралиқ ўқувчига адабий асардан ўзи яшаетган
замонга мувофик, хулоса чиқариш, асарнинг бадий тизимидан
ҳам даврига мос завқ олабилиши имконини берадими?

*А.Ха.

В.Йўқ.

С.Давр нафаси анча сусайди.

Д.Ижтимоий ҳаёт муаммоларини қайта тиуклаб бўлмайди.

39. Усмон Носир

Илҳомимнинг вақти йўқ, селдай келади,
Жаҳлоддек раҳм этмай, дилни тилади.
Аёндир бир куни айлайди хароб...
сатрларида ўзининг қатағон қурбони бўлишини ҳаёлига
келтирганмикин?

А. Йўқ.

В. Ҳа.

С. Бу сатрлар Усмон Носир учун ўзгача маънога эга бўлган
*Д.А ва С жавоблари тўғри.

40. Адабий асарнинг бадиий таҳлили учун ижодкор образини идрок этиш, муаллифнинг жилвасига айланиш ягона асос сифатида қаралиши ҳақиқий ҳолатга унчалик ҳам мос келадими ва бадиий асар таҳлили моҳиятини тўлигича идрок қилиш имконини берадими?

*А. Адабий асарнинг бадиий таҳлили учун ижодкор образини идрок этиш, муаллифнинг жилвасига айланиш ягона асос сифатида қаралиши ҳақиқий ҳолатга унчалик ҳам мос келмайди, бадиий асар таҳлили моҳиятини тўлигича идрок қилиш имконини бермайди.

В. Адабий асарнинг бадиий таҳлили учун ижодкор образини идрок этиш, муаллифнинг жилвасига айланиш ягона асос сифатида қаралиши ҳақиқий ҳолатга жудаям мос келади, бадиий асар таҳлили моҳиятини тўлигича идрок қилиш имконини беради.

С. Адабий асарнинг бадиий таҳлили учун ижодкор образини идрок этиш учун муаллиф билан рақиб даражасига кўтарилиш ягона асос сифатида қаралиши ҳақиқий ҳолатга мос келади, бадиий асар таҳлили моҳиятини тўлигича идрок қилиш имконини беради.

Д. В ва С жавоблари тўғри.

41. Бадиий таҳлил ҳақидаги куйидаги фикрларнинг қайси бири таҳлил моҳиятини тўла изоҳлайди?

А. Таҳлил адабий асарни тўғридан-тўғри ва жўн тушуниш ўрнига уни фикран маъноли қисм ва унсурларга бўлиб қабул этишни кўзда тутадиган илмий фаолиятдир.

В. Ҳар қандай асл бадиий асар яхлит поэтик бутунлик ҳисобланади ва мазкур яхлитликка дахл қилиш унинг жозибасини, сехрини йўқка чиқариши аниқ.

С. Таҳлил адабий асарнинг бадиий мантиғига сингишиш мақсад қилиб кўйилган илмий изоҳдир

*Д. Бадиий таҳлил адабий асарнинг ҳаётий ва бадиий мантиғи ҳамда эстетик жозибасини анилашга йўналтирилган илмий фаолиятдир.

12. Бадий таҳлил шаклига кўра қандай турларга булинади?

А.Оғзаки

В.Ёзма

С.Махсус сигналлар ёрдамида

*Д.А ва В жавоблари тўғри.

13. Нима учун бадий таҳлил орасида ёзма шакл кенг ёйилган?

А. Бу таҳлил тури факат айтилган вакт учунгина дахлдор бўлмай, кейинчалик, катта замоний ораликлардан сўнг ҳам шамларга тасъир кўрсатиши мумкинлиги учун.

В. Бу таҳлил тури факат айтилган вакт учунгина дахлдор бўлмай, кейинчалик миллат бадий тафаккурини шакллантира олиши мумкинлиги учун.

*С. Бу таҳлил тури факат айтилган вакт учунгина дахлдор бўлмай, кейинчалик, катта замоний ораликлардан сўнг ҳам шамларга тасъир кўрсатиши, миллат бадий тафаккурини шакллантира олиши, аждодлардан авло/шарга мерос бўлиб ўтиши мумкинлиги учун.

Д.Бирорта тўғри жавоб йўқ.

44. Бадий асар таҳлилини ундан кузатилган мақсадга кўра қандай турларга бўлинади?

А.Илмий (филологик)

В.Ўкув (дидақтик)

С.Мантикий

*Д.Илмий ва ўкув

45.Илмий таҳлил қандай таҳлил?

А. Илмий таҳлилда бадий асардан чиқарилган хулюсаларнинг адабиётшунослик илми эришган даражаларга мувофиқ келиши талаб этилади.

В. Илмий таҳлилда бадий асардан чиқарилган хулюсаларнинг адабиётшунослик илми эришган даражаларга мувофиқ келиши талаб этилади.

С. илмий таҳлилда ўрганилаётган асарнинг умуммиллий адабиётдаги ўрни ва милий тафаккур тараққиётига тасъири даражаси кўрсатилиши кўзда тутилиши керак.

*Д.Жавобларнинг ҳаммаси ҳам тўғри

46. Ўкув таҳлили қандай таҳлил?

А. Ўкув таҳлили эстетик-педагогик фаолият бўлиб, ўкувчиларни баркамол шахс сифатида шакллантириш каби педагогик мақсадга эришиш учун амалга оширилади.

В. Ўкув таҳлили мобайнида ўқитувчи асарни танлаш имконига эга эмас. Таҳлил этиладиган асар муайян вакт давомидагина текширилиши, бу жараёнда синфдаги ўкувчиларнинг

еш ва интеллектуал даражасига мувофиқлаштирилиши лозим бўлади.

С. Ўқув таҳлили мобайнида ўқитувчи асарни танланн имконига эга. Таҳлил этиладиган асар муайян вақт давомида текширилмасдан, бу жараёнда синфдаги ўқувчиларнинг асосан ёни ва интеллектуал даражасига мувофиқлаштирилиши лозим бўлади.

*Д.А ва В жавоблари тўғри.

47. Адабий асарни дидактик таҳлил этиши жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти қай йўсинда уюштирилиши мумкин?

А.Муаллифга ёки матнга эрганиб ёхуд ялни таҳлил

В. Асардаги образларга таяниб таҳлил қилиш

С. Ўқув таҳлилини муаммоли тарзда амалга ошириш

*Д.Жавобларнинг ҳаммаси ҳам тўғри.

48. Таҳлил усуслари бир-бирини инкор қилувчи алоҳида йўналишлар тарзида тушуниладими?

А.Ха.

В.Йўк.

*С. Таҳлилнинг ҳар уч усули деярли ҳамиша аралаш, қоришиқ ҳолда келади.

Д. Таҳлилнинг ҳар уч усули деярли ҳамиша алоҳида ҳолда амалга оширилади.

49. Таҳлилдан кузатилган мақсадга қачон эришиб бўлмайди?

А. Асар юзасидан амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият матнга таянилмаганда

Б. Матндан келиб чиқилмаганда

С. Матннинг жозибаси очилмаганда

*Д.Барча жавоблар тўғри

50. Бадиий тимсолларни ижобий ва салбийга ажратиб ташлаш тўғри эмаслигини ўқувчилар онтига қуи синкларданоқ сингдириб борищ зарурми?

*А.Ха, ниҳоятда зарур

В.Йўқ, унчалик зарур эмас.

С.Умуман зарур эмас.

Д.В ва С жавоблар тўғри

51. Қачон ўқувчиларнинг фикри чеклаш билмайди?

А. Бадиий асар муаммоли таҳлил этилганда, ўқувчиларнинг фикри чеклаш билмайди, хаёлоти эркин парвоз қиласи, бадиий ва ҳаётйи муаммони ўз тушунчаси ҳамда тажрибасидан келиб чиқиб ҳал этишга уринади.

Б. Бадиий асар муаммоли таҳлил этилмаганда ўқувчиларнинг фикри чеклаш билмайди, хаёлоти эркин парвоз қilmайди, бадиий

ва ҳаётай муммони ўз тушунчаси ҳамда тажрибасидан келиб чиқиб ҳал этишга уринмайди.

С. Муммомли таҳлил кутилган самарани бериши учун матнга синтаксидаги ўқувчилик ҳаётай тажрибалари ва эгаллаган билимлари лиражасидан келиб чиқиб эркин ёндаша олишлари зарур.

*Д.А ва С жавоблари тўғри.

52. Бадий асарни таҳлил этишда матн билан ишлашнинг нечта босқичи бор?

А. Икки

*В.Уч

С.Тўрт

Д.Беш

53. Чукур бадий таҳлилсиз теран бадий тасвир бўлиши мумкинми?

А. Бадий тасвирнинг мукаммаллашиши учун филологик таҳлил чукурлашмоғи, филологик таҳлил пухта бўлиши учун бадий тасвирнинг юксалиши талаб этилади.

*В. Чукур бадий таҳлилсиз теран бадий тасвир бўлиши гумонидир.

С. Чукур бадий таҳлилсиз теран бадий тасвир бўлиши мумкин.

Д.Барча жавоблар нотўғри.

54. Бадий адабиётнинг ижтимоийлашуви унинг бир қадар примитивлашишига олиб келадими?

*А.Ха.

В.Йўқ.

С.Салгина примитивлашиш юз беради.

Д.Бадий адабиёт янги гоялар билан бойийди.

55. Бадий адабиётнинг мағкуравий сиқувларга йўликиши ва унинг ижтимоий қобиқларни ёриб Шарқ тажрибаси ортиб боришига ҳамда адабиётда тагмаъонни бериш санъатининг ривожланишига монанд равишда янги ўзбек адабиёти тасвирнинг нечта босқичини бошидан ўтказди?

А.Икки

В.Тўрт

*С.Беш

Д.Етти

56. Бадий мати яратиш борасидаги босқичларга деярли мувофиқ равишда бадий таҳлил ҳам муайян босқичларни босиб ўтдими?

А. XX асрнинг бошлирида бадий таҳлил асар сюжет баёнидан иборат бўлди. Бу хил таҳлил учун асарнинг эстетик кимматини аниқлашдан кўра, унинг ижтимоий аҳамиятини

жениншаш муддати сапташарди. шу саюадан бадии матнига функционал ёндашув карор топди.

В. Ҳар кандай жамият қарама-қарши синфлардан иборат деган қарашибукмроний күлгөн XX асрнинг 30- йилларидан 70-йилларга қадар бўлған ораликда бадий матни таҳлилига ижтимоий ёндашув устуворлик қилиди. Бадий асар фақат синфий-партиявиий позициядан туриб таҳлил этилди.

С. Ўтган асрнинг 80-йиларидан бошлаб миълий таҳлилчиликда чинакам таҳлилга юз бурилди, бадий матни тадқик этила бошланди.

*Д.Хамма жавоблар тўғри.

57. Адабий асар таҳлили амалиётда бадий таҳлил қайси йўналишларда амалга оширилади?

А. Адабий асар таҳлили амалиётда бадий таҳлил генетик, типологик, ва филологик сингари уч йўналишда амалга оширилади.

В. Адабий асар таҳлили амалиётда бадий таҳлил типологик, функционал ва филологик сингари уч йўналишда амалга оширилади.

*С. Адабий асар таҳлили амалиётда бадий таҳлил генетик, типологик, функционал, фалсафий, психологик ва филологик сингари олти йўналишда амалга оширилади.

Д. Адабий асар таҳлили амалиётда бадий таҳлил генетик, типологик, психологик ва филологик сингари тўрт йўналишда амалга оширилади.

58. Бадий таҳлилда илмий тушунчалар асосида иш кўрилиб, хулосалар чиқарилса-да, ундан илмга хос бир хиллик кутиш мумкини?

А.Ха, мумкин.

*В.Йўқ, мумкин эмас.

С.В жавоби тўғри.

Д.Биронта жавоб тўғри эмас.

59. Бадий матиннинг таҳлили узил-кесил тугалланиши мумкини?

А. Бадий матиннинг таҳлили хеч қачон тугалланмайди.

В. Баъзан бир асарнинг ўзи бир одам томонидан кайфиятиннинг кандайлигини қараб ҳар хил идрок этилиши мумкини, асл бадий матиннинг хусусияти шундан иборатдир.

С. Турли даврларда идрок этилган айни матни турлича талқинини топаверади ва бу табиий ҳолдир.

*Д.Барча жавоблар тўғри.

60. Бадий асар таҳлилига кўйиладиган иккинчи бир талаб нималардан иборат?

А. Ҳар қандай таҳлилдің шексін жүргізу мүмкін болып калса да, оның да үшінші ва у ҳеч қачон мұтлак ҳақиқаттік дағысінің қилиши мүмкін эмаслигидір.

В. Таҳлилчи қанчалик билимдон, талантты, тажрибали ва тоғыздағы мәдениеттік мұнайшылық жағдайларда дағысінің қилиши мүмкін болады, субъектив қараш мақомыда бўлади.

С.А жавоб тўғри.

*Д.А ва В жавоблар тўғри.

61. Бадий асарга ёндашилганда, унинг реал ҳаёт манзарасини кўрсата билишини мезон қилиб иш кўриш мақсадга мувофиқ бўладими?

А.Ха, бўлади

В. Бадий асарга ёндашилганда, унинг реал ҳаёт манзарасини кўрсата билишини мезон қилиб иш кўриш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

С. Лирик ёхуд сатирик асарлар талқинида бадий ижоднинг ҳаёт ҳақиқати тарзида қабул қилиниши асарларнинг жозибасини ҳам, таъсир кучини ҳам мутлақо йўққа чиқариши мүмкін.

*Д.В ва С жавоблари тўғри

62. Бадий таҳлилда амал қилиниши зарур бўлган тамойиллар қайсилар?

А. Бадий таҳлилнинг энг мұхим тамойилларидан яна бири яхлитликдир. Яхлитлик талаби, авало, ўрганиладиган бадий асарга зўравонлик билан қисмларга ажратиб ташлаш мүмкін бўлмаган эстетик бутунлик тарзида ёндашишни тақозо қиласи.

В. Бадий таҳлилда амал қилиниши зарур бўлган тамойиллардан яна бири системаликдир. Тизимлилик принципи яхлитлик тамойилининг мантикий давоми бўлиб, бадий асарни ташкил этган компонентларнинг муайян тизимиш кўринишга эгалигини кўзда тутади ва таҳлилда шу ҳолат ҳисобга олинишини талаоб қиласи.

С. Бадий асар таҳлилида ҳамиша суюнлайдиган тамойиллардан бири тарихийликдир. Гарчи бадий асарга тарихнинг иллюстрацияси ёхуд унинг шунчаки эстетик инъекоси деб қараш тўғри бўлмаса-да, ҳар қандай адабий асарнинг муайян замонда, муайян тарихий шароитда, конкрет вақтда яшаб ўтган одам томонидан яратилғанлигини ва унда акс эттирилган воқеаларгина эмас, балки руҳий ҳолат манзараларида ҳам ўша тарихий даврнинг тамғаси борлигін тан олинади.

*Д.Барча жавоблар тўғри

63. Адабий асарни таҳлил қилишининг мұхим принципларидаң бири қайси?

А. Адаоин асарни таҳлил килишнинг муҳим принципларидан бири эстетик асосларнинг устуворлиги тамойилидир.

В. Бадий таҳлилни амалга оширишда эмоционаллик тамойили ҳам катта ўрин тутади.

С. Бадий асарлар таҳлилида амал қилиниши зарур талаблардан яна бири санъат ҳодисаларига **борлиқнинг нусхаси тарзида муносабатда бўлишнинг мумкин эмаслигидир.**

*Д.Барча жавоблар тўғри

64. Илмий таҳлилнинг мақсади нима?

А. Илмий таҳлилнинг мақсади ўрганилаётган асарнинг ҳаётий ва бадий мантиғи ҳамда эстетик жозибасини очишдан иборатдир.

В. Илмий таҳлилнинг савиғи кўп жиҳатдан таҳлилчининг иқтидори, холислиги, илмий жасорати, ҳодиса ортидаги қонуниятни кўра билиш салоҳиятига эга эканлигига боғлиқ бўлади.

С. Филологик таҳлилда бадий матнга муқаддас ва даҳлсиз, даврнинг ўткинчи инжиқуларидан холи феномен тарзида ёндашилса, асарнинг ҳаётий ва бадий мантиғи ҳамда эстетик жозибаси намоён бўлиши мумкин.

*Д.Барча жавоблар тўғри

65. Бадий асарни дидактик таҳлил қилиш филологик таҳлил этишдан нимаси билан жиҳдий фарқ қиласди?

А. Ўқув таҳлили илмий таҳлил сингари факат илмий-эстетик фаолият бўлиб қолмай, балки педагогик-психологик жараён ҳамдир. Чунки педагогик мақсадга йўналтирилганлик дидактик таҳлилнинг асосий белгисидир.

В. Ўқув таҳлилдан мақсад бадий асарни тўғри қабул этиш орқали ўқувчиларда шахслик сифатларини шакллантиришдан иборатдир.

С. Ўқув таҳлили кўпроқ шахслик хусусиятига таянади, чунки у жонни шахслар иштирокида амалга оширилади ва таҳлил қатнашчиларида муайян шахслик фазилатларини дунёга келтиришга йўналтирилади.

*Д.Барча жавоблар тўғри.

66. Бадий асарни дидактик таҳлил этици жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти уч йўналишда уюштирилиши мумкин. Бу хол ўқув таҳлилнинг ҳайси уч турини келтириб чиқаради?

А. Биринчи йўналишда адабиёт ўқитувчиси факат бадий матнга суюнади ва унинг ички тартибиغا даҳл қилмаган, уни

ұзгартырмаган ҳолда асар зимнидаги маңынан, жозибани үқувчиларга күрсата боради. Бу йұналиш текстуда таҳлил дейилади ва бунда ўқитувчи күпроқ фаолият күрсатади.

В. Иккінчи йұналишда ўқитувчининг эътибори асардаги персонажларга қаратылади ва бадий маңын образлар рухиятини тиглаб бериш жараёнида табиий равища келиб чықади. Ізувчининг санъаткорлық маҳорати ҳам бадий образларининг канчалик жонли ва таъсирчан ишланғанлыгини идрок қилиш мәнносиде очиб борилади. Бу йұналиш **тимсөлли** таҳлил дейилади ва унда үқувчиларнинг ҳам фаол иштирок этишларига имконият бўлади.

С. Учинчи йұналишда эса таҳлим асосан үқувчилар томонидан олиб борилиши кўзда тутилади. Ўқитувчи талабалари олдига муаммо кўяди ва уларни бу муаммони ечишга йўллайди. Асар таҳлили жараёнида үқувчилар факат олдин ўзлаштирган билимларидан фойдаланибгина қолмай, бир қатор янги эстетикмантикий тушунчаларни ўзлаштириб ҳам оладилар. Негаки, улар ўзаро фикр алмашаудилар, баҳсланидилар. Табиийки, бу жараёнда үқувчиларнинг маънавий оламида ҳам, ақлий дунёсида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлади. Ўқув таҳлилининг бу йұналиши **муаммоли** таҳлил дейилади.

*Д.Барча жавоблар тўғри.

67. Дидактик таҳлилга тайёргарлик ва амалга ошириш ҳар бир адабиёт ўқитувчиси учун доим ҳам икки босқичли жараён хисобланади.Булар қайси босқичлар?

А. Биринчи босқич ўқитувчининг дарсга тайёрланиш жараёни бўлиб, эргасига синфда ўрганиладиган асарни ўзича таҳлил этадики, буни муаллимнинг **индивидуал таҳлили** дейиш мумкин.

В. Иккинчи босқичда эса, ўқитувчи синфдаги үқувчилар ҳамкорлигига дарсда муайян асарни таҳлил қизадики, уни **ўқувчилар ёрдамида таҳлиллаш** дейиш мумкин.

С.Иккала жавоб ҳам ног’ури

*Д.А ва В жавоблари тўғри

68. Дидактик таҳлил үқувчиларнинг иштирок этишларига кўра қандай турларга ажратиласди?

*А. Дидактик таҳлил үқувчиларнинг иштирок этишларига **кўра индивидуал, түрухий** ҳамда **оммавий** сингари турларга ажратиласди.

В. Дидактик таҳлил үқувчиларнинг иштирок этишларига кўра **индивидуал** ҳамда **оммавий** сингари турларга ажратиласди.

С. Дидактик таҳлил ўқувчиларнинг иштирок этишларига кўри турухий ҳамда оммавий сингари турларга ажратилади.

Д.Хеч қандай турларга ажратилмайди.

69. Дидактик таҳлилда ўқувчиларнинг индивидуал ҳусусиятларини ҳисобга олиш тамойили мухим ўрин тутадими?

A.Ха, тутади.

B.Йўқ, тутмайди.

С. Адабий таълим учун ижодкор шахс мияси ва юрагидан ҳосиласи бўлмиш матнни ёш юракларга етказиш орқали ўқуучи шахсини шакллантириш мақсад ҳисобланар экан, синфдаги ҳар бир ўқувчининг алоҳида юраги, ўзига хос руҳияти, кечинмалар тизими, таъсирчанлик ҳусусиятлари, эстетик тажрибаси борлиги ҳисобга олиб иш кўриш лозим бўлади.

*Д.А ва С жавоблари тўғри.

70. Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг таҳлилга жалб қилинган асар юзасидан бир хил холосага келини шартми?

A.Ха, шарт.

B.Йўқ, шарт эмас.

С. Бадиий асарни тушунишдаги ўзига хосликнинг манбалари жуда кўп ва у ҳакда узок сўз юритиш мумкин, лекин энг мухими, ўқитувчи ўша ўзига хосликни бир хилликка томон зўрлаб йўналтирмаслиги зарур. Барчанинг бир хил ўйлашига эришиш - кўлга киритилиши мумкин бўлган педагогик натижаларнинг энг ёмонидир.

*Д.В ва С жавоблари тўғри.

71. Дидактик таҳлилда ўқувчи ва адабиёт ўқитувчиси қарашларининг ҳар хил бўлиши мумкинлиги адабий асар таҳлилида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги тамойилини инкор этадими?

***А. Дидактик таҳлилда ўқувчи ва адабиёт ўқитувчиси қарашларининг ҳар хил бўлиши мумкинлиги, асло адабий асар таҳлилида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги тамойилини инкор этмайди.**

В. Дидактик таҳлилда ўқувчи ва адабиёт ўқитувчиси қарашларининг ҳар хил бўлиши мумкинлиги адабий асар таҳлилида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги тамойилини инкор этади.

- С. Дидақтика таҳлилда ўкувчи фаолияти аҳамият касб этмайди.
- Т.В ва С жавоблар түғри.
- Мағкура эстетик тафаккурға хам ҳукмронлик қилған мәселелердә бадий асарлардаги мазмун ва шакл муносабаты сипаттайды?
- А. Бадий ҳодисасыннан ўзига хос табиати ҳисобга олинмай, шын соғынның феноменінде ёндашылғандай муносабатда бўлинди.
- В. Адабиётшуносликда бадий асарнинг мазмуни бирламчи сипатини, бадий шакл эса иккинчи даражали мавқеда бўлиши берак деган караш қарор топди.
- С. Мазмунни бирламчи деб қаровчи адабиётшунослик бадий асарнинг қандай ёзилганини билан эмас, балки унда нима ҳақда сиз борганлиги билан кўпроқ қизиқар ва шу тариқа адабиётда мазмун ҳукмронлиги вужудга келарди.
- *Д.Барча жавоблар түғри
73. Шакл ва мазмун тушунчаси нима ўзи?
- А. Шакл ва мазмун тушунчаси, аслида, бир-бирига зид бўймаган ва бири бошқасини тақозо этадиган эстетик категориялардир.
- В. Бадий шаклнинг бадийлиги шундаки, у муайян эстетик мазмунни ташийди. Бадий мазмун эса факат акъига эмас, балки ҳиссиётга ҳам таъсир этадиган шаклда ифода этилиши билан фалсафий маънодаги мазмун тушунчасидан фарқ қиласади.
- С. Бадий шаклнинг бадийлиги шундаки, у муайян ижтимоий мазмунни ташийди. Бадий мазмун эса факат акъига эмас, балки ҳиссиётга ҳам таъсир этадиган шаклда ифода этилиши билан фалсафий маънодаги мазмун тушунчасидан фарқ қиласади.
- *Д.А ва В жавоблар түғри
74. Бадий ижодда шаклни мазмунга қарши қўйиш ва уни иккиламчи деб қараш мумкинми?
- *А. Бадий ижодда шаклни мазмунга қарши қўйиш ва уни иккиламчи деб қараш мумкин эмас.
- В. Бадий ижодда шаклни мазмунга қарши қўйиш ва уни иккиламчи деб қараш мумкин
- С. Бадий ижодда шаклни мазмунга қарши қўйиш ва уни иккиламчи деб қараш нафакат мумкин, балки шарт.
- Д. Бадий ижодда шаклни мазмунга қарши қўйиш ва уни иккиламчи деб қараш адабиётшуносликда янти йўналишларга йўл очади.

75. Таҳлилда нимага кўпроқ эътибор бериш керак: шаклгами ёхуд мазмунга?

*А. Таҳлилда шаклдан мазмун сари бориш керак.

В. Таҳлилда мазмундан шакл сари бориш керак.

С. Асар таҳлили ғоя қидиришдан бошланадиган бўлса, таҳлилчи ақидага, ҳукму ҳуносага дуч келади. Ақида бор жойда хаёлот парвозига ўрин қолмайди. Хаёлот парвози тўхтаган жойда бадиий асар ҳам йўққа чиқади. Айниқса, мўъжизакор лирик асарлар таҳлилига тортилганда, ўқувчиларни ақидага етаклаб келмаслик лозим.

Д. Таҳлилда шакл ва мазмун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

76. Р. Парфи қўйидаги «Ёмғир ёғар» шеърида асосий эътиборни нимага қаратган?

Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Томчилар томчилар сочимга,
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Ҳам қайғумга, ҳам кувончимга...

А. Шоир ёмғир ёғаётгани ҳақида хабар бермайди, балки ёмғирни шеърхон кўз ўнгида «ёғидиради».

Б. Матн таҳлилига тўғри йўналитирилган шеърхонлар асар бадиияти шаклига моҳирлик билан жойлашганлигини топа оладилар ва бу нарса уларнинг нафакат эмоционал ривожига, балки тафakkур тараққиётiga ҳам таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

С. Таҳлилни шаклни кашф қилишдан бошлиш ундан келтириб чиқариш мумкин бўлган бадиий мазмунни йўққа чиқармайди, балки унинг таъсир кучини оширишга хизмат қиласди.

*Д. Барча жавоблар тўғри

77. Таҳлил килалигидан кишининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган ва ўз ҳолича ўқувчиларга эстетик таъсир кўрсатишига қобиљ бўлган бадиий вокелик нима деб юритилади?

*А. Объект

В. Субъект

С. Сюжет

Д. Фабула

78. Бадиий асарга хос жиҳатларни тадқиқ қилиб, ўзи кашф этган эстетик маънолар билан бошқа китобхонларни ҳам ошно қилишга тутинган шахс нима деб юритилади?

*А. Субъект

В. Объект

С. Терминатор

Д.Таржимон

80. Айнан холислик, совуққонлик барча турдаги хulosаларнинг ҳаққонийлигини таъминлайдими?

А.Илмда айнан холислик, совуққонлик хulosаларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди.

В. Бадий таҳлилда эса, совуққонлик, холислик, кўпинча, бадий матнининг жозибасини сезмай қолишга олиб келади.

*С. Айнан холислик, совуққонлик барча турдаги хulosаларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди.

Д. Айнан холислик, совуққонлик барча турдаги хulosаларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди.

30. Бадий таҳлилнинг илмийитини нима таъминлайди?

А. Таҳлилчининг ҳар қандай фикри унинг шахсий мулоҳазаси бўлса ҳам, лекин субъект бу хulosага факат шахсий ҳоҳиш-истаги туфайли эмас, балки муайян йўналишдаги илмий-таяниб етиб келади.

Б. Таҳлилчининг ҳар қандай фикри унинг шахсий мулоҳазаси бўлса ҳам, лекин субъект бу хulosага факат шахсий ҳоҳиш-истаги туфайли эмас, балки муайян йўналишдаги илмий-таяниб етиб келмайди.

С. Бадий таҳлил сўзнинг объектив мавжуудиги ҳам, таҳлилчининг субъектив-руҳий қаравалари ҳам эмас, балки интерсубъектив бадий реалик тарзида намоён бўлса, илмий йўл тутилган бўлади.

*Д.А ва С жавоблари тўғри

81. Таҳлилнинг қайси турлари тўлигича кўрсатилган?

*А. Типологик таҳлил, қиёсий таҳлил, функционал таҳлил, социологик, формал ва структурал таҳлил

В.Физик, объектив, типологик, социологик, формал ва структурал таҳлил

С. Қиёсий, функционал, структурал, тизими, умумий ва хусусий таҳлил

Д. Функционал, морфологик, социологик, шаклий, илмий ва структурал таҳлил

82. Интерпретация нима?

А. Бадий асар интерпретация қилинганда, унинг нағис санъат асари эканлигига унчалик эътибор қилинмай, дикқат асосан матнни тақиин этишга, яъни тушунтиришга, унда нима ҳақда гапирилаётганлигини очишга каратилади.

С. Интерпретация текнирилаётган матнга ўша давр талабидан келиб чиқиб ёндашишни тақозо этади.

С. Интерпретация текнирилаётган матнга ўша давр талабини эътибор бермасдан ёндашишни тақозо этади.

*Д.А ва В жавоблар тўғри

83. Бадий адабиётни компаративистик ўрганиш качон нани бўлган?

*А. Бадий адабиётни компаративистик ўрганиш 19 аср бошларида пайдо бўлган.

В. Бадий адабиётни компаративистик ўрганиш 18 аср бошларида пайдо бўлган.

С. Бадий адабиётни компаративистик ўрганиш 20 аср бошларида пайдо бўлган.

Д. Бадий адабиётни компаративистик ўрганиш 21 аср бошларида пайдо бўлган.

84. Компаративистика ўзбек адабиётига нима берди?

А.У ўзбек адабиётини дунё бадиияти контекстида ўрганини имконини берди.

В.Компаративистика халиқаро адабий алоқаларни ўрганинига ва адабий таъсирлар замиридаги қонуниятни очишга каратилишни бўлиб, у ўзбек адабиётига «Жаҳон адабиёти» журналини берди.

С. Компаративистика ўзбек адабиётига деярди хеч нарса бермади.

Д.А ва В жавоблар тўғри

85. Бадий адабиётни тарихий-функционал ўрганиш деганда нимани тушунамиз?

А. Бадий адабиётни тарихий-функционал ўрганиши таҳлилдаги ўзига хос йўналити бўлиб, бадий матннинг китобхон онгиди таъсирини, адабий асарнинг ўқувчи онгидаги «вариантлар» динамикаси, адибларнинг омма тасаввуридаги мартабаси тарихини тадқиқ этишиб билдишни туғулланади.

В. Бир вакълар Соҳиб Жамол асарлари, «Қисмат» романни, «Қасос» қисаси оммажай эди. Эндиликда уларни деярли ҳеч ким ўқимайди. Чўлпои, Қодирӣ, Фитрат ҳатто «Алпомиш» бир замонлар рад этилди. Кейин яна кабул қилинди. Бу ҳолатнинг ижтимоий, рухий, эстетик ва функционал сабаблари бор. Тарихий-функционал таҳлил айни шу саволларга жавоб беришта харакат қиласди.

С. Бадий асарнинг функцияси тарихий даврга мутамосиб тарзда ўзгариб бораётганлини таҳлилда хисобга олинади.

*Д.Барча жавоблар тўғри

86. Формализм намояндалари мазмунли шаклнинг жозибали, ишни кувонтирадиган, кўзга ташланадиган бўлишига эътибор карилгандар. Ўзбек адабиётида бу оқим намояндалари кимлар?

А.А.Қодирй, Чўлпон, Ойбек

В.Б.Рўзимухаммад, Ў.Хошимов, П.Қодиров

*С. Б. Рўзимухаммад, Фахриёр, И. Отамурод, Гўзал Бегим

Д.О.Мухтор, А.Орипов, Э.Воҳидов

87. Структурал таҳлил нима?

А.Структурал тадқиқотда трансформацион таҳлил муҳим урин тутади.

В. Структурал таҳлилда қарама-қарши жуфтлик (бинарная оппозиция) муҳим урин тутади.

С. Бадиий матинни структурал ўрганиш тарихий, ижтимоий, сиёсий, фалсафий, биографик, руҳий ва ўзга йўналишдаги ёндашувлардан мутлақо холи туришни фақат матининг ўзини алоҳида эстетик бутуиллик гарзида текширишни кўзда тутади.

*Д.Барча жавоблар тўғри

88. Структур таҳлил босқичларини тўғри тоининг:

А. Аксиомалаштириш, диссоциация.

В.Ассоциация, идентификация – унсурларнинг белгиларига караб, улар орасидаги алоқадорликни аниқлаш.

С.Интеграция, белгилаш.

*Д., Аксиомалаштириш, диссоциация, ассоциация, идентификация, интеграция

89. Структурал таҳил тизими тушунчалари қайслар?

А.Уисур (элемент), тизим (система), муносабат

В.Структура (таркиб), даражা,

С.Вазият, муҳолифат, модел

*Д. А,В,С жавоблар тўғри

90. Турли жанрлардаги адабий асарлар текширилганда таҳлил усуулари мутлақо ўзгариб кетадими?

*А. Турли жанрлардаги адабий асарлар текширилганда, таҳлил усуулари мутлақо ўзгариб кетмайди, албатта, лекин таҳлилчининг асарга ёндашиши, муносабат тарзи ўзгаради.

В. Турли жанрлардаги адабий асарлар текширилганда таҳлил усуулари мутлақо ўзгариб кетади.

С. Турли жанрлардаги адабий асарлар текширилганда, таҳлил усуулари мутлақо ўзгариб кетмайди, аммо таҳлилчининг асарга ёндашиши, муносабат тарзи салгина ўзгаради.

Д.В ва С жавоблар тўғри

91. Лирик асарни таҳлил қилишда нимаиарга эътибор бериш керак?

А. Лирик асарни таҳлил қилишда ундан мантиқий хуоси чиқаришга шошилмаслик, яхшиси бундай хуосани умуман изламаслик керак.

В. Таҳлилде писърдаги гўзал ўҳшатишлар, куттилмаган образни ифодаларни кўришга, тущунишга эътибор қилинса, шеърҳон олдида гўзашинкинг ҳадсиз дунёси очилади.

С. Лирикада сўз ҳам кайфият ифодасини бериш, ҳам ҳолат тасвирини чизиш, ҳам таассурот манзарасини кўрсатиш воситаси бўлганилиги учун лирик асарни таҳлил қилишда бадий сўздаги етакчи оҳантни ишғаб олиш, асар мусикасини тайин этган омилларни топишга алоҳида аҳамият бериш лозимдир.

*Д.Барча жавоблар тўғри.

92. Эпик асарларни таҳлил этиш йўллари қандай?

А. Эпикларни энг асосий белгиси: воқеабандлик ва тасвирида тафсилот мавжудлигидир.

В. Таҳлилланадиган асар қанчалик йирик, воқсалар тасвири қанчалар серкатлам, персонажлар сони нечоғлик кўп бўлмасин, таҳлил мобайнида асарларни мазмунини сўзлаб бериш мумкин эмас.

С. Эпик асар таҳлил қилинаётганда, образларнинг гап-сўзлари, қилинвари, фикрлари уларнинг савжияларига мувофиқлиги, руҳий жихатдан асосланганлигига эътибор қилиниши ва асарнинг асл киймати ана шулардан келтириб чиқарилиши лозим.

*Д.Барча жавоблар тўғри

93. Драматик асарлар таҳлили ўзгача синчковликни талаб этадими?

*А.Ха.

В.Йўқ.

С.Мутлако талаб қилмайди.

Д.Бирорта гўнри жавоб йўқ.

94. Драма асарлари таҳлилида асосий эътиборни нималарга қаратилади?

А. Драма асарлари таҳлилида асосий эътибор қаҳрамон савжиясини очишга қаратилади.

В. Драма асарлари таҳлилида асосий эътибор қаҳрамон нутқига қаратилади.

С. Драма асарлари таҳлилида асосий эътибор қаҳрамон характеристига қаратилади.

*Д.Барча жавоблар тўғри.

95. Бадий таҳлилда услуб қандай мавқега эга?

А.Ҳеч қандай мавқега эга эмас.

В. Бадий таҳлилчи ахамият касб этса, бадий таҳлилда ҳам ўшанчалик мухим.

С. Бадий таҳлилни амалга оширишда ҳар бир таҳлилчи ҳамга хос тарзи ифодага, масалани кўйиши ва ҳал қилишининг ўзига маҳсус йўсинига эта бўлиши лозим

*Д.В ва С жавоблари тўғри

96. Ўзига хос ҳозирлик кўрмай туриб, оригинал бадий таҳлилни амалга ошириш мумкинми?

А.Ха, мумкин.

В. Ўзига хос ҳозирлик кўрмай туриб, оригинал бадий таҳлилни амалга ошириш мумкин эмас.

С. Таҳлилчи адабиётшуносликдаги асосий йўналишлар, бадий матн интерпретацияси ва ҳерменевтикасига даҳлдор барча карашлар билан таниш бўлиши, улардаги етакчи фикрларни узлаштириши ва ҳар бир муайян асар юзасидан ўзига хос карашга, хуносага келган бўлиши зарур.

*Д. В ва С жавоблари тўғри.

97. Кейинги вақтда ўзбек адабиётшунослигига фикр эркинлиги, бадий матнга ёндашув, таҳлил ва хуносага бериш ҳурлиги ҳолати шаклланниб бораётганлитгини изоҳдаинг.

А. Ҳозирги вақтда бадий адабиёт давлат иши бўлмагани каби бадий таҳлил ҳам сиёсий машғулотга, мафкурага хизмат қилиш йўлига айлантирилгани йўқ. Бу ҳол карашларниң холислиги ва асосланганлитгини таъминламоқда.

В. Миллий адабиётшуносликда соф аниънавий эстетик ҳодисалар билан биргаликда шаклий ва мундарижавий жиҳатдан тамомила янгилик бўлган эстетик тажрибалар ҳам пайдо бўлмоқда.

С. Эндиликда аввал кўрилмаган бадий тажрибага душманлиқ билан ёндашиш, уни мутлако қабул қиласлиқ ёки мухолифат деб эълон қилиш ёввойилик тарзидан баҳоланадиган бўлди.

*Д.Барча жавоблар тўғри

98. Хуносаларни типологик ёндашувларга таяниб чиқариш қандай оқибатларга олиб келади?

А. Ўзбек адабиётидаги янгиликларни миллий ёки кўшини адабиётларда мавжуд бўлган ҳодисаларга солинтирган ҳолда ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатиш йўли билан баҳолашга

В. Бирор ижтимоий карашни мақсад сифатида белгилаб олиб, текширилаётган бадий матнининг ана шу мақсадга қанчалик хизмат қилгани ёки қилмаганлитгини аниқлаш орқали бадий асарга баҳо беришга

С. Бадий матининг ўзигагина таянган ҳолда асарнин бадий-эстетик қимматини очишга, шу орқали унинг милини тафаккур тараққиётига кўшган хиссасини аниқлашга

*Д. Барча жавоблар тўғри

99. Драма бадий ҳодиса ҳаёт ҳодисасига айланган, кишинин сезги аъзоларига бевосига таъсири этиш қудратига эга бўлган ягона адабий тур экан, унинг хусусиятлари нимада?

А. Драмада қаҳрамонлар характери воқелик тарзида, томошачининг кўз олдида намоён бўлади ва кучли таъсири ўтказади.

В. Кучли ижро туфайли ўртамиёна бир асар томошабинда юксак таассурот қолдириши ҳам мумкин.

С. Кучли ижро туфайли наст савиляи асар ҳам томошабинда юксак таассурот қолдириши ҳам мумкин.

*Д. Барча жавоблар тўғри

100. Эпик асарлар таҳлилида нималарга эътибор берилади?

*А. Эпик асарлар таҳлилида бадий шартлилик, образлилик, оламни ўзгача эстетик назар билан кўриш мумкинлиги ҳамиша кўзда тутилиши, муштарийларни хилма-хил ижоций йўналишдаги, турли жанрлардаги бадий ҳодисаларни қабул қила билиш ва асл санъат асарларини суюқ оммабоп битиклардан ажратса олишга ўргатади.

В. Эпик асарлар таҳлилида бадий шартлилик, образлилик, оламни ўзгача эстетик назар билан кўриш мумкинлиги ҳамиша ҳам кўзда тутилавермайди.

С. Эпик асарлар таҳлилида қаҳрамон нутқига асосий эътибор берилади.

Д. В ва С жавоблар тўғри.

«Бадий таҳлил асослари» фан сифатида

РЕЖА:

«Бадий таҳлил асослари» фанининг предмети.

«Бадий таҳлил асослари» фанининг ижтимоий аҳамияти.

«Бадий таҳлил асослари» фанининг илмий-тадқиқот методлари.

«Бадий таҳлил асослари»нинг тараққиёт истиқболлари.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

«Бадий таҳлил», «ҳерменевтика», «бадий матн идроки», «маънавият ва бадий асар», «адабиётшунослик ва таҳлил», «таҳлил ва маънавият».

«Бадий таҳлил асослари» курси филолог мугахассисларни бадий асар билан профессионал даражада ишилашга ўргатиш омилидир. Дунёнинг кўпгина университетлари, шунингдек, МДҲнинг Россия, Қозоғистон, Украина сингари мамлакатларицаги университетларнинг филология факултетларида анчадан бўён “Бадий таҳлил” ёки “Ҳерменевтика” алоҳида предмет сифатида ўрганилаётир. Бадий таҳлилдан хабарсизлик ёки бу борада етарли малакага эга бўлмаслик олий филологик таълимни самарасиз қиласди. Ўзбек адабиётшунослик илмининг дунё адабиёттануви даражасидан орқадалиги, ҳерменевтик усуулардан йироқлиги, психоналитик структурализм имкониятиларидан фойдаланолмаслиги, бадий талқиннинг, асосан, социологик интерпретация тусида эканлиги бадий таҳлил назариясини билмаслик, амалиётини ўзлаштирмаганлик оқибатидир.

Бадий асар таҳлили жуда қадим замонлардан бўён илм эгаларининг дикқатини тортиб келган. Шунинг учун ҳам унга олимлар томонидан турлича таъриф берниб келинган. Бадий таҳлил Шарқ адабиётшунослик илмida азаидан муҳокама мавзуси бўлган. Форобий, Аҳмад Тарозий, Навоий, Бобур сингари мутафаккирларнинг асарларида бадий таҳлилга доир исломий-туркий қарашлар акс этган.

Санъат инсон эвристик фаолиятининг энг олий кўринишидир. Бадий адабиёт санъатининг бошқа турлари орасида алоҳида мавқега эгадир. Чунки у инсон маънавиятини шакллантиришда асосий ўрин тутадиган воситадир. Гоят кўп ўлчовли мураккаб бутунлик бўлмиши бадий адабиёт ўқувчи

жетик-маънавии энергияга айланади. Ҳис этилмаган, англанимдан тўзалик маънавиятга таъсир кўрсата олмайди. Шунинг учун ҳам адабиёт ўқитишида бадий асар таҳлили алоҳида мавқета, аҳамиятта эгадир. Адабий таълим олдидағи бош мақсадга эришини учун филолог мутахассис бадий асарни таҳлиллаш йўлларини пухта эгаллаб олиши шартдир. Бадий матн таҳлилисиз баркамон шахс шакллантирилиши амалга ошмайдиган орзудир холос Чинакам бадий таҳлил бўлмаган жойда бадий матн ўқувчинини туйгуларига таъсир этмайди, маънавиятининг шаклланишига хизмат қилмайди.

Мафкуравий адабиёт ўқитиши, аслида, бадий асарсиз адабий таълим эди. Бунда бадий матннинг ўзи билан эмас, балки ундан чиқарилиши мумкин бўлган ижтимоий маъно билан қизиқилар эди холос. Натижада, адабиёт ўқитиши куруқ насиҳат, яланғоч ақидапарастлик, сиёsatшунослик, жамиятшуносликка айланарди. Бу факат Ўзбекистон адабий таълимигагина хос хусусият бўлмай, коммунистик мафкура ҳукмонлик қилган барча ўлкаларда ҳам аҳвол шу эди. Совет Йигифоқи атамиши бенёён империянинг ҳамма жойида ҳам талабаларга яланғоч ҳақиқатлар, зерикарли ақидалар, синфий курашлар моҳиятига дахлдор умумлашмалар, адиблар ҳаётига деир маълумотлар сингари ахборотларни етказиш адабий таълим деб қаралар, ёшлар чинакам бадий сўз таъмини хис қилишдан, адабий асар матнидан бевосита завқланишдан узиб кўйилган эди.

Жамият аъзоларининг бирор илмий ҳақиқатни билмай қолиши жамият учун ҳам, шахснинг ўзи учун ҳам жiddий йўқотиши бўлма-гани ҳолда, бирор маънавий қадриятни, ахлоқий сифатни ўзлаштирганлиги чинакам фожиадир. Мамлакатимиз ўрта мактабларида таҳсил кўрган ҳар бир киши Пифагор теоремасини ёхуд сувнинг кимёвий таркиби нимадан иборат эканлигини тутилмай айтиб беролади. «Тўғри бурчакли учбурчак гипотенузаси квадрати катетлар квадратлари йиғиндисига тенг» экани ҳақидаги маълумот таълим тизими учун ўзлаштириш ниҳоятда зарур ҳақиқат хисобланади. Ҳолбуки, бу таърифни ўзлаштириш ёки ўзлаштираслик на табиат, на жамият ва на шахс ривожига ҳал қилювчи таъсир кўрсата олади. Энг муҳими, мазкур ҳақиқатни билиш ўқувчи маънавиятига, қалбига деярли даҳл қилмайди. Пифагор теоремасини билганда ҳам, билмагандан ҳам кишининг, уни ўраб турган оламнинг моҳияти ўзгаришсиз қолаверади. Лекин ҳазрати Навоийнинг: “Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушди ўт, Йўқ шафақким, бир қирокдин

«Монга түшди ўт» матлаъли ёки: «Мени мен истаган ўз сухбатига
тракманд этмас, Мени истар кишининг сухбатин кўнглим писанд
эмис» тарзида бошланадиган ғазалари билан танишган, уларнинг
бадиий жозибаси ва мантиқий қудратидан хабардор бўлган одам
— тун олам ҳам, одамлар ҳам, ҳаёт ҳам бошқачароқ бўлиб қолиши
ниш. Ҳемак, асл бадиий асар одамнинг ўзида, унинг табиатида,
мъиёнивиятида эврилиш содир қиласи. Абдулла Ориповнинг ҳар
жонидан инсоний дард балқиб турувчи «Ўйларим» шеъридаги қу-
нидаги сатрлар ўкувчи туйғуларида ўзгариш ясанини инкор этиб
буладими:

Олти ойким, шеър ёзмайман, юрагим зада,

Олти ойким, ўзгаларга тилайман омад.

Олти ойким, дўстларим ҳам пана-панада

Истеъодим сўнганидан қиласар каромат.

Ниманидир ахтараман шеърдан ҳам улуғ,

Ниманидир қидираман нондан азизроқ.

Дунё ўзи беспоёнку рангларга тўлуғ,

Бироқ менинг қўзларимдан ранглар ҳам йироқ.

...Шеър излайман букун Тошкент қўчаларида,

Секингина зиркирайди беором қалбим.

Мен умримнинг бу суронли кечаларида

На бир таскин тона олдим, на шеър тополдим.

...Таъна қилмай ахир севгим мукофотини

Инсон учун минг оташда куяр эдим мен.

О, қанчалар севар эдим инсон зотини,

Қандай буюк муҳаббат-ла севар эдим мен.

Бугун тўниб атрофимга қарайман ғамгин,

Ўт беролмас, қалбга энди у ёнилик дамлар.

Мен инсонни бир инсондай севардим, лекин

Нечун кўпdir ҳалигача разил одамлар...

Ҳақиқий бадиият, англланган ва англатилган гўзаллик
китобхоннинг маънивиятигагина эмас тафаккурига ҳам ижобий
тасъир қўрсатади, унинг шахс сифатида шаклланиш жараёнига
тўғри йўналиш беради.

Бадиий адабиётни факат ҳаётий саволларга жавоб берадиган,
ўқувчиларни яшашга ўргатадиган амалий восита тарзидагина
тақдим қилиш заарлицир. Чунки бадиий адабиёт саволларга
жавоб бермайди, балки китобхон олдига саволлар кўяди.
Шунингдек, у ёки бу тарзда яшаш керак деб тавсия ҳам
бермайди, йўл қўрсатмайди. Чунки инсон табиатининг, ҳаётий
казиятларнинг саноқсизлиги, ҳисобсиз муқобилларга эгалиги бу
хил тавсияларни дарров самарасиз қиласи. Мабодо, адабиёт бирор

бузилган нарсанн тузатса ҳам, фақат мұхаббат дориси билан, инсонийлик малғами билан тузатади.

Саксонинчы йиллардан бошлаб, адабий таълимда асар таҳлилиниң ҳал қилювчи аҳамияти антланадиган бўлди. Ўша англанишнинг, асар таҳлили инсон маънавиятини шаклланишида тутган юксак мавқе тан олинишнинг натижаси ўлароқ «Бадий таҳлил» ёки «Ҳерменевтика» сингари янги филологик фанлар пайдо бўлди ҳамда бир катор республикалардаги олий мактабларнинг филология факултетлари ўкув режаларига киритилиб, ўқитила бошланди. Афсуски, филолог мутахассисларнинг ҳам бадий таҳлил маданияти ўюят паст, олий мактабларни битириб чиқаётган ёш мутахассисларда санъат асарларини таҳлил қилишнинг дастлабки кўникмалари ҳам шакллантирилмаган бўлишига қарамай, бизнинг республикамизда «Бадий таҳлил» фанини ўргатиш ҳанузгача ҳам йўлга кўйилмаган. Мазкур фан миллий адабиётшунослик томонидан, жилла курса, назарий жиҳатдан ҳам ишлаб чиқилмаган. Хуллас, ҳозирги кунда, худди маданий савијаси баланд мамлакатларда бўлгани сингари, «Бадий таҳлил» илмини яратиш ҳамда унинг олий ўкув юртлари филология факултетларида ўқитилишига эришиш ўзбек адабиётшунослиги олдидаги мухим вазифалардан бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам «Бадий таҳлил асослари» курсининг ўзбек филологик таълимидағи ҳерменевтик йўналишдаги дастлабки фан сифатида ўқитилиши катта маърифий аҳамият қасеб этади.

Қачонки, бўлажак филолог бадий асарларни таҳлил этиш йўл-йўригини фаний асосларда ўрганмас экан ва ҳар қандай жанрдаги асарни таҳлиллай олинни малакасига эга бўлмас экан, адабий таълимдан кузатилган мақсад тўлиқ амалга ошмайди. Адабиёт ўқитувчиси ноҷорлигича, адабиёт дарслари зерикарлигича, исардан чиқариладиган хулоса «ижтимоий насиҳат»лигича колаверади. Таҳлил ғариб бўлганилиги учун адабиёт ўқитиши жараёни олдига кўйилган бош мақсад - баркамол шахс шакллантирининг эришилмайди, унинг ўрнига курук ва ёқимсиз насиҳат билан ўкувчиларни ҳақиқий адабиётдан бездериш, бинобарин, уларнинг маънавиятини камбағаллаштириш давом этаверади.

Адабиёт мутахассислари таҳлиллаш малакасига етарлича эга бўлмаганликлари учун талабаларга нима «бериш»ни ҳам, улардан нимани «олищ»ни ҳам билинмайди. Шу боис, адабиёт дарсларида талабалар зиммасига ўюят сизи ва кераксиз «юқ» кўйилади. Енгил-елпи, талабаларнинг хаёлотини ишга солмайдиган, акчани

ўриқтирумайдиган «жавоо»лар адабиёт оуинча ижодий сало
учун етарли ҳисобланыб келинади. Чунончи, физика дарсида
бутун олам тортилиши қонунини яратиш учун Ньютоннинг бошига
тасодифан тушиб кеттан олма турткы бўлганини айтган, аммо
қонуннинг моҳиятини билмаган ўқувчига «ёмон» баҳо қўйилади
ва тўғри қилинади. Аммо «Хамса» асарининг 2,5 йил мобайнида
яратилгани ва унинг беш достондан иборатлигини билган
галабага, гарчи у «Хамса»ни очиб кўрмаган бўлса-да, «ёмон» баҳо
қўйиш мумкин эмас! Чунки адабиёт предмети учун ўша «билим»
хам етарли!

Бадиий асар матни билан ишлашни ўз фаолиятининг
марказий масаласи деб ҳисобламайдиган адабий таълим
муваффақиятсизликка маҳкумдир. Бадиий таҳлилсиз адабий
таълим маънавиятсиз шахс, билимсиз мутахассис демакдир.
Янгиланган миллий педагогикамиз ўз олдига маънавияти юксак
шахсларни шакллантириш мақсадини қўйган экан, адабий
таълимда бадиий таҳлил ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши
шубҳасиздир. Малакали бадиий таҳлил бўлмаган жойда
мўъжизавий асарнинг сехри, сири, жозибаси йўққа чиқади, унинг
замидаги бадиий ва ҳаётий маъно пайқалмай қолаверади.
Адабиёт ўқитишида бадиий таҳлилга эътибор ғоят суст бўлганлиги
учун хам миллат аҳлиниң бир неча авлоди Навоий, Бобур,
Машраб ва Кодирийсиз яшаб келмокда. Чунки ёшларга даҳо
ижодкорларнинг асарларига хос бадиий жихатлар бутун кўлами,
кўн қирралиги билан етказиб бериш механизми ишлаб чиқилгани
йўк.

Бадиий таҳлил йўллари ўзлаштирилмагунча ўқувчигар
ҳақиқий адабиётни енгил-елни, оммавий битиклардан фарқлай
олмай юраверадилар. Бу ҳолат уларни ҳафтафаҳмликка, бадиий
даътонизм (шабкўрлик)га, дидсизликка олиб боради. Эстетик
шабкўрлик, дидсизлик кишини маънавий бенисандлик ва ахлокий
локайдликка олиб келади. Адабий асарни таҳлил қила олмаган,
бинобарин, ундан таъсиридан билмаган киши маънавий
қадриятларга менсимай қарайдиган бўлади. Чунки бундай кишига
ўзгани ҳис этиш - бегона. Унда тор амалиётчилик,
манфаатпарастлик иллатлари ҳуруж қилиш имконияти катта.
Шунинг учун хам бадиий таҳлилни амалга ошириш оддий
дидактик юмуш эмас, балки ўта муҳим маънавий тадбир ҳамдир.

“Бадиий таҳлил асослари” курсининг бошқа бирор фан
бевосита шуғулланмайдиган ўз предмети мавжуд. Яъни ўзбек
филологик таълим тизимида мавжуд бўлган бирорта фан бевосита
бадиий матни таҳлил қилиш йўлларини ўргатиш билан

БАДИЙ ТАХЛИЛДА ФАЛСАФИЙ ВА МИЛЛИЙ АСОСНИНГ ЎРНИ

Битирган филологлар таҳлил маъласини эгалламаган бўлишади «Бадий таҳлил асослари» фани улкан ижтимоий-эстетик аҳамиятга эгадир. Асосли шимий таҳлил бўлмаган жойда бадини асар тўла англанмайди. Бадини матнни тўла англамаган филолог ўзга одамнинг маънавиятини шакллантиришда самарага эриниа олмайди. Ҳолбуки, филологлар миллат аҳди маънавиятини шакллантиришга масъул бўлган касб эгаларицирлар. Жамиин аъзолари ҳаётида бадий адабиётнинг баланд мартабаданги, таълим тизимида адабиёт алоҳида имтиёзли мавқеда туришинини сабаби унинг улкан ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқади Маънавият, ахлоқий кадриятлар ҳам шу йўналишдаги муайян тажрибаларни ўзлаштиришдан келиб чиқади. Бу хил тажриба ҳар бир одамнинг ўз бошидан кечирилиши шарт эмас. Балки бадини асар қаҳрамонлари ҳолатини англаш, уларнинг ҳиссийтлари, туйғулари жунбушга келгандиги сабабини тушуниш кишида худди ўша қаҳрамонларники сингари сезимларни вужудга шаклланишига сабаб бўлади.

«Бадий таҳлил асослари» фанининг ўзига хос тадқикот методлари ҳам мавжуддир. Чунончи, компараистика, кузатиш, далиллаш, дедукция, индуksия, умумлаштириш, шартлилик, психологик асосланганлик сингари методлар мазкур фанга доир хуносаларни чиқаришда кўлланиладиган илмий-тадқиқот усусларицир. Бу тадқикот методлари фаннинг бошқа соҳаларини тадқиқ этишда бошқача йўсинда ишлатилади. Тилга олинган ана шу уч омил “Бадий таҳлил асослари” курсининг алоҳида фанлигини таъминлайди.

БАДИЙ ТАҲЛИЛДА ФАЛСАФИЙ ВА МИЛЛИЙ АСОСНИНГ ЎРНИ

РЕЖА:

Оlamни эстетик идрок этиш ва бадий тасвирлашнинг ижодкор дунёкарашига алоқадорлиги.

Ижодкор бадий қарашлари тизимининг шаклланишида фалсафий асосларнинг ўрни.

Бадий тасвир ва миллий мансублик алоқаси.

Материалистик фалсафа ва бадий ижод.

Оlamни бадий идрок этиш ва тасвирлашида тасаввуф таълимотининг ўрни.

ІЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

«Дунёқараи ва бадий ижод», «оламни эстетик тушунши ва шынчтириши», «фалсафа ва дунёқараи», «моддиюнчилик», «мимесис», «калом фалсафаси», «тасаввүф», «тажалли».

Таяниладиган маънавий ва назарий асосларнинг соғлем аклга, саккайи санъат табиатига, миллий қадриятлар тизимиға яқин бўлишига етарли ёзтибор қилингандагина янгилангани илмий тафаккур амалий аҳамият қасб этади, яъни ишлай бошлайди. Шундагина, миллий адабиётимизнинг асл намуналари қайси тарда яратилганлигидан қатъи назар ўзларининг ҳақиқий эстетик таҳлилини, талқинини топиши мумкин бўлади.

Бадий таҳлилда фалсафий-методологик асос муҳим ўрин тутади. Чунки дунё ва унинг ходисаларига ёндашув тарзи белгилаб олинмай туриб, олами тўғри эстетик идрок этиш ва тасвирилаш мумкин эмас. Фалсафий асос тўғри бўлмаганилиги учун баъзан яхши билан ёмон, хунук билан гўзал тушунчаларига ёндашув тамомила нотўғри, гайри илмий характер қасб этиши мумкин. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигига таҳлилга, асосан, моддиончи фалсафага асосланиб ёндашилаётир. Натижада, кўпинча, исломий тафаккур тарзининг маҳсули бўлмиш бадий ходисалар моҳиятини англаш, унинг сиру саноатларини очиш мумкин бўлмай қоляпти.

Арасту бадий асарни тақлид - мимесис натижаси деб изоҳлаган. Агар эстетик ходиса мимесис натижаси бўлса, адабий тур ва жанрлар оламдаги барча ҳалқларда бир хилда бўлиши лозим эди. Негаки, барча ҳалқларни деярли бир хил борлиқ ўраб туради. Бинобарин, тақлид ҳам деярли бир хилда амалга оширилган бўларди. Ҳолбуки, то XX асрга қадар ҳам бир қатор ҳалқлар адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида драматик тур мавжуд эмасди. Шунингдек, «Алпомииш» йўсимиидаги йирик ҳалқ достонлари ҳам ҳамма миллиатларда ҳам мавжуд эмас.

Фалсафий асос, таяниладиган назарий суюнч бадий ходиса моҳиятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, туркий адабиёт намуналари исломдан олдинги даврда тамомила ўзига хос йўналишда ривожланган. Бунга тошибитиклар, Исик кўргонидан топилган, Селенгурда сакланиб қолган адабий ёдгорликлар тонуғдир. Фалсафий асосининг турличалиги айни бир бадий ходисани тамомила ҳар хил изоҳлангига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис ўзбек филологлари турлича фалсафий йўналишлардан хабардор бўлганликлари ҳолда миллий фалсафий асосга таянишилари шарт.

Бадий асарда акс этган миллий хусусиятлар ҳисоби олингандагина таҳлил тұлақонғы Шарқи мүмкін. Ҳар кандай эстетик ҳодиса муайян миллий заминда пайдо бўлганинги учун хам уни тушунтириш ва тадқик этишда ўша заминга хисусиятлар ҳисобга олиниши лозим. Бирор миллият учун энупк ёки гўзалик намунаси ҳисобланган ҳодиса иккинчи бир миллиат назарида ёзувлик ва қабоҳат деб қаралиши мүмкін. Чунончи ўзбеклар учун гўзалик тимсоли бўлмиш ой руслар учун лойқайдлик, бефарқлик рамзиdir. “Қизил ва кора”, “Бонари хоним” асарларидаги де Ренал хоним ва Эмма образлари Еарб китобхонлари учун инсон хурлиги, назокат ҳамда эркин мухаббат тимсоли саналса, ўзбек китобхонларида, кўпинчча, бу аёллар бу түк кимсалар сифатида таассурот қолдиради. Миллий мансублик ҳисобга олинган тақдирдагина бадий таҳлилни илмий-эстетик жихатдан пухта ва асосли амалга ошириш мүмкін.

Фалсафий асос соғлом бўлмагач, таҳлил қанчалар ўнга ҳослик ва билимдонлик билан амалга оширилмасин, адабии асарнинг бутун жозибаси, сири тўлиқ намоён этилиши мүмкін эмас. Маълумки, фаолиятнинг барча турида бўлгани сингари бадий таҳлилда ҳам миллий адабиётшунослигимиз шу вакътча маркесча-ленинча фалсафага асосланиб иш кўриб келди.

Маркесча-ленинча фалсафа тафаккур тараққиёти ҳамда инсон фаолияти учун онг ва борлик муносабати энг асосий масала деб қарайди ва бу ўзаро муносабатлар бирлигига ҳам борлик, яъни материяга бирламчи ўрин ажратади. Моддий бўлмаган ҳосила ва тушунчаларни эса материянинг мураккаб кўриниши ёки унни ҳосиласи деб даъво қилади. Бу ҳол руҳий, ҳиссий, маънавий ва ўзга хиёл моддиятга бевосита дахлдор бўлмаган тушунчаларга иккинчи даражали ҳодисалар деб қарашга олиб келади. Бинобарин, бадий ижоддаги асосий қадрият, яъни инсон руҳияти ифодаси назардан қочирилади. Бадий асарларга муносабатда ҳам инсон руҳияти манзараларидаги товланишларнинг ўзига ҳослигидан келиб чиқиб эмас, балки материянинг бирламчилиги позициясидан туриб ёндашиб талаб этилди. Ҳар қандай жамиятнинг ҳар қандай боскичидаги ҳаётини факат синфий курашлардан иборат деб, ҳар қандай алоҳида одамнинг тирикчилиги адолги йўқ зиёдиятлар занжири деб талқин қилинди. Бинобарин, маркесча-ленинча фалсафий таълимотга таянган адабиётшунослик адабий асарга ундаги инсон тимсолини тадқик, этишига, тушунтиришига факат шу нуктаи назардан турниб муносабатда бўлди. Бундай ҳол кўплаб асарлардан мутлако носоғлом хуласалар чиқаришга олиб келди. Бадий атамининг

юнсак намуналари, улардаги интичка рухий ҳолаттар, ичкин тиңзаралар бу хил таҳдил назаридан четда қолиши табиий эди. Чунки санъат асарига ижтимоий муносабат уни табиий равища тағайлантирарди.

Сөйлем фалсафа илми учун Оллох, олам, одам муносабатлари иш асосий ва ҳал қилювчи масала ҳисобланади. Олам әртилишининг мақсади бўлмиш одам ва унга хос хусусиятларни ишгааш, сезги аъзоларига бўй бермайдиган тушунчаларни ҳам ишқаш ва таърифлаш, инсон рухий оламиининг бекиёс ранг-сарранглигидан келиб чиқсан ҳолда санъат асарларига ёндашиш бу иш фалсафанинг асосий тамойилларидандир. Рухият, ҳиссиятнинг бойлиги инсонни ўзга жонзотлардан ажратувчи жиҳатлар экан, инсон ҳаётининг бадиий акси бўлмиши адабиётда айни шу руҳоний ва ҳиссий, демакки, эстетик нуқтаи назарни устувор билиб муносабатда бўлиш бу хил методологияянинг асосий талабларидандир.

Қадимий тарихга эга Шарқ (Шарқ) бадиий ижодга Фарб (гарб) эстетикасидан кўра ўзгачароқ мезонлар билан ёндашган. Чунончи, Аристотель таълимоти асосида шаклланган Фарб эстетикасида санъат асари борликка тақлид – мимесиснинг натижаси ҳисобланган. Яъни санъат асари воқеликка тақлид натижасида вужудга келган ва бадиий ижод намунасининг баркамоллиги унинг ҳаёт ҳақиқатига қанчалик мос келиши, бошқача айтганда, тақлидинг накадар усталик билан амалга оширилишига қараб белгиланган.

Шарқ гўзаллик илми, хусусан, Туркистон эстетикаси учун минг ийллар мобайнида таяниб келинган назарий асос қалом фалсафасининг тасаввуф таълимоти ва ундаги тажалли назарияси бўлган. Шу боис ҳар бир бадиий ижод намунасига илохий ҳодиса тарзида ёндашилган. Шарқ учун бадиий асарлар ҳеч қачон фақат воқеликнинг инъикосигина бўлмаган. Бутун оламдаги моддий ва маънавий нарсалар Оллохнинг тажаллиси экан, бадиий ижод ана шу тажаллининг, яъни руҳоний ҳолатнинг ўзига хос тарзда эстетик моддийлашувидан иборат леб каралган. Бинобарин, Шарқда Farbdagilтарга нисбатан ижодга сеҳрли, мўъжизавор ҳодиса тарзида ёндашиш кенг тарқалган. Кунчиқар эстетикаси бадиий асарининг энг кичик унсуридан ҳам гўзаллик қидирган ва тона билган. Бадиий асарлардан чиқадиган маъно, фикр, гояя нафосатнинг табиий ҳосиласи сифатида каралган. Чунки ҳар қандай гўзат шакл, аввало, тамкинлик, уйғуллик, мутапосиблик деб қаралган ва унда, албатта, етук фикр, чукур мазмун бўлиши табиий ҳисобланган. Тажалли назариясига таяниб, ҳар қандай

бадиин додисани аллоҳнинг намоён бўлиши, эманацияси туфанини содир бўлган ҳодиса тарзида изоҳлаш мумкин.

Кунчиқар адабиётида сиртдан қаралганда жуда турғун, котиб колган ва ўзгармасдай туюловчи адабий шаклларда ҳам бадиин кашфиётлар килишнинг адоксиз имкониятлари топилавергани Бадиий кашфиёт, инжатик деярли ҳамиша асарларнинг қатни яширинган ва ҳеч қачон очик бўлмаган. Чунки бадиий гўзаллик излаб топилгандагина эстетик лаззат беради. Шунинг учун ҳам Шарқ адабиётидан тасирланиш учун бир қадар эстетик маълумотли бўлиш талаб этилган. Бадиий асарга жўн муносабат, нафосатни тирикчилек мантиғи билан изоҳлаш миљини эстетикамиз учун бегонадир. Шу боис Шарқда талқин эмас, таҳдил устувор турган.

Фарб эстетикасида асосий эътибор кўпроқ бадиий асариниң ғояси, қандай фикрни илгари сураётганлигига қаратиласди. Санъат асарининг гўзаллигига чиройли либос, жозибали ташки безак тарзида ёндашиш устуворлик қиласди. Шу сабабли Фарб эстетикаси учун нимани тасвирлаш, Шарқ бадиияти учун эса нимани қандай тасвирлаш муаммосининг ҳал қилиниши мухим санаётган. Шарқда бадиий ижод асосида ҳамиша гўзаллик ва ишқ масаласи турган. Олам ва одам Аллоҳга хос хусусиятлар тажаллиси ўлароқ гўзал экани ва санъат асари ана шу гўзалликни имкон қадар баланд парцаларда назокат билан кўйлаши кераклиги кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам Шарқ адабиётида Кунботар аҳли учун бир қадар эриш ҳамда сийқа туюладиган гул ва булбул образлари эскирмас тимсоллар бўлиб келади. Бадиий ижоднинг бутун сеҳри ҳам эски воситалар ёрдамида янги туйғуларни, тароватли руҳий ҳолатларни акс эттиришда эканлиги кунчиқар эстетикаси учун оддий ҳақиқат санаётган. Хуллас, ўзбек адабиётшуносиги яккаш ижтимоий қарашлардан кутулиб, бадиий адабиётга муаммо кўтариш, масала қўйиш воситаси дея ёндашиш одатларидан фориғ бўлсангина санъат асарини тўғри таҳдил қилиш ва унинг жамият ҳаётидаги ўринини бехато белгилай олиш имкониятига эта бўлади.

Санъат асарларига эстетик феномен эмас, балки ижтимоий ҳодиса тарзида изоҳлаш мумкин. Унинг ҳақиқий қийматини кўрмасликка олиб келади. Бадиий ижод маҳсулига социологик қарашга одатланиб қолинганлиги учун ҳам Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» романни ҳануз ҳақиқий бадиий талқинини тоимай келаётир. Бир замонлар шахсга сифиниш авж олган, қатағон ойболтаси қонсираган даврда бу асардан аксилрұс муносабатлари, миљатчилек излари кидирилган ва топилган эди. Абдулла

Есептүй шахси оқланиб, асарларини қисман ўрганишга изнеккен, адабиётшунослар буюк адебининг юксак асарларида ижтимаатчилик ҳам, аксилируслик ҳам йўклигини, ёзувчининг борчиди «айби» жамиятдаги чинакам илғор кучларни тароимаганлигига экани ҳақида «муруват» билан фикр олдирилар. Юртимиз мустақилликка эришгач эса, «Ўтган кунлар», айнан, рус босқинчилигига қарши нафратни аллангалатиш сабакида унарга қарши курашга даъват этиш учун ёзилган деган даъволар тароимомкода ва ҳар бир қараш ўзига хос далиллар билан асослаб тароимокда.

Холбуки, «Ўтган кунлар»дай дохиёна асар бирор гап айтиш чуунгина ёзилмайди. Адид учун бу асарни ёзмасликнинг имкони булмай қолган. У хаёлида юрган ғояни сингдириш учун образлар чаратмаган ва уларнинг оғзига ўз қарашларини чайнаб солиб кўймаган. Романдаги ҳар бир образ тирик одам, ўзигагина хос сажияга эга шахслар, асар қаҳрамонлари фақат ўз табиатлари мантиғига мувофиқ ҳаракат қилишади ва бирор ўринда ҳам адид унарни етовда олиб юришта уринмайди. Гап айтиш, фикр билдириш мақсад бўлганда ёзувчи образларнинг табиати ҳақида эмас, балки уларнинг қарашлари ҳақида кўпроқ қайғурган ва бинобарин, қаердаир ногабиййликка йўл кўйган бўларди. Қодирийни кечак миллатчи эди дейиш қанчалар тухмат бўлса, бутун, ҳа, у миллатимиз мустақилликини саклаб қолиш кераклигини кўрсатиш ёхуд мавжуд тартиботни ўзгартириш зарурлигини билдириш учунгина «Ўтган кунлар»ни ёзган дейиш ҳам ўзианчалик тухматидир.

Чинакам санъаткор асарини ижтимоийлаштириши адебининг қадрини оширмайди, балки унинг даҳосини нурсизлантиради. Адабиётни юксак аршидан, кўшкидан заминга тушириб қўяди. Туркистон бирлиги учун бевосита курашган, бу ҳақда ўнлаб илмий-тарихий асарлар ёзган Заки Валиди Тўғон ёхуд Боймирза Ҳайит ижоди билан Абдулла Қодирий романиавислиги ўртасида жуда катта фарқ борлиги кўриниб турган ҳақиқат. Гап бадиий таҳтили воситасида ана шу фарқ нимадалигини-ю Қодирий даҳосининг сири қаердалитини кўрсатиб беришда. «Шум бола», «Ўғри», «Рұхлар исёни», «Жаннатта йўл», «Ўйларим», «Юзмазюз», «Адашган рұх», сингари юксак санъат намуналарини ижтимоий позициялардан туриб баҳолаш бу асарларнинг чин тароватларини йўқка чиқаришга олиб келади.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ ТУРЛАРИ

РЕЖА:

Бадий таҳлил тушунчасининг моҳияти.

Бадий таҳлилини турларга ажратишнинг илмий асослари.

Бадий таҳлилининг шаклига кўра турлари.

Бадий таҳлил мақсадига кўра турлари.

Таҳлил турларининг ўзаро алоқадорлиги.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

«Бадий таҳлил», «таҳлил турлари», «таҳлилини турларга ажратиш сабаблари», «таҳлилининг етакчи белгилари», «илмий таҳлил», «ўқув таҳлили», «талқин ва таҳлил».

Бадий таҳлил тушунчаси кўп асрлар мобайнида ўз таърифига эга бўлмай келди. Таҳлилга дастлабки таъриф Оврўпо адабиётшунослигидаги XIX аср иккичи ярмидан берила бошланди. Лекин Фарбда бадий таҳлилини интерпретация (талқин) тарзида тушунишга мойилик кучни эди. Бундай ёндашув бадий асарлардан кўпроқ ижтимоий маъно қидиришига олиб келарди.

Адабиётшунослик илмида ҳозирга қадар бадий таҳлил нима, у қандай мақсадларни кўзда тутган холда амалга оширилиши керак деган саволга қатъий жавоб берилгани йўқ. Гарчи, Фарб филологлари томонидан «Херменевтика», «Интерпретация» номлари билан катта-катта бир қатор китоблар чоп этилган бўлсада, тушунчага зинқ таъриф берилган эмас. Хар бир олим бадий асар таҳлилини ўзича изоҳлайди. Методист олим Б. Бобилев «Миллый олий ўкув юртларида бадий матнни филологик таҳлиллашнинг назарий асослари» мавзуудаги докторлик диссертациясида бадий таҳлилини мақсадини шундай тушуниради: «Бадий матннинг филологик таҳлилидан асосий мақсад муаллиф образини идрок этишдир, унга этишишдир. Айни шу ҳолат бадий матнни филологик таҳлил қилишининг асосига кўйилиши лозим¹». Мазкур қараш кўп жиҳатдан, таҳлилга оид хусусиятларни камраб олган. Дарҳакиқат, китобхон ёки тадқиқотчининг муаллифга этишиши, унинг тажаллисига айланиши адабий асарни бутун серкірралиги билан англаб этиганини билдирави. Бадий асарни муаллиф даражасида идрок этиш санъат намунасига хос деярли барча жиҳатларни хис этиш, асар замиридаги мантиқий ва бадий маънони тўлиқ англаш имконини беради. Адабиётшунослик учун муаллиф даражасига етиб, унинг ҳолатига тушиб таҳлил қилиш бадий асарни тушунишнинг олий босқичидир. Айни вактда, бадий

¹ Бобилев Б. Г. Теоретические основы филологического анализа художественного текста в параллелизме. Дисс. докт. пед. наук. М. 1991. С. 296.

жыныстарлардын замондосунын замони ташқарып ташийдиган, унинг мүлжалидан кўра оғирроқ иштимоий эстетик «юк»ни зиммасига олган, муаллифнинг ўзи туялган ёки билмаган холда бадий кашфиётларга айланган тартиб асарлар борлигига адабиёт тарихи гувоҳ. Чунки муаллиф сасибирлардан бадий манзара билан ўкувчи томонидан идрок тишини бадий манзара ҳамиша ҳам бир хил бўлавермайди. Бальки ўкувчи адаб мутлақо кўзда тутмаган, хаёлига келтирмаган, шито муаллифнинг қарашларига зид, аммо ўкувчи тўғри деб исоблайдиган бадий хulosага келиниши ҳам мумкин. Чунки саётий вазиятнинг ўзгариши, ижтимоий воқеликдаги янгича ҳолат бальки ижодкорнинг оддий изҳори дилидан чукур социал маъно келтириб чикаради. Ҳакикий бадий асарнинг умри узун ва у факат яратилган дам учунгина мансуб бўла олмайди. Таникли рус психологи Л. С. Выготскийнинг: «Санъатни кўпроқ даражада кечиккан муносабат дейиш мумкин, негаки, унинг дунёга келиши билан таъсир кўрсата бошлаши ўргасида ҳамиша оздир-кўпdir замоний оралиқ бўлади²», - деган фикри бунга далил бўла олади.

Замоний оралиқ ўкувчига адабий асардан ўзи яшаётган замонга мувофиқ хulosса чиқариш, асарнинг бадий тизимидан ҳам даврига мос завқ олабилиш имконини беради. Усмон Носирнинг фахрия характеристидаги иқрори шоир шахсга сифиниш курбони бўлиб кетганидан сўнг мутлақо ўзгача маъно касб этди, санъаткорни башоратчи макомига кўтарди:

Илҳомимнинг вақти йўқ, селдай келади,

Жаллодек раҳм этмай, дилни тилади.

Аёндир бир куни айлайди хароб...

сатрлари битилган фурсатда шоир ўзининг қатагон курбони бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганилиги аён. Шунинг учун ҳам бу сатрлар Усмон Носир учун ўзгача маънога эга бўлган, аммо бугунги ўкувчи учун тамомила бўлакча мазмун ташияжаги тушунарли. Шоир Миртемирнинг «Бетоблигимда» шеъридаги:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Мен учун йигласин, мен йиглаб бўлдим»

мисралари, аслида, бемор санъаткорнинг тушкун руҳий ҳолати ифодаси бўлган. Бугунги ўкувчиларнинг тушунчалари туфайли, мустамлака занжирларидан кутулган замондошларимизнинг дунёқарашлари, дидлари сабабли эса адолатсиз замондан норози исёнкорнинг ноласи даражасига кўтарилиган.

² Выготский Л. С. Психология искусства. М.: «Педагогика», 1987. -С. 341.

Бадий ижод тарихида юқоридагилардан ҳам таъсирлирок мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Бу ҳолат кўрсатадики, адабий асарнинг бадий таҳлили учун ижодкор образини идрок этиш, муаллифнинг жилвасига айланиш ягона асос сифатида Қаралиши ҳақиқий ҳолатга унчалик ҳам мос келмас, бадий асар таҳлили моҳиятини тўлиғича идрок қилиш имконини бермас экан. Таништан бадий асардан хулоса чиқариш, уни тадқик қилиш таҳлил этувчининг савияси, диди, дунёкараши, ҳаётий тажрибаси ва бошқа бир катор омилларга боғлиқ эканлиги маълум ҳақиқатдир. Рауф Парфи ва унга издош бўлган ижодкорларнинг асарлари аксарият ўзбек танқидчилари томонидан мутлақо бир-бирига зид тарзда таҳлил этиб келинганилиги, уларнинг ҳар бири шоирларнинг бадий нияти, санъаткорлик маҳоратини ўзича англашанилиги ҳам шуни кўрсатади.

Бадий таҳлилни асарнинг эстетик унсурларини қидирадиган фаолият деб қарайдиган мутахассислар ҳам бор. Чунончи, Г. Н. Тараносова назарида: «...таҳлил адабий асарни тўғридан-тўғри ва жўн тушуниш ўрнига уни фикран маъноли қисм ва унсурларга бўлиб қабул этишни кўзда тутадиган илмий фаолиятдир³». Бу хилда фикрлайдиган мутахассисларнинг қарашларида асосли ўринлар жуда кўн. Дарҳакикат, бадий таҳлилгина адабий асарни жўн, тўнори қабул этишдан, уни ҳаёт ҳодисаси билан арадаштириб юборишдан, «кахра-монларнинг кейинги тақдири нима бўлади, фалончи нистончига уйландими?», «Фалон асарларнинг каҳрамонлари ҳозир нима қилишимокда?» сингари асарнинг бадий ўзига хослигини, эстетик ҳодиса эканини йўқка чиқарувчи қарашлардан кутқаради. Лекин масаланинг бошқа томони бор: ҳар қандай асл бадий асар яхлит поэтик бутунлик ҳисобланади ва мазкур яхлитликка даҳл қилиш унинг жозибасини, сехрини йўқка чиқариши аник. Г. Тараносова ҳам асар таҳлилининг биринчи тамойили унга яхлит ҳодиса сифатида ёндашиш эканлигини таъкидлайди⁴. Лекин олиманинг адабий таҳлил моҳиятини тушунтирувчи фикрида бадий асарни «қисмлар» ва «унсурлар»га ажратиб ўрганиш асосий тадбир ҳисобланади, бу ҳол амалиётда унинг қарашларига зид келади.

Юргозларимиз: Ж. Азизов ва Г. Усоваларнинг қаламига мансуб «Адабий таҳлил назарияси ва амалиёти» рисоласида: «...таҳлил адабий асарнинг бадий мантиғига сингишиш мақсад

³ Тараносова Г. Н. Анализ художественного текста в системе подготовки учителя русского языка и литературы в национальной школе. Дисс. докт. пед. наук. -М.: 1991. -С. 247.

⁴ Тараносова Г. Н. Анализ художественного текста в системе подготовки учителя русского языка и литературы в национальной школе. Дисс. докт. пед. наук. -М.: 1991. -С. 15.

қилиб қўйилган илмий изоҳдир⁵» тарзида таъриф берилади. Бадиий таҳлилнинг асл мантигини акс эттириш жиҳатидан Ж. Азизов ҳамда Г. Усоваларнинг қарашлари ҳақиқатга яқинроқ. Чиндан-да, «муаллиф образига стишиш» ҳам, «адабий асарни фикран қисм ва унсурларга ажратиш» ҳам ўз холича бадиий таҳлил мөҳиятини акс эттира олмайди. Балки улар бадиий мантиқни кашф этиш, унга стишиш йўлидаги босқичлардир. Бироқ юртдош олимлар жуфтлигига мансуб мазкур хуносада ҳам, бизнинг назаримизда, кичик бир ёқламалик бордай. Чунончи, унда ҳаётий мантиқка стишиш зарурлиги кўзда тутилмайди. Тўғри, бадиий адабиёт учун эстетик мантиқ бирламчи аҳамият касб этади, аммо бу ҳолат адабий асарлардан келиб чиқадиган ҳаётий мантиқнинг муҳимлигини асло инкор этмайди. Шунинг учун ҳам бадиий таҳлил тушунчасини характерлашда бадиий ва ҳаётий мантиқ тушунчалари ёнма-ён қўйилса, максадга мувоффик бўлади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, бадиий асар таҳлили тушунчасига қўйидагича таъриф бериш мумкин: Бадиий таҳлил жозибасини англашга йўналтирилган илмий фаолиятдир. Адабий таҳлилга ана шу тариқа таъриф берилганда, ҳодисага ҳос деярли барча асосий хусусиятлар қамраб олинади дейиш мумкин. Аслида «таҳлил» атамаси арабча бўлиб, «ҳалолдаш», «эритиб юбориш», «мураккаб бутунни қисмларга ажратиш» мангиоларини англаради. Яни таҳлил дейилганда, бадиий матнининг маноси ва жозибасининг ҳалоллаб берилниши, ўқувчига бегона бўлган матнни эритиб, унинг шуурига жойлашга қаратилган фаолият кўзда тутилади. Санъат асаридан келиб чиқадиган ҳаётий маънени топиш, эстетик унсурларни кашф этиш, ўрганилаётган асарнинг топиш, эстетик тафаккурини ривожлантиришга кўшган инсоният эстетик тафаккурини ривожлантиришга кўшган ҳиссасини кўрсатиш foят муҳим. Айни вақтда, бадиий завқ манбаи нимада эканини, китобхонни муайян асардан таъсиrlанишга олиб келган бадиий омиллар, кўркам сўзнинг мантиқий тушунчалар доирасига сиғмайдиган жозибаси қаердан келиб чиқаёттанини аниқлаш ҳам ўта аҳамиятлидир.

Бадиий таҳлил шаклига кўра:

оғзаки;

ёзма сингари икки турга бўлиниади.

Бадиий асар оғзаки шаклда ҳам таҳлил қилинади. Лекин бундай таҳлилга ёзма равишда тайёргарлик кўрилса, самаралироқ бўлади. Бадиий таҳлил орасида ёзма шакл кенг ёйилган. Бу

⁵ Азизов Д., Усова Г. Теория и практика литературоведческого анализа. – Т., «РУМНЦ», 1992. – С. 52.

тахлил тури фақат айтилган вакт учунгина дахлдор бўлмай, кейинчалик, катта замоний оралиқлардан сўнг ҳам одамларга таъсир кўрсатиши, мислат бадиий тафаккурини шакллантира олиши, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиши билан характеристланади.

Бадиий асар таҳлилини ундан кузатилган мақсадга кўра:
илмий (филологик);

ўкув (дидактик) сингари икки турга бўлиш мумкин.

Филологик (ilmий) таҳлил адабий асарнинг мантиғи ва эстетик ўзига хослигини англашга йўналтирилган кучли хиссий интеллектуал фаолиятдир. Илмий таҳлилда бадиий асардан чиқарилган хулюсаларнинг адабиётшунослик илми эришган даражаларга мувофиқ келиши талаб этилади. Таҳлил жараёнида билдирилаётган ҳар бир фикр ҳам мантиқий тушунчалар, ҳам эстетик қонуниятлар билан асосланган бўлиши лозимdir. Шунингдек, илмий таҳлилда ўрганилаётган асарнинг умуммиллий адабиётдаги ўрни ва миллий тафаккур тараққиётига таъсири даражаси кўрсатилиши кўзда тутилиши керак. Филологик таҳлил оммабопликдан юқорироқ туришни ва ҳар қандай адабий ҳодисага мутахассис назари билан қаралишини тақозо қиласди. Илмий таҳлилдаги асосий нарса бадиий асарнинг бадиийлигини, таъсирчанлигини, жозибасини, сеҳрини таъминлаган жиҳатларни кўрсата билишдир. Филологик таҳлил илмий-эстетик фаолият натижасидир. У, асосан, бир киши томонидан амалга оширилади. Илмий таҳлил билан шуғулланаётган мутахассис вакт жиҳатидан ҳам, имконият жиҳатидан ҳам чекланмаган бўлади. Илмий таҳлилни амалга ошираётган киши фақат ўзи белгилаб олган бош мақсадга қараб интилади.

Ўкув таҳлили эстетик-педагогик фаолият бўлиб, ўкувчиларни баркамол шахс сифатида шакллантириш каби педагогик мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Ўкув таҳлили мобайнида ўқитувчи асарни танлаш имконига эга эмас. Таҳлил этиладиган асар муайян вакт давомидагина текширилиши, бу жараёнда синфдаги ўкувчиларнинг ён ва интеллектуал даражасига мувофиқлаштирилиши лозим бўлади. Шу жиҳатдан дидактик таҳлил филологик таҳлилга иисбатан мураккаброқdir.

Адабий асарни дидактик таҳлил этиши жараёнида ўқитувчи ва ўкувчи фаолияти куйидаги уч йўналишда уюштирилиши мумкин:

- а) муаллифга ёки матнга эргашиб ёхуд ялпи таҳлил;
- б) асардаги образларга таяниб таҳлил қилиш;
- в) ўкув таҳлилини муаммоли тарзда амалга ошириш.

Биринчи йўналишда адабиёт ўқитувчиси факат бадии матнга сўянади ва матн мантигини, унинг ички тартибини асло тартифмаган ҳолда асар зимнидаги маънони, жозибани учуннинг кўрсата боради. Бу усули текстуал таҳлил усули юниш мумкин ва бунда ўқитувчи кўпроқ фаолият кўрсагади.

Иккинчи йўналишда ўқитувчининг эътибори асардаги персонажларга қаратилади ва образлар руҳиятини англаб бориш жараёнида асарнинг бадий маъноси ўзлаштирилади. Адабнинг синъаткорлик маҳорати ҳам бадий образларининг қанчалик жонли ва таъсирчан ишланганлигини таҳлиллаш асносида очиб борилади. Бу йўналишни тимсолли таҳлил йўли дейиш мумкин ва бу йўналишда ўқувчиларнинг ҳам анчагина фаол иштирок этишларига имконият бўлади.

Учинчи йўналишда эса таҳлил асосан ўқувчилар томонидан олиб борилиши кўзда тутилади. Ўқитувчи талабалари олдига муаммо кўяди ва уларга бу муаммони ечиш йўлларини кўрсагади. Асар таҳлили жараёнида ўқувчилар факат билган тушунчаларидангина фойдаланиб қолмай, бир қатор янги эстетик-мантикий тушунчаларни ўзлаштириб ҳам олишади. Негаки, улар жамоа бўлиб ишлайдилар. Ўзаро фикр алмашадилар, баҳслашадилар. Табиийки, бу жараёнда ўқувчиларнинг маънавий оламида ҳам, ақлий дунёсида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлади. Ўқув таҳлилининг бу усули муаммоли таҳлил дейилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, таҳлилнинг айтилган усуллари бир-бирини инкор килувчи алоҳида йўналишлар тарзида тушунијмаслиги керак. Адабий таълим амалиётида таҳлилнинг ҳар уч усули деярли ҳамиша арагац, коришиқ ҳолда келади. Текстуал таҳлилни образларга таянмай туриб амалга ошириб бўлмайди. Муаммоли таҳлилни ҳам бадий матнга асосланмай бажариш мумкин эмас. Ҳар қандай муаммо матндан келиб Шарқи, ҳар қандай мустақил фикр ҳам матннинг сехру жозибасини очишга хизмат қилини жоиз. Текстуал таҳлилда матннинг маромини бузмаслик, муалиф юрган йўлга, у ўрнатган бадий тартибга риоя қилиш устувор бўлади, лекин таҳлилнинг қолган иккى турида ҳам бадий матн асосий ўрин тутади. Шу маънода, ҳар қандай таҳлил моҳият эътибори билан текстуал таҳлилдир.

Текстуал таҳлил кўпроқ 6-7-синф ўқувчилари билан олиб бориладиган машгулотларда кўлланилиади. Айниқса, кичикроқ ҳажмли насрый асарларни дидактик таҳлил этишда бу усул жуда кўл келади. Таъкидлаш жоизки, асар юзасидан амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият факат матнга таяниши,

матндан келиб Шарқи, матининг жозибасини очишга хизмат қилиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳар қандай усуlda ўкув таҳлилини амалга оширишдан оддин, албатта, ўқувчилар бадиин матн билан яхши таниш бўлишлари шарт. Акс ҳолда, таҳлилдан кузатилиган мақсаддага эришиб бўлмайди.

Қатта ҳажмли эпик асарлар кўпроқ юқори синфларда ўрганилади. Уларни ўргатишда тимсолли таҳлил усулидан фойдаланиш яхши самара беради. Чунки ўрганиладиган асар ҳажман катта, ажратилган вақт эса қисқа бўлгани учун уларни текстуал таҳлил қилишнинг имкони йўқ. Бундай вақтларда асосий эътибор ўрганилаётган асардаги образларга қаратилади. Тимсолларнинг рухияти, ўйлари, кечинмалари, хатти-харакатлари, саъжиялари ҳам ҳаётийлик, ҳам бадиийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва шу йўсинда муаллифнинг бадиий маҳорати намоён этилади.

Ўқувчилар тимсолларни жонли одамлар, ўз тақдирига, ўзига хос инсоний табиатга эга тирик кишилар тарзида қабул қилишларига эришиш керак. Шундагина, бу тимсоллар туйган туйгулар ўқувчиларга ҳам юқади, тавсирантиради, бинобарин, тарбиялади. Шунингдек, бадиий тимсолларнинг ижобий ва салбий гурухларга ажратилишига йўл кўймаслик, ҳар бир бадиий тимсолнинг қарама-карши табиатли киши нуқтаи назаридан қандай баҳоланиши мумкинлигига эътибор қаратилиши лозим. Атрофимиздаги одамларни жўнгина яхши ва ёмонга ажратиш нотўғри бўлганидек, бадиий тимсолларни ҳам ижобий ва салбийга ажратиб ташлаш тўғри эмаслигини ўқувчилар онгига куйи синфларданоқ сингидириб бориш зарур.

Оlam чексиз ва ўта мураккаб бўлгани каби, одам ҳам foят мураккаб ва табиатининг қирралари ададсиз товланишларга эга бўлган мавжудотdir. Шунинг учун ҳам мураккаб инсоннинг тимсолини қандайдир тавсифий колипга тушириб кўйиш унинг қиёфасини нурсизлантиради. Ҳаётдаги ҳар бир алоҳида одам тўлиқ ечими ҳеч қачон тонилмайдиган муаммодир. Бадиий адабиёт ана шу адоксиз муаммонинг қирраларини бутун мураккаблиги, жилвалари, соялари ва товланишлари билан тасвир этиш орқали ўқувчини ўзгани ҳис этишга, бегона кишининг дардини англашга одатлантиради. Тимсолий таҳлил натижасида ҳар бир ўқувчида табиати йўналиши ва мактаб қўйган педагогик вазифанинг характерига қараб, бола рухиятида муайян сифатлар ҳосил қилинади. Қандайдир шахслик фазилатлари шакллантирилади.

Адабий асарни муаммоли таҳлил қилиш йўли миллий методика илмида жуда кам ўрганилган бўлиб, адабий таълим амалийтида ҳам унинг кўлланилиш доираси - анча тор. Бу усузининг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилмаганлиги учун ҳам алибиёт ўқитувчиларининг кўпчилиги уни қай йўсинда тадбиқ этишини билишмайди. Айрим новатор, ўз устида ишлайдиган ва изланадиган ўқитувчиларгина муаммоли усул билан бадиий таҳлил килингга кўл урадилар. Бадиий асар муаммоли таҳлил этилганда, ўқитувчиларнинг фикри чеклаш билмайди, хаёлоти эркин парвоз килади, бадиий ва ҳаётний муаммони ўз тушунчаси ҳамда тажрибасидан келиб чиқиб ҳал этишга уринади. Ўқитувчилар пухта муаммоли таҳлил қила олишлари учун бадиий матн билан яхши танишибгина қолмай, уни тўлиқ ҳазм қилган бўлишлари ҳам керак. Чунки ўзлаштирилган фикр фикр уйғотади, сингдирилган хиссийёт туйғу кўзгатади.

Муаммоли усул билан таҳлил этишда ўқитувчиларни шунчаки баҳсга тортиш керак эмас, балки уларнинг бутун кучи бадиий матнининг мағзини очишга йўналтирилган бўлиши лозим. Муаммоли таҳлил кутилган самарани бериши учун матнга синфдаги ўқитувчилар ҳаётний тажрибалари ва эгаллаган билимлари даражасидан келиб чиқиб эркин ёндаша олишлари зарур. Мисол учун, 9-синфда Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асари ўрганилади. Агар мазкур асар муаммоли йўл билан таҳлил этиладиган бўлса, ўқитувчи болалар олдига: «Эдип айбдорми ёки гуноҳкор?» тарзида савол қўйиши ва ўқитувчилардан ўз фикрларини бадиий матнга таянган ҳолда асослашларини талаб этиши мумкин. Гуноҳ, гуноҳкорлик, айб, айбдорлик, қисмат, унга ишониш, кибр, инсон маънавияти сингари тушунчалар атрофида фикр юритиш жараёнинда ўқитувчилар Эдип шахсининг улкан фожиасини яқиндан, бевосита, ҳис этадилар. Ўзларининг ҳаётний ва маънавий-ахлоқий тажрибаларидан келиб чиқиб Эдип ва атрофидагиларнинг хатти-харакатларига баҳо берадилар.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ БОСҚИЧЛАРИ ВА УНИНГ БАДИЙ ТАСВИР БОСҚИЧЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ

РЕЖА:

Бадиий таҳлилни амалга ошириш босқичлари.

Бадиий тасвирлаши босқичлари.

Асар таҳлили жараёнинда бадиий тасвир босқичларига хос жиҳатларни хисобга олишнинг зарурияти.

Илмий ва ўқув таҳлилларида босқичларга амал қилишнинг ўзига хослиги.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

«Таҳлил босқичлари», «тасвир босқичлари», «тайёрланыш», «таҳлил қилиш», «хуросалаш», «баён этиши», «күрсатиш», «акс этитириши», «тасвирлаш», «тадқиқ этиши».

Бадий таҳлил муайян ҳозирликни талаб қиласидиган илмий-эстетик жараёндир. Бу жараён муайян босқичларга бўлинган ҳолда амалга оширилади. Чунки бошқа ҳар қандай фаолият сингари бадий таҳлил ҳам бирданнiga содир этилмайди. Бадий асарни таҳлил этишда матн билан ишлашнинг уч босқичи борлитини кузатиш мумкин. Биринчи босқичида тадқиқотчи бадий асар юзасидан ўзи тақдим этмоқчи бўлган талқинга имконият ҳозирлайди. Илмий таҳлилнинг иккинчи босқичида бадий матн таҳлил қилинади ва бу таҳлил имкон қадар ҳаётий ва бадий мантиқ нуктаи назаридан ҳамда оламни эстетик кўра билиш жиҳатидан асосланган бўлишига эътибор қилинади. Учинчи босқичда матндан хуроса чиқарилади, асарнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилади ҳамда унинг қадриятларимиз тизимидағи ўрни белгилаб берилади. Айтилганлардан кўринадикси, бадий таҳлил мобайнида тайёрланиш, таҳлиллаш ва умумлаштириш-хуросалаш сингари уч босқич босиб ўтилиши лозим.

Тайёргарлик босқичида таҳлил этиладиган асар матни ўрганилади, унинг таҳлилга тортиладиган, алоҳида эътибор қаратиладиган жиҳатлари аниклаб олинади, асосий кузатишлар белгилаб чиқилади. Ана шунда иккинчи – асосий босқич муаваффакиятли тарзда амалга оширилиши мумкин.

Таҳлиллаш босқичида эса асосий иш амалга оширилиши лозим бўлади. Бунда матннинг жозибадорлигини таъминлаган эстетик омиллар: тимсоллар тизими, персонажлар рухиятини кўрсатишда қўлланилган усуллар, ифода тарзидаги ўзига хослик, тил хусусиятлари сингари жиҳатлар текширилади. Таҳлил қилинаётган асарнинг эстетик киммати, миллий бадий тафаккур тараққиётидаги ўрни, асарнинг миллат эстетик онгини ривожлантиришдаги ўрни белгилаб берилади.

Хуросалаш-умумлаштириш босқичида асарнинг муайян ижодкор эстетик тақдири ва миллий бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни юзасидан умумлашма хуроса берилади.

Бадий таҳлиллаш босқичлари деярли ҳамиша бадий тасвир босқичлари билан бақамти келади. Бадий тасвирнинг мукаммаллашиши учун филологик таҳлил чукурлашмоғи, филологик таҳлил пухта бўлиши учун бадий тасвирнинг юксалиши талаб этилади. Чукур бадий таҳлилсиз, теран бадий

тасвир бўлиши гумонцир. Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихи мобайнида бадий матн ривожи билан адабий фикр, яъни эстетик таҳдид тараққиёти ёнма-ён келади. Навоий замонасида буюк адаб онтиклариға яқин келадиган танқидчилик мавжуд бўлганилиги учун хам юксак бадий асарлар пайдо бўлган. Тўгри, у пайтларда хозирги маънодаги таҳлил бўлмаган эса-да, Тарозий, Навоий, Гобур асарларида намоён бўлган бадий таҳлил адабиёттганувнинг қандай савияда эканлигини кўрсатиши жиҳатидан характерлидир.

ХХ аср бошларида ўзбек адабиёти ташки эстетик-фалсафий таъсирларга тўла берилди. Натижада, миллий адабиётнинг аввалиги мукаммалигига бир қадар салбий таъсир кўрсатилди. Миллий адабиёт жаҳоний эстетик талабларни ҳисобга олган ҳолда зорилишга учради. Янги жанрлар юзага келди, маиший турмуш, оддий одам тасвир объектига айлантирилди. Ижтимоий муаммолар бадий адабиётнинг мавзусига айланди. Бадий адабиётнинг ижтимоийлашуви унинг бир қадар примитивлашишига олиб келди. Бадий адабиётнинг мағкуравий сиқувларга йўлиқиши ва унинг ижтимоий қобижларни ёриб Шарқ тажрибаси ортиб боришига ҳамда адабиётда тагмаъони бериш санъатининг ривожланишига монанд раъиша янги ўзбек адабиёти тасвирнинг беш босқичини бошидан ўтказди. Бу босқичларни куйидатicha ифодалани мумкин:

- а) баён этиш (ХХ аср бошлари);
- б) тасвирлаш (30-йиллар);
- в) акс эттириш (50-60-йиллар);
- г) ифодалаш (70-80-йиллар);
- д) тадқиқ этиш (аср адоги).

Туркистанда асрлар мобайнида бадий асарга эстетик феномен тарзида ёндашиб келинган. XIX аср иккинчи ярми ва ХХ аср бошларидан эътиборан бадий адабиётга ижтимоий юқ ортишга аҳамият берилди. Шу боис бадий асарда ниманинг ифодалантганлиги муҳим бўлиб ҳолди. Бу даврдаги аксар битикларда муаллиф ғояси баён қилиниши биринчи планга чиқди.

Адиблар кўп асрлик миллий ифода йўсенидан узоқлашиб, Фарб тажрибасини ўзлаштира боргани сари шўролар хукмронлигининг дастлабки даври, яъни 20-йиллар мобайнида меҳнаткашлар хаёти, кечинмалари, қаҳрамонларнинг хатти-харакатлари-ю туйғуларини тасвирлаш санъатини эгалладилар. Адиблар эндиликда айтиб бериш, яъни баёндан тийилиб, асарларида одамни сиртдан туриб, тасвирлашга эътибор қилдилар. Бу ҳолда одамнинг ҳамма жиҳати эмас, балки зарур хусусиятлари илгаб олиниб, сараланиб, тасвирга тортилиди.

Бадий тажрибалар ортиб боруви оароаарида акс эттириш боқсичига ўсиб ўтилди. Энди персонаж, қаламга олинган одам ичдан ўзи бўлиб кўрсатилди, яъни акс эттирилди. Бу даврда баёни ҳам, тасвир ҳам қониктирмай, ҳаёт ҳақиқатига мувофиқлик асосий мезонга айланди. Ҳолбуки, туркий адабиёт учун ҳаёт ҳақиқатига риоя этиш хеч бир замонда ўлчов бўлмаган эди.

ХХ асрнинг сўнгти чорагидан бошлаб шу қунга қадар ҳам баён қилиш, тасвирлаш, акс эттириш сингари фаслият турлари билан биргаликда тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратили бошланди. Ҳозирда асар қаҳрамонлари муайян ҳолига келгандигининг ижтимоий, психологик, интелектуал-физиологик сабаблари текширилиши расм бўлиб бормоқда.

Бадий матн яратиш борасидаги боқсичларга деярли мувофиқ равишда бадий таҳлил ҳам муайян боқсичларни босиб ўтди. Жумладац, ХХ асрнинг бошларида бадий таҳлил асар сюжет баёнидан иборат бўлди. Бу хил таҳлил учун асрнинг эстетик қимматини аниқлашдан кўра, унинг ижтимоий ахамиятини белгилаш муҳим саналарди. Шу сабабдан бадий матнга функционал ёндашув қарор тоғди. Ҳар қандай жамият қарама-қарши синфлардан иборат деган қараш хукмронлик қилган ХХ асрнинг 30- йилларидан 70-йилларга қадар бўлган оралиқда бадий матн таҳлилига ижтимоий ёндашув устуворлик қилди. Бадий асар факат синфий-партиягий позициядан туриб таҳлил этилди. Аслида, бу хил ёндашувни таҳлил дейиш ҳам қийин. Бу даврда талқин етакчилик қилди. Чунки бу хил таҳлилда матннинг бадий жиҳатлари, жозибаси эмас, балки нимага багишланганни, қандай масалани кўтариб чиққанлиги, қандай ижтимоий кучларга хизмат қилганлиги текшириларди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб миллий таҳлиличиликда чинакам таҳлилга юз бурилди, бадий матн тадқиқ этила бошланди. Асрнинг жозибасини таъминлаган омиллар, унинг завқиёблигига сабаб бўлган воситалар кўрсатила бошланди.

Айтиш керакки, бадий таҳлилнииг тараққиёти пастдан юкорига тарзда жўн содир этилмай, ўта мураккаб тарзда намоён бўлган жараёндири. Аср бошларида Фитрат, Қодирий, Ҷўлпон, В. Махмуд сингари бадий матнга эстетик ҳодиса тарзида ёндашувчи ва асрнинг жозибасини таъминлаган омилларни кўрсатишни кўзда тутган таҳлилчилар бўлгани сингари Айн, С. Ҳусайн, А. Саъдий, Р. Тригулов, Туйғун сингари соғ вулгар социологлар ҳамда Ойбек, О. Ҳошим, Ҳ. Олимжон сингари ижтимоий ва эстетик ёндашувни уйғунлашгиришга интилган таҳлилчилар ҳам фаолият кўрсатишли. Таҳлил маҳорати ортиб боргани, тажриба

сипанини, эстетик ҳодисаларга мағкуравий ёндашув камаигани
тапшыфода да тасирчанлик ва табиийлик ҳам кучайиб борди.

БАДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ЧЕЖА:

Таҳдил йўналиши тушунчасининг мөҳияти.

Бадиий матнни ўрганишда таҳдил йўналишини тўғри
түрлап ташкиланинг аҳамияти.

Генетик йўналишга хос хусусиятлар.

Типологик йўналишнинг белгилари.

Функционал йўналиш сифатлари.

Фалсафий йўналишга хос хусусиятлар.

Таҳдилнинг психологик йўналиши.

Бадиий таҳдилнинг филологик йўналишига хос хусусиятлар.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

«Таҳдил йўналиши», «генетик йўналиш», «типологик
йўналиш», «функционал йўналиш», «фалсафий йўналиш»,
«психологик йўналиш», «филологик йўналиш».

Бадиий таҳдилда қатъий илмий тартибга риоя этган ҳолда
сўздан образга, образдан тояга қараб борилади ва таҳдилнинг
барча босқичларида бадиий сўзнинг эстетик жозибаси диккат
марказида туради. Таҳдил этилаётган асарни қайси жиҳатдан
ўрганиш, тадқиқ этиш лозимлигини белгилаш унинг йўналишини
тайин этади. Бадиий асар таҳдилнинг тўлақони бўлиши, кўп
жиҳатдан, таҳдилчининг матнни қандай йўналишда текширишни
аннек билишига боғлиқдир.

Адабий асар таҳдили билан маҳсус шуғулланган
мутахассисларнинг кўрсатишларича, амалиётда бадиий таҳдил
генетик, типологик, функционал, фалсафий, психологик ва
филологик сингари олти йўналишида амалга оширилади⁶. Албатта,
бу хилдаги таснифлар жуда шартги қабул этилиши лозим. Негаки,
одатда бадиий таҳдил жараённада бу йўналишлардан бири устувор
ўрин тугиши мумкин бўлса-да, деярли ҳеч қачон биттаси соф
ҳолда кўлланилмайди. Чунки ўрганилаётган асарга ҳар жиҳатдан
қараш зарурияти ҳамиша сакланиб қолади.

Бадиий асарни генетик йўналишда таҳдил этишда асарнинг
юзага келиш жараёни, вариантлари, ёзилини сабаблари тадқиқ
этимиши кўзда тутилади. Бу йўналишдаги таҳдилда муайян асарни
юзага келтирган омишларнинг кўрсатилишига алоҳида эътибор
каратилган.

Типологик йўналишида эса, асар муалифи билан ўзга адиллар
орасидаги ижодий тасир, бадиий ворислик, асарни юзага

⁶ Тараносова Г. Н. Анализ художественного текста в системе подготовки учителя русского языка и
литературы в национальной школе. Дисс. докт. пед. наук. - М.: 1991. С. 19.

келтирган бадиий ёки ҳаёттй манбалар, таҳлил этилаётган асарнинг ўша даврда яратилган бошқа асарларга ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари сингари жиҳатларга эътибор қаратилиши лозим.

Функционал йўналишда амалга оширилган таҳлилда текширилаётган асарнинг ижтимоий таъсири кучига алоҳида дикқат қаратиласди. Унда ўрганилаётган асарнинг муайян миллат ва инсоният маънавиятига кўрсатган таъсири текширилади. Таҳлиланаётган асарнинг миллий адабий жараёнда тутган ўрни, унинг яратилган замондаги одамлар ёки текширилаётган давр кишилари тафаккурига таъсири ўрганилиши лозим. Асарда қандай ижтимоий қонуният қайси образ орқали очилгани текширилиши зарур. Кейинги вактда ўзбек адабиётшунослигига ҳам Farb эстетикасида ҳар доим устувор мақомга эга бўлган функционал йўналишдаги таҳлил кенг ёйилган ва бу хол бир қатор ижобий хусусиятлар билан биргаликда тенденциозлик, бирёкламалик, матннинг бадиий жозибасини эътибордан қочириш сингари салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқаради.

Фалсафий йўналишда ёзувчи дунёкарашининг хусусиятлари ва таҳлил этилаётган асарда адаб эътиқодининг оламни кўзиш, англаш, тушунтириш ҳамда акс эттириш тарзининг дамоён бўлиши текширилади. Лекин бундай таҳлил бадиий матндан айри фалсафий мушоҳадалардангина иборат бўлиб қолмаслигига эътибор қилиниши керак. Чунончи, бадиий матнга боғланмаган, ижодкорнинг айни ўрганилаётган асаридан келиб чиқмайдиган ҳар қандай «чукур маъноли» хулюса таҳлил учун мутлақо аҳамият касб этмайди ва ўрганилаётган матннинг на бадиий ва на фалсафий жиҳатини очиб беради.

Психологик йўналишица адабининг ижодкор шахс сифатидаги ўзига хослиги, ижодий жараён психологияси, асар устида ишлиш усули, шу жараёндаги руҳий ҳолати ва уларнинг таҳлиланаётган асарда қолдирган нұкси, унинг савиясига кўрсатган таъсири кабилар ўрганилаётди. Бундай таҳлилий йўналишда юқорида саналган жиҳатларнинг қай йўсингда бадиий услугуга айлангани, бадиий ҳақиқат шаклига кирганилиги текширилади.

Филологик йўналишда асосий эътибор ўрганилаётган асарнинг эстетик ҳодиса эканини ҳар жиҳатдан асослашга қаратиласди. Бу йўналишдаги таҳлилда ўрганилаётган асар филологик ҳодиса сифатида ҳам тил, ҳам тасвир воситалари, ҳамда улар ўртасидаги давомийлик ва новаторлик нұктай назаридан текширилади. Сўзнинг ўз ва бадиий маъноси, контекстдаги жозибаси, бадиий матн замирига яширилган мазмун ва бу яширилганликнинг ҳам ҳаёттй, ҳам эстетик сабаблари сингари бир қатор жиҳатларга устувор эътибор қаратиласди.

БАДИЙ ТАХЛИЛНИНГ АСОСИИ ТАМОЙИЛЛАРИ РЕЖА:

Гаудия тамойиллари тушунчаси ва унинг моҳияти.

Бадий таҳлил тамойилларини тайин этишининг илмий-наутичи асослари.

Таҳлил турлари ва унинг тамойиллари муносабати.

Бадий таҳлил тамойилларининг таҳлил амалиётидаги ўрни.

ГЛЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

«Тамойил», «таҳлил тамойиллари», «тугал таҳлилнинг бутини мумкин эмаслиги», «хар қандай таҳлилнинг шахсий мулоҳазадан иборат эканлиги», «бадий асарнинг тоя ифодалаш виситаси эмаслиги», «бадий асар борлиқнинг нусхаси эмаслиги», «эстетик асосларга таяниш зарурлиги», «таҳлил ва тамойил».

Бадий асарнинг ҳаётий, бадий мантиги ҳамда эстетик жозибасини очиш муайян тамойилларга суюнган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Бадий таҳлилда илмий тушунчалар асосида иш кўрилиб, хулосалар чиқарилса да, ундан илмга хос бир хиллик кутиши мумкин эмас. Бадий асарнинг бутун сеҳру жозибаси тўлиқ намоён бўлиши, ўрганилаётган асарнинг тоясигина эмас, балки аке эттирилган инсон руҳияти маиззаралари ҳам англашилиши учун бадий таҳлил бир катор тамойилларга амал қилинган ҳолда бажарилиши керак. Асарни нафосат талабларига мувофиқ тарзда бадий таҳлил этиш учун риоя қилиниши шарт бўлган муайян талаблар тизими мавжудки, уларга бўйсунмаслик мумкин эмас. Тамойил тушунчаси бирор фаолиятнинг амалга оширилиши учун шарт бўлган қонда ва талабларни ўз ичига олади. Таҳлилга қўйиладиган биринчи талаб – бу мукаммал, тугал таҳлилнинг бўлиши мумкин эмаслигидир. Санъат ҳодисасига хос хусусиятларни мантиқ категориялари ва тафаккур тушунчалари қолипига тўлиқ, тугал ва бешикаст ағдариш мумкин эмас. Мантикий категорияларга тўлиқ ағдариш, барча жихатларини беистисно тугал тушунтириш мумкин бўлган ҳодиса – санъат ҳодисаси эмас. Санъат феномени мантикий тушунчаларга сифмаган жойдан бошланади. Бинобарин, энг зўр тадқикотчи ҳам асл ижод намунасини тўлиқ, ўзгача талқинга ўрин колдирмайдиган тарзда таҳлил қилолмайди. Айтиш керакки, коммунистик мафкура бадий асарларнинг мантикий қолипларга тўлиқ тушадиган, изоҳлаш имконияти бўладиган тарзда яратилишини талаб этарди. Мазкур талабга бўйсунган, ўз талантини гайри эстетик кўрсатмага мослаштироқчи бўлган ижодкорлар яратган битиклар шунинг учун ҳам асл бадиият намунаси бўла олмаганлар. Чўлпоннинг «Гўзал», «Бинафша»,

«Сиртар», Гауф Наргининг «Любовь запор фасад», «Халк килдим», «Ёмғир тинмади», «Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал», Абдулла Ориповнинг «Ўйларим», «Генетика», «Денгизга», «Баҳор», «Саратон», «Онажон» ва ҳоказо асарларини охиригача, ҳаммани қониқтирадиган тарзда изоҳлаб, тушунтириб бериб бўлмайди. Уларни мантиқ илмининг тор ва хиссиз қолилтариға тушириш - имконсиз. Ақл билан изоҳлаш мушкул бўлгани учун ҳам бадиий адабиёт яратилади.

Чинакам бадиий матн ўз умри билан яшайди. У матини идрок этган авлоднинг савияси, диidi, интеллектуал даражасига мувоғиқ равища турли даврларда турлича қабул этилади. Ҳатто баъзан бир асарнинг ўзи бир одам томонидан кайфиятининг қандайлигига қараб ҳар хил идрок этилиши мумкинки, асл бадиий матнининг хусусияти шундан иборатдир. Турли даврларда идрок этилган айни матн турлича талқинини топнаверади ва бу табиий ҳолдир. Демак, бадиий матнининг таҳлили ҳеч қачон туталланмайди.

Бадиий асар таҳлилига қўйиладиган иккинчи бир талаб – бу ҳар қандай таҳлилнинг шахсий мулоҳаза характеристида бўлиши ва у ҳеч қачон мутлақ ҳақиқатлик даъвосини қилиши мумкин эмаслигицир. Таҳлилчи қанчалик билимдон, талантли, тажрибали ва мохир бўлишига қарамай, унинг фикрлари ҳамиша ҳам фақат шахсий мулоҳаза, субъектив қараш мақомида бўлади. Илмий ҳақиқатлар ҳаммага бирдай тегишли бўлса, эстетик ҳақиқатлар ҳақида бундай дейиш мумкин эмас. Ҳар бир ўқувчи, китобхон, мутахассис ҳар қандай асарни ўзича ўқыйди, ўзича тушунади, ўзича таъсирланади, ўзича хис этади. Демакки, ўзича хулоса чиқаради. Бир асарни ўқиган кўпчилик кишилар ўртасида ўзаро ўхшаш, бир-бирига тўғри келувчи фикрлар бўлиши мумкин бўлгани сингари, мутгако бир-бирига тўғри келмайдиган қарашлар бўлиши ҳам мумкин ва бу табиий ҳол ҳисобланиши керак.

асарни уни билишади. Асарни ўқимаганларга матннинг
бир қадар йўқотиб ҳикоя қилиб беришнинг фойдаси
шакли, бунда асарнинг ўзи эмас, унинг сұяклари, скелети
иб беради холос. Таҳлилчи нечоэлик уринмасин, у айни асарни
билишни бўлолмайди. Айни асарни ёруғ оламда айни шу
асарни сиза олади. Таҳлилчи асар мазмунини ҳикоя қилиши
асарлардаги қизиқарли воқеаларни бериши мумкинdir, аммо
асарларни очик-яширип сабабларни етказолмайди.
Союзистан асар мазмунини сўзлаб бериш мумкин
ишини иккинчи сабаби матн таҳлил қилинмай, асарнинг
асарларни бадий әзлакдан ўтказилмай туриб, унинг
асарларни эстетик маъно номаълумлигича қолаверади.

Ноң асарларни таҳлил қилишда унинг ҳажми, тасвирининг
даражаси ҳисобга олинган ҳолда иш кўрилади. Ҳажм
асар, асарни бадий таҳлилнинг аввал айтилган уч
бонни бирини ёки барини қўллаган ҳолда текшириш зарур.
Таҳлилланадиган асар жуда йирик бўлса, таҳлилчи,
асарнинг энг қизиқарли, муҳим бир қатор интеллектуал-
операциялар амалга оширилмаса, англаш мушкул бўлган
текшириши лозим. Бунинг учун асарнинг умумий тирик
дахл этилмаган ҳолда у бадий маъноли қисмларга
отиб оғиниши лозим. Бунда ўкувчи дикқатини ўзига бенхтиёр
персонажлар табиати ёрқин намоён бўладиган,
маҳорати кўзга балқиб ташланадиган, қаҳрамонлар
бўлеси бўртиқ акс этган ўринлар назардан кочирилмаслиги

Бадий таҳлилда матнаги мұхым жиҳатни номуҳимдан ажратылған, асар персонажларына жонлы одам тарзидан мұносабатда бўлиш керак. Шундай мұносабатда бўлингандагина тимсолнинг ўзига хослиги, адебнинг санъаткорлиги намоён бўлади. Кўпинча, тадқиқтотчилар эпик асарлардаги қаҳрамонлардан, аввал бошданоқ ғоя қидиришга тутишишади ва шу боис турли асарлардаги мутлақо бошқа-бошқа персонажлар икки томчи сувдай бир хил баҳо олади, бирдай талқин этилади. Чунки ғоялар ўхшаш бўлади, бир хил ғоялар ҳам кўп, лекин чексиз оламда бир-бирига тўлик ўхшаш бўлган икки киши йўқ. Бадий асар ва уннаги қаҳрамонлар тасвири эса, айни шу ўхшамасликнинг, ўзига хосликнинг бадий ифодаси сифатида пайдо бўлган ҳодисалардир. Шунинг учун ҳам адабиётшунослик амалиётида Йўлчи ва ғофир, Жамила ва Гулнор, Саида ва Зайнаб, Отабек ва Анвар, Кумуш ва Райно тимсолларига узок вақт мобайнида бир хил баҳо бериб келинганд. Бунга сабаб адабиётшунослар бу қаҳрамонларга индивидуал қиёфага эга жонлы одам сифатида ёндашмаганлар ва улардан фақат ғоя қидирилиб, ижтимоий хулоса чиқаришга уринилганилигидир.

Эпик асарларни таҳлил этишининг усуллари жуда кўп ва текширилаётган эпик асар қанча бўлса, таҳлил ҳам ўшанча ўзига хосликларга эга бўлаверади. Адабий таҳлилда бирор қуюшконни ясад олиб, ҳар доим шуидан фойдаланаман деган мутахассис хато қиласи.

Эпик асар ўрганилаётганда персонажлар хатти-ҳаракатлари уннинг характер мантиғига мувофиқ келиши ёки келмаслиги муаммоси таҳлилнинг марказида туриши керак. Яъни эпик асар таҳлил қилинаётганда, образларнинг гап-сўзлари, қилиқлари, фикрлари уларнинг саъжиятларига мувофиқлиги, руҳий жиҳатдан асосланганлигига эътибор қилиниши ва асарнинг асл қиймати ана шулардан келтириб чиқарилиши лозим. Эпик асар таҳлили фақат мантикий операцияга айланаб колмаслиги, балки ҳамиша асардан гўзаллик топишта ингизлиш дикқат марказида туриши жоиз. Насрий тил жозибасини, турли-туман бадий воситалар туфайли тугилган эстетик мўъжизаларни пайқайдиган ва шундан лаззатланадиган, ҳамда шу лаззатнинг манбаини тушуниб ва тушунтириб бериш киши маънавий юксалишида бекиёс аҳамият касб этади. Эпик асарлар таҳлилида бадий шартлилик, образлилик, оламни ўзгача эстетик назар билан кўриш мумкинлиги ҳамиша кўзда тутилиши, муштарийларни хилма-хил ижодий йўналишдаги, турли жанрлардаги бадий ҳодисаларни

билик тардағы ажрата олишта ўргатади.

Литературалық фикрларни таҳлилнинг амалиётига доир бирор мисол дастан мустаҳкамлаш мақсадда мувофиқдир. Чунонча, Адид Абдуллаев Қазақстаниң XX асрининг 30-шуларидан буён тарихи менен, таҳлил этилиб келетгандай "Үйри" ҳикояси мисолидан дастанның текстуал таҳлил қишини күпроқ самара беради. Негаки, дастан мәнъжаз бу ҳикояда бадий мақсадда хизмат құлмайдыган, орномалар табиатини очишига қаратағынан биронта сүз ҳам шарттайды. Бинобарин, асарда номуғум, иккінчи даражада бадий дастаннан үзи йүқ. Шу болс, худди лирик асарларни таҳлил қылса дәек, мазкур ҳикояни ҳам текстуал усуlda ўрганиши дастандағы бўлади.

Гаҳияни кампирнинг тонг қоронгусида туриши ва ҳўқизидан үчор олиши сабабларини аниқлашибдан бошлаган маъқул. Кампирнинг барча ўзбек аёллари, айнақса, қашлоқда яшайдыган заманында кайвонилар сингари саҳарлаб туриши ўз ҳолича ҳеч саннина эътиборини мутлақо тортмаслиги мумкин. Лекин ёзувчи кампирнинг саҳархеззигини шунчаки одат тарзидан эмас, балки тарутият тақозоси сифатидан ҳам кўрсатади: у ҳамир қориши керак. Ҳикоя матнидан миълумки, кампирнинг дастёри йўқ. Ішлас, кундалик юмушлар кўпаймай, қуёш жуда қизиб кетмайди туриш, нон ётишга улгуршии керак. Бунинг устига, чоли тошуштага иссиқ нон еса яна ҳам яхши бўлади. Эҳтимол, ҷишизликка уларда нондан бўлак ейдиган нарсанинг үзи йўқдир. Нон эътибор "...ҳамир қылгани" турган кампирнинг не болс үчундан хабар олганингига қараштыши жоиз. Майлумки, ҳар ким үчун қимматбаҳо ҳисобланган нарсадан бот-бот хабардор олмайди туради. Фарзандли она ҳамиша болаларидан хабардор олмайди, бадавлат одам давлатидан огоҳ туришга интилади. Чоли кампирнинг уйида бир-бирлари учун ўзларидан кейинги қимматбаҳо нарса – ҳўқиз. Шу болс кампирнинг ўрнидан турибоқ индай хабар олиши тасвири ҳам тушунарли, ҳам ишонарли.

Ҳўқувчилар диққати ҳикояда биргина товушдан иборат "О!.." деги ташийдиган серқирра маънога, ифодадайдиган ҳолатлар интифациясыига қараштыши лозим. Бу товуш - гап замирида кампирнинг қандай кечинмалари борискин? Китобхонлар кампирнинг айни пайтдаги ҳолатини тўлиқ ҳис қилишиса, унинг өзчесмаю сезимларини илгаб олишиса, эстетик мақсадда мувофиқ инади. Сўнг ҳикматга ўхшаб кетадиган: "Деҳқоннинг уйи куйса ғашт, ҳўқизи йўқолмасин" жумласига мушитарийлар эътибори интифайлани маъқул. Камбагал одамда юксак орзулар бўлмайди.

түпкү осомас сары... орзуларданда маҳрум этади. Ҳавас - имкомиятидан түгиладиган ҳосила. Шу боис дөхқоннинг уйи меъморчичик обидаси ёки йўқолса кишининг жони ачибдиган кошона эми шунчаки "...бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш" билан тикланадиган кулба. Бинобарин, унинг куйиб кетишни ун эгаси учун жуда катта йўқотши эмас. Янгисини тиклаб олиш мумкин. Камбагалда уйи куйганди ёниб кетадиган бойлик ўзмий ўйқу, унга ачинса.

Таҳлилчи сюжет ривожидағи ҳар бир нуқтага кампирини реакцияси қандайлигига диққат қилиши керак: ҳўқизини йўқолганини билган кампир энг аввал нима қилди? Ҳамма аёлларнинг қуролини ишга солди, яъни додлади. Боиқача бўлшини мумкинмиди? Унинг ўрнида Қобил бобо нима қилган бўларди? Бу ҳақда жиiddий ўйлаб кўриши керак. Ҳикоянинг кейинги жумласи янада галлати ва бир қарашда асосий тасвирга дахли йўқча ўҳшиф туюлади: "Одамлар дод овозига ўрганиб қолган: бирорни эри уради, бирорнинг уйи хатга тушади..." "Одамлар дод овозига ўрганиб қолган..." бўлса, демак, бу ҳолат тез-тез тақрорланиб туради. Ахир ўзбеклар андишли, овозини баландлатишдан ийманадиган халқ-ку?! Бунинг устига, асар воқеалари инқилюб деб аталашиб тўнтаришидан олдин содир бўлган. Бинобарин, ҳозирги аёлларни дод солишга мажбур этадиган асосий сабаб - ичкислик у замонлар ҳали йўқ эди. Шуни билиши керакки, мустамлака халқ ҳеч қачон фиорон турмуши кечира олмайди. Яъни халқимиз Россия қўли остида гоят фақир яшаган. Камбагалликнинг азобини эса, энг аввал, аёллар тортади. Чунки рўзгорни улар юритади, уйда нима бору нима йўқлигини аёллар яхши билишади. Устига устак, улар оналардир. Фарзандларининг эҳтиёжларини қондириши ташвиши аввал оналарга тушади. Айниқса, ўзбек оиласларида болалар ўз дардларини, асосан, оналарига айтишиади. Шу боис хотин киши мустамлака юртнинг эркагини ҳар куни "у йўқ, бу йўқ" деб "эговлайди". Эркак ҳам рўзгорнинг тўқис эмаслигини яхши билади, аммо тўқис қилишининг йўлини билмайди. Хотин эса, уйда ниманингдир йўқлигини эслатаверишдан чирчамайди. Айтгани бўлавермагач, кемтиклик бутланавермагач, эридан норози бўлади, унга тик гапиради. Ўзбекнинг эркаги қандайлигидан қатъи назар хотинидан гап эшишига ўрганмагани боис камбагалликни тугдирган сабабни бартараф этишининг эмас, балки норози бўлавериб, эрининг ҳамиятига теккан аёлининг исёнини бир ёқлик қилиш йўлини излайди. Ва топади: уни калтаклайди. Ўзбекнинг аёли эрининг ҳамма калтагига ҳам дод сола бермайди. Агар ўзишина

жыныс көттак еса, ҳеч кимга билдирилмайды. Дод солиши у ёқда
жанжал түфайли келиб чиқса-ю, мүшт билан
бүлсек болып калып, бүлса, энді бизнинг аёлларни маъзур тутуб
чыннеге камбагалигини, ношуудлыгини етти маҳаллагасынан
баштада дод овози пайдо бўлиш сабабларининг иккинчи
хариди куриб чиқайлик: "...бировнинг уйи хатга тушади."
Биринчидан да ахлати дастлаб бу жумла замиридаги ҳақиқатни
аниси аниқ. Шунинг учун унга ойдинлик киритилади:
одам бир бало қилиб тирикчилик ўтказиш, оиласи
наторат топиб кетмаслиги учун йўқсулнинг энг
бешинчи ишга солади. Яъни бадавлатроқ одамдан қарз
да Ашқи, қарз қачондир тўланиши керак. Вақтида
одам қарз эвазига қарздорнинг пичоқча илингудек мулки
шемсикин? Бола-бақраси билан яшаб турган ва "бир қоп
шар арава қамишдан" бино бўлган уйда! Ёмон бўлса-да,
одамдан ажралган одамнинг ахли аёли дод солиши табиий.

Оддияшлар тез-тез рўй бериб тургани учун ҳам,
кампирнинг қулоги ўрганиб қолган. Ҳикояда: "Аммо кампирнинг
одам тез тўпланди", - деб таъкидланади. Ўйлаб кўриши
нига Нега? Чунки бу уйдан шу пайтгача дод овози чиқмаган,
чолу кампир бир-бирларини тушуниб қолишиган, уй
шунчаки ҳўқизлари ҳам бор эди. Ҳеч кутулмагандан,
одам солиши, одатдаги овозларга "бегона" товушнинг
атрофдагиларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.
Шунинг шу жиҳатлари илгаб олинса, ундан кутуладиган
одам самарадорлик ортиб бораверади.

Ликондаги Қобил бобо ҳолатини ҳам ичдан ҳис этишига
тоти тоғым. Бунда ҳам энг яқин асос - бадиий матн. Тасвирга
баратилиши керак: "Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ,
оқчили оғил эшиги ёнида туриб даг-даг титрайди, тиззалари
бони букишиб етади, кўзлари жовдирайди, ҳаммага қарайди,
жони камни кўрмайди." Агар Қобил бобо ҳолатини ичдан ҳис
етши, шунчаки ўқиб ёки эшишиб кетилаверса, матн қудрати
одам қолаверади. Қандайдир бир одамнинг қийналганлигини
тоти сифатида билиб қўйши - бошқа-ю, ўша одамнинг
шундаки тушшиб, у кечирган туйгуларни ичдан ҳис этиши - бошқа.
Соғани ҳам Қобил бобо ҳолатидаги ҳеч бир чизги назардан
маслиги керак. Нега Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ,
жони этига яктакчан? Шу ўринда "яктакчан" сўзи
тозумизниг турли минтақаларида турлича тушунилишига
тоти баратилиши лозим. Тошкент ва Фарғона томонларда

яшовчи аҳолининг аксари қисми учун "яктақчан" дегани яктақсиз демакдир. Қолган минтақалардаги кишилар учун эса фақат яктақда мазмунини англатади. Адиб қайси ҳолатни кўзди тутганилигини бадий вазиятни англаб етишига қараб ҳар бир ўқувчи ўзи ҳал этади. Қарияларимиз ҳозир ҳам бош ялане юришини одоббисизлик деб билшиади. У пайтларда-ку яланг бошилк бориб турган шаккоклик ҳисоблангандир. Ҳикоядаги бобо эса яланг бош, яланг оёқ экани камлик қилгандай, эл кўзига яктақсиз кўринганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу саволларга жавоб топиш учун эътибор қаҳрамонларининг ташки ҳолатини тафтиши қилишдан ички ғунёснин текширганига йўналтирилиши керак. Чолнинг тиззалири "букилиб-букилиб" кетишига сабаб нима? Бу сўзнинг икки марта ёзилганилигига дикқат қилиши керак. Чол нега "даг-даг" титрайди? Ҳавонинг совуклигиданми, яктақсизлигиданми ёки бошика ички сабаб борми? Адибнинг: "...ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди" тарзидаги ташкидини қандай тушунмоқ керак? Бобонинг кўзлари хирами ёки кутмалмаган баҳтисизлик унинг кўз олдини қоронгулаштирудими? Ўзи аслида, чолнинг кўзи хиракалашдими ёки ақли?

Таҳлил қамровига элликбошини ҳам олиш лозим. Бурунсизлиги, овозининг панглиги туфайли бошданоқ ёқимсиз бўлган элликбошининг дабдурустдан бобони сенсираб: "Ҳўқизинг ҳеч қаёқча кетмайди, топилади!"- дея каромат қилиши кишидаги нохуҳ таассуротни янада кучайтиради. Агар эстетик нишон тўғри олинса, асарда жуда нозик шиоралар борлигини кўриши, уларнинг тагига ҳам етни мумкин. Элликбошининг ўғри тешиган ерни нима сабабдан икки бор тафтиши қилгани, қайта-қайта синчиклаб текширгани, ҳамто устунни ҳам қимирлатиб кўрганини изоҳлаш зарур. Сал эътибор қилган кишиига бу ҳаракатиар тагидаги гараз кўриниб турибди. Элликбоши ўзини ўгрини топишга истойдил урнаётган киши қилиб кўрсатмоқчи, чолнинг шончини қозониб, ундан бирор нарса ундиromoқчи. Лекин Қобил бобо бу гаразни сезмайди. Чунки кутмалмаган баҳтисизлик унинг кекса ақлини янада хиракалаштириб қўйди. Шу вақтга қадар қарахт бўлиб йигламай турган Қобил бобонинг элликбоши ҳўқиз топилишини шонот билан айтгандан кейин йиглаб юборганилиги сабабини англатиш керак. Бу ҳақда бош қотириши кишида бошика инсонни тушиши, ўзгани тушунши малакаларини шакллантиради. Элликбошининг кейинги ҳаракатлари унинг қандай шахс эканлигини янада яққол кўрсатади: "Йиглама, йиглама дейман! Ҳўқизинг оқрошино қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса топилади". Элликбошининг кекса одамга, бунинг устига, кўлфатга йўлиққан ён қўшиносига нега бунчалик дагдага қилиётгани ҳақди ўйлав

Балки ундан бирор нарса ундириб қолишиңи түркілікчә айтса, аввало, нимадир қылыш ишкінчидан, пора олши мүмкін бўлмай қолади. Анын азалини яқинроқ қылыш ва чолни ҳўқизи топилишига учун эса уни сенсирайади.

Монголдага құл бұлған одам шынандағы айрилади. Күши үзілдікшілікке югурдағы айланыб қолади. Боссан, ҳатто мәдениеттің көзінде оның қаралудан қам фойда чиқарынға уринаверади. Бу шүлдә шағындықтаң сингари түйгүлардан айрилади. Шу бөнс: "Алайдаң өк пошишо құл остидан чиқиб кетмеган бұлса мәдениеттің деб өзін масхаралаган элликтің өч нарса қылмай болып таңдаған пора олишидан тортынмайды. Тағылай қылувчи әдебиеттің сүзләре замырдағы масхараомуз маңында жыныс тафт. Акс ұлда, элликтің қиёфаси түйлиқ әдебиеттің қолиши мүмкін. ". Оқ пошионинг құл остидан чиқиб кетмей" шаштападиган ұқызни излаш элликтің хәёлиға ҳам синхронистиң синичков үқувчи тағылай жаромидан сезіб олиши бол. "Ти дүкізни гүё чет әлга олиб кетиші мүмкіндай, Афғон әдебиеті то Хитой мұлкігана бұлған бепеңін ұхудудда бўлса, әдебиеттің өзіні, қарияны масхаралайдан бояқа нарса әмаслиги шаштападын зарур. Бу ұл элликтің маңнавияттінинг қанчалар әдебиеттің әдебиеттің күрсатувчи даилайдыр.

Биринчи китобхонлар диккати олинган пора эвазига элликбоши тадбирнинг нечоғлиқ бемаъни ва нокерак эканлигига фарзни сурур. Чоудан оладиганини олган элликбоши хўқизнинг ажилийи ҳакида: "бетўхтов аминга ҳабар қиласман", - деб, вайда роҳи Аичагина пул ҳисобига қилмоқчи бўлган иши роҳи ажилийи олдиндан аён тадбир бўлса-да, у ҳатто шуни ҳам сарманди. Хўш у ҳолда элликбоши аминни тилга суннинг сабаби нимада? Бунинг сабаби шундаки, амин ҳам роҳик ҳанжирининг муҳим ҳалқаларидан бўлиб, бошига иш ўти ҳамоясиз бечоралар уни ҳам бокишилари даркор эди.

Амини хўқизи йўқолганидан ўзи хабардор қилиш ва ундан: "бахор приставга хабар қиласман", - деган ғоят "қимматли" олиш учун Қобил бэбо аминига ҳам пора беради. Амини шундаки, охир оқибатда приставга ҳам бобонинг ўзи борчказади ва жабрчанганигини айтиб ёрдам сўрашининг ўзи ошина ҳам ўрислардан чиқсан катта амалдорга, ҳам унинг аминчики" бўлган тилмочига пора беришга мажбур бўлади. Аминининг кўрган чораси эса, элликбoshi ва аминницидан ҳам инборек, яъни "аминга бор", - дейищдангина иборат. Инсонни топталган, шашни, ҳукуки обёк ости қилинган ҳолатининг

шарқатын түлдіради. Нега бу одамлар бу қадар юзсиз? Порасиз-ку қимир этмас экан, жилла қурса, пора олишгач, ҳаракатта қилишни эп күришмайды. Хеч қандай иш қымай туриб, бирордан таъма қилишдан хижолат бўлмаслиги сабаби нимада? Бадий таҳлии натижасида кишини шу хилдаги ўйлар безовта қисса, комил шахсни шакллантириш жараёни бошланган бўлади. Ўқувчиларда ожиз, қаршилик кўрсата олмайдиган, ҳаққини химоя қила билмайдиган одамларни инсон қаторида кўрмайдиган ноинсоф кимсаларга нисбатан нафрат уйғониши, бечораларнинг ҳолатини тушуниш хислатининг пайдо бўлиши бадий таҳлии учун юксак натижадир.

Амин билан Қобил бобо орасидаги муносабат атрофлича таҳлии қилинши керак. Арзга келган чолни кўрибоқ "огзини очмай кекирган, сўнг бақбақасини селкиллатиб кулган", ҳўкизни атай сигир деб чолни масхаралаган, "йўқолмасдан олдин бормиди", "Бирор олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да!"- дея қария устидан очиқасига кулган, Қобил бобо олдида "чинчалогини иккинчи бўғинигача бурнига" тиққан, сўнг ўша "чинчалогини этигининг тагига арт" ган, ҳеч тортишмай бободан пора таъма қилган амин қиёфасидаги белгиларни бутун даҳшати, бор хунуклиги, бутун мураккаблиги билан ҳис этиган кишигина Қобил бобо фожиатини чуқур англайди. Ўйлаб кўриш зарур: амин ҳамиша ҳам ўзини шундай тутармикин? Аминнинг ўз чиркин қиёфасини бу қадар яширмаётганилигига сабаб нимада? Эҳтимол, жазосизликдадир? Бобони амин одам ўрнида кўрмаганилиги учун унга бир ҳайвон янглиг муносабатда бўлади. Қариядан уялишини ҳам лозим топмайди. Уни уялишига арзимайди деб ҳисблайди. Шу боис чинчалогини бурнига тиқади, қологини этигининг тагига артади. Қанчалик бефаросат ва тарбиясиз бўлмасин, амин бошқа кишининг олдида шу жирканч қиликларни қилмаган бўларди. Қобил бобо олдида эса бемалол қиласвериш мумкин. Чунки унингча, бобо инсон эмас. Инсон бўлмаган маҳлукдан эса узлиб ўтирилмайди. Қадимги Юнонистонда азамат ва девқомат гладиаторлар бекаларини ҳаммомга олиб кириб ювинтириб қўйишган. Соҳибжамол бекалар қуллардан уялишини хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Чунки уялиши инсонга хос бўлганидек, фақат инсондан уялинади! Қул эса одам эмас! Аминнинг Қобил бобога муносабатида ана шу ҳолат белги беради.

Амин нечоглик юзсиз бўлмасин унда барибир қандайидир ўзбеклик унсурлари сақланиб қолган. Қобил бобо иложсизликдан, хўрлиги келганидан, масхара бўлаётганидан алам қилиб йигласа,

оғанда оғылашып, лекин "шигламанг" дегиси ҳам келмайды. Шында "шигламасын" дея вазиятдан чиқады. Ҳикоянавис шарыннан табиатидаги эң майда ҳолатларни ҳам бехато илгай салып да мәхорат билген ақс эттира билады. Эллилбоши Қобил әмбеба тасырини ўтказиш, ёлғонига шионтириши учун олдин унга сенсеңдер гапиради. Оладиганини олиб бўлгач эса, доимигдай оғизи мумомала қўлаверади.

Драматик асарларнинг шу йўсунда амалга оширилган таҳлилини замиридаги ҳаётий, бадий мантиқни тўлароқ очиш ва ташкини эстетик жозибасини туйши имконини беради. Бу эса шаржатдошлиларимиз маънавиятини эзгу хислатлар билан ташкининг энг самарали воситасидир.

ДРАМАТИК АСАРЛАРНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

ЧЕЖА:

Драматик асарларнинг асосий белгилари.

Драматик асарлар театр ва адабиётга хос хусусиятларнинг ташкинувины ҳисобга олиш зарурияти.

Драматик асарларни таҳлиллашда сўзнинг алоҳида ўрнини тушуни тутиш.

Драма асарлари таҳлилида саҳнавийликни ҳисобга олиш.

ГЛЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

«Драма ва ҳаракат», «адабиёт ва театр муносабати», «саҳнавий сўз», «саҳнабоюн ҳолат», «драма ва драматизм», «драмада муаллиф иштироки», «драма назарияси», «саҳнавий библиомондикнинг драма таҳлилида зарурлиги».

Аслида драматик асарлар таҳлили ҳам худди эпик ва лирик турдаги асарларни таҳлил қилишига жуда ҳам ўхшаб кетади. Аммо драматик турдаги асарлар фақат ўқиши учун эмас, балки ишсан кўрсатиш, намойиш этиши учун ҳам ёзилганлиги сабаб ташкирга хос хусусиятлар ҳисобга олинши, яъни яратилаётган тақдисидаётк асарнинг спектаклга айланниши кўзда туттилиши жоиз. Драматик асарлар таҳлили ўзгача синчковликни таълаб этади. Анида сўз ва театр санъатларининг омухтаси бўлмии драмани ёни, идрок этиши ҳамда таҳлиллаш учун муайян даражада кунинча зўриқиши лозим бўлади. Қаҳрамонлар ва уларнинг тушунчлари, инсоний сифатлари ҳақида муаллифнинг характеристикаси бўлмаган шароитда асар қаҳрамонлари юритни, руҳияти ва шахсияти борасида фикр юритиш, муайян мугодалар чиқарини катта ақлий қувват тақозо этади.

Драма асарлари таҳлилида асосий эътиборни қаҳрамоннинг сиёҳиясини очишга қаратиш лозим. Негаки, ҳар бир драматик қаҳрамон табиати юзасидан уларнинг ўз сўзлари, хатти-дракатлари орқалигини фикр юритиш мумкин, бу ишда бошқа

асарларни тұлақоны таҳлил этиш учун театр саньати қоидалардан ҳам хабардор бўлиш зарур.

Драматик асарни таҳлилга жалб этишида тадқиқотчи бир қатор қийинчилекларга дуч келади. Аввало, драматик асарнин ўқилиши бошқа турдаги асарлардан тубдан фарқ қиласи ва муайян назарий тайёргарликни талаб этиди. Шу хилдани тайёргарлик йўқлиги учун ҳам кишилар кўпинча драматик асарларни ўқимайдилар. Борди-ю, саҳна асари ўқилган такдирда ҳам уни идрок этиш, унинг замиридаги бадий маънони топиш осон кечмайди. Чунки драма асарида муаллиф мутлако иштирок этмайди, унинг позицияси бирор йўл билан баён қилинмайди ва асарда рўй берәётган тўқнашувларни маънавий жиҳатдан баҳолани ҳамда ундан эстетик хулоса чиқариш китобхонининг ҳаёт тажрибасига, интеллектуал даражасига, маънавий сифатларига боғлиқ бўлиб қолади. Мураккаблик яна шундаки, драма асарларида воқеа ҳам, туйғу ҳам етакчи бўлмайди. Бу хил асарларда характер асосий ўрин тутади. Драматик асарни характерлар тўқнашви тутиб туради. Чунки драматик турдаги асарлар қандай жанрда бўлишидан қатъи назар драматизмага - руҳий хавотир шиғғати тасвирига қурилган бўлади. Драматик асарда қаҳрамон учун ҳаёт-мамот аҳамиятига эга бўлган қандайдир бир нарсанинг қўлдан берилиши ёки амалга ошмай қолиши хавфи тасвирланган бўлиши керак. Ана шундагина драматик асар юзага чиқади. Таҳлилда ушбу назарий талабга алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади.

Драматик турдаги асарда қаҳрамон нутқи ҳал қилувчи аҳамият касб этиди. Негаки, муаллиф баён қилишга ҳам, муносабат билдиришга ҳам, тасвирлашга ҳам ҳақли бўлмаган ушбу адабий турда нутқ деярли барча вазифани ўз зиммасига олади. Монолог шакли билан томошабинларга, диалог тарзида саҳнадош шерикларга мурожаат қилишнинг, воқеалар ривожининг, характерлар очилишининг воситаси бўлади. Шунинг учун ҳам драмада нутқ алоҳида бир бадий қувватга эга бўлади. Таҳлил мобайнида шу ҳолат ҳисобга олиниши лозим. Драматик нутққа доир яна бир жиҳат шундаки, драматик асар тили, адбатта, бир қадар кўтаринки, айтилиши жарангли, эшитилиши аниқ бўлиши лозим. Чунки у саҳнада қўйилиши зарурлиги, томошахонанинг турли бурчакларида ўтирганларга эшитилиши учун шундай хусусиятларга эга бўлиши жоиз. Дунёдаги барча драматик қаҳрамонларининг бир қадар сунъийроқ тилда сўзлаши ва Л. Толстой томонидан танқид қилинганилиги сабаби шунда. Драма

сафромонлари қуюқ түйғулар, ҳиссиётлар бўрони оғушида
бўлондилар, кучли тўқнашувларни бошдан кечирадилар, кескин ва
хисобли тилда сўзлашадилар, ҳар қандай воқеа-ходисага кескин
хисоблаган муносабат билидиришига мойил бўладилар. Худди
жизнни жиҳатларни билган ва ҳисобга олган таҳлилчигина
такомил турдаги асарларнинг мағзини чақа оладилар.

Чунки бир мухим жиҳат шундаки, драматик асарни таҳлил
жизнни бошқа-ю, шу асосда ўйналанган спектаклни таҳлил қилиш
жизнни бошқа нарсадир. Чунки сўз санъати намунаси бўлмиш
спектаклга айланган театр санъати намунасига эврилади ва
жизнни тамомила ўзгартириб юбориши мумкин. Чунончи, Б.
Шоғопов режиссёrlитигида қўйилган «Отелло» спектаклида Афзал
Гифонов ўйнаган Яго роли бош қаҳрамонга ва спектаклнинг ўзи
рухининг изтироблари ва қўйналишлари намойишига айланиб
жизнни Ижро мобайнида драма матнидаги барча нозикликлар
шартни кетиши мумкин бўлганидек, кучли ижро туфайли
тромпинча бир асар томошабинда юксак таассурот колдириши
жизнни мумкин.

Агар драматик турдаги асарларнинг шу жиҳатларини ҳисобга
оталинг ходида иш юритилса, жуда таъсирчан таҳлил қилишга
жизнни турдир. Факат, бизнинг назаримизда, драма матни билан
жизннишдан олдин драматик асарга хос саҳна, парда, кўринниш,
иҷончи, диалог, лукма, ремарка, пролог, эпилог сингари саҳнавий
спекулялар тўғрисида тўлиқ назарий маълумотга эга бўлиш керак.
Ислаки, шу хилдаги назарий маълумотсиз саҳна асарини тушуниб
жизнни таҳлил қилиб ҳам бўлмайди.

Драматик асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, драма
жизнни ҳодиса ҳаёт ҳодисасига айланган, кишининг сезги
жизнини турдир. Драмада қаҳрамонлар характери воқелик тарзида,
комониччининг кўз олдида намоён бўлади ва кучли таъсир
спекуляларни мураккаб юмушдир. Кучли инсоний характерлар,
жизнини турдиган ўт чакнайдиган ҳаётий зиддиятларнинг асосини
жизнни, шеса қаҳрамонлари руҳий тўлғоклари билан таништириш
жизнни кишида инсоний позиция ва маънавий қадриятлар тизими
жизнни сантирилади.

Кишидан маълум даражада ҳаётий ва маданий тажриба
жизнини, интеллектуал тайёргарлик талаб қиласидиган драматик
асарлар билан ёшлиар қанча эрта танишсалар ва улардан тезроқ

бахраманд бўлишса, уларнинг маънавиятини шакллантириш жараёни шунчалик муваффақият билан боради. Айримлар ғоят мураккаб туйгулар, чигал инсоний тақдирлар тасвиrlанган «Шоҳ Эдип», «Киро Лир», «Мирзо Улуғбек», «Абулфайзхон» сингари асарларни идрок этиш мушкул, улардаги бадиий маънени, одамзотнинг улкан дардларини, изтиробларини тушуниш қийин дейишади. Бу хилдаги «мехрибонлик» одамни нафақат аклан, балки маънан ҳам ялков, танбал қилиб қўяди. Агар одам ўз вақтида ҳиссий тарбия кўрмаса, туйгулари камол топтирилмаса, ўн тўрт ёшида ҳам, кирк тўрт ёшида ҳам инсоний туйгулардан, мураккаб кечинмалардан бехабар яшаб ўтавериши мумкин. Фикр қилиш, ҳис этиш, тўйиш ҳам бошқа ҳар қандай инсоний кўникма ва малакалар сингари ёшлиқдан шакллантирилиши лозим.

Фикримизни «Шоҳ Эдип» фожиаси таҳлили мисолида равшанлаштиришга уриниб кўрамиз. «Шоҳ Эдип» трагедияси воқеалар трагедияси эмас, инсоний характерлар фожиасидир. Муаллиф асарда нима бўлади дегандан кўра, қандай бўлади деган саволга жавоб беришга кўпроқ эътибор берган. Трагедия бошдан-оёқ қисматнинг қуратини, тақдирнинг инсон устидан чексиз хукмронлигини намойиш этувчи воқеалар асосига қурилган бўлсада, Софоклининг бемисел маҳорати туфайли асарда қатнашган ҳар бир қаҳрамон пьеса давомида ўзининг чинакам қиёфасини тўлиқ кўрсата олади. Жаҳон адабиётида Эдип сингари изтироблар қийногини тортган, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда гуноҳлар ботқофига ботган ва шу боис кечирган азобларининг даражаси янада баланд бўлган бошқа қаҳрамонни учратиш қийин. Фожиадаги изтироблар силсиласининг даҳшатли томони шундаки, асардаги қаҳрамонлар билиб килган гуноҳлари учун эмас, балки қисматлари шундоклиги учун азобларга гирифтор этиладилар. Софокл учун гуноҳнинг ким томонидан, нима учун ва қандай амалга оширилгани эмас, балки қилинган гуноҳ ва унга яраша ажр масаласи мухимдир. Драматург инсон ва қисмат муносабатларини кўрсатиш жараёнида ҳар бир алоҳида инсоннинг ўз тақдирни билан ўзига хос тарзда, маънавий дунёсига лойиқ даражада учрашганини ҳаққоний акс эттира билган. Билиб-билимай гуноҳга ботилдими, ундан тозаланиш учун харакат қилиш жараёнида ҳар бир қаҳрамон ўзига хос йўл тутади ва шу тарзда ўзининг инсоний сифатларини намоён этади.

Трагедия марказида турган Эдип – азалдан безовта ва ғамгусор қалб соҳиби. У ҳеч қачон шаънига доғ тунирадиган иш килмаган ва шу боис: "Менинг дилимдаги мудом тилимда", – дейишга ҳақли. Ўзга юртдан келиб, тақдирнинг хоҳиши ва

Эдип шох Лай ўзимида ўзининг интироқи бўлиши оғизини хәёлига ҳам келтирмайди. Шунинг учун ҳам оғиз Лай томонидан номаълум қотили қарни: "Майли ўзим сиз хуиталаб ўғли", - дейди. Шундай одамга авлиё Тиресийнинг боргига бу оғатни келтирган - сенсан", деган даъвоси даҳшатли сенатенчик бўлиб туолиши табиий, албатта.

Софокл бадиий тасвир тарихида биринчи марта перипетия оғизини усулдан фойдаланади ва юксак бадиий натижага эрланади. Бадиий асар қаҳрамонлари ҳаракатларининг улар оғизига мутлако зид натижа бериши тасвири усули перипетиядир. Бонг Лайнинг ҳалокатига чиндан ҳам алоқаси йўқлигини оғизланти, ўзига нисбатан айримларда пайдо бўлган шубҳани оғизини учун килган ҳар бир ҳаракати, аксинча, ўзининг ҳам оғизини катталаштириб, қотилгини аёнлаштириб бораверади. Ноҳса тилидан Лайнинг чорраҳада ўлдирилганини эшитганда, Бонг кўнглига шубҳа уруфи тушади. Вокеаларнинг бундан кейинги ривожи мазкур шубҳа уруғининг тез кўкариб, мевалар беришига оғиз яратади. Кутилмаганды, ўзининг Лай қотили эканини ўзине аёвсиз изтироб исканжасида қолган Эдип бошига тоғдан кечи олар фалокат ёғилади: у ўз отасини ўлдирган падаркуш, ўз оғизига уйланган зинокор ва ундан фарзандлар кўрган бадбахт оғиз экан!

Үзини Эдипнинг, бир замонлар Фивани балолардан ҳолос оғиз шохнинг гуноҳлари туфайли юртга оғат ёғилиши ва оғизлар сабабчисини излаётган кишининг ўзи сабабчи бўлиб Шарки тасвири асносида Эдип шахсиятига хос ёрқин ва гўзал синжалар инкишоф этилади. Чўпон билан сухбат жараённада оғизнинг оғирлашаётганини, ҳақиқатнинг ойцинлашуви унинг оғизида хизмат қилишини билса-да, Эдип чўпонга: "Эвоҳ, сен интишениг, мен тинглашим шарт", - дейди. Бу ўринда Эдип тақдир оғизинида ожиз, лекин инсоф ва адолатга содик кучли шахс оғизнада гавдаланади. Унинг ҳар бир гапи қанчалик оғизлаётганинг ёрқин кўрсатади. Шохнинг ҳаёт йўлларига оғизнан ҳар бир аниқлик унинг юрагига қадалган ханжар каби оғизир этиши ва унинг даҳшатли оғриғи жуда ишонарли оғизирланган.

Эдип - ўзини аяйдиган киши эмас. У - ўзликни енгтан, оғизатидан устун турга биладиган буюк инсон. Айни вактда, Бонг тирик одам. Оддий банда. Шу боис кўрқади, иккиланади. Шохнинг Иокастага қаратади: "Шубҳам борки, авлиё кўр эмас",

Бар

қаман, ортиқча гапирвордим"-, - дея килған икрорларыда унин шу хислатлари намоён бўлади. Эдип шахсиятига хос етакчи фазилатлар: ҳалоллик ва виждонлилик. Табиатидаги боника сифатлар унинг шу фазилатларига тобе. Шунинг учун Эдип шиддат билан ўзини фош этувчи ҳақиқатнинг тагига етади. Ўз ҳақиқат - ўлимдан-да оғир, шармандаликдан-да кир. Эдипдай инсон шу ҳолат билан келишишга мажбур. Буюк саналувчи инсоннинг нақадар ожиз экани мазкур ҳолат тасвирида бутун аянчли жиҳатлари билан намоён бўлади:

Тамом, бари аён! О, ёруғ жаҳон,

Сўнгти бор кўрмоқда қўзларим сени.

Ҳаёт - ҳаром, нафас - ҳаром, никоҳ - ҳаром менга,

Қонга булғанганиман, жирқанчман, жирканч!

Ҳақиқат онларинининг бутун даҳшати ўзининг ниҳоясини залвори ва чексиз кўлами билан кишини босади. Эдип – йирик шахс. Шу боис ҳам ўзини гуноҳига яраша жазолай олади. Қисмат туфайли қилинган гуноҳ учун ўз ихтиёри билан ажр беради: кўзларини кўр қиласди! Жазонинг салмоғи ҳам гуноҳнинг кўламига яраша. Эдип тушган шароитда ўлиш - қугулиш, яшаш - жазо демак. Азоб инсонни ғуссага олиб келади, ғусса чекиши покланиш ўйлининг бошланишидир. Эдип адоксиз покланиш сари йўл олади. Эдипнинг ўзига берган жазоси лаҳзалик қарор натижаси эмас. Ҳалол ва виждонли одам акли ва туйғуларининг хукмидир:

У дунёда отам-онам юзига

Қандай бокдим - қўзларимни ўймасам?

Бадбаҳт онам мендан түқсан болларга

Қандай бокдим - қўзларимни ўймасам?

...Юртга қонли доғ туширган қотилни

Йўқ қилишга ўзим фармон берганиман.

Энди эса фуқаронинг кўзига

Қандай бокдим - қўзларимни ўймасам?

Йўқ! Бу ҳам кам. Қўлим бўлса бақувват...

Кулогимният пардаларин йиртардим...

Эдип қийиноқлардан зорланмайди, енгиллик бўлишини ҳаёл ҳам қилмайди. У - сўнгги дамгача юрт қайгуси билан яшай оладиган инсон. Шу сабаб охирги дамда:

Мен бадбаҳт бошимни олиб кетаман,

Токи худоларнинг қаҳру ғазаби

Юртимга ёғилмасин,- дея фиваликларни оғатлардан ҳолос этишга уринади.

Алардагы боиңа қаҳрамонлар ҳам фожианавис томонидан
шоғынта шиланган. Хусусан, Иокаста, Креонт, Тиресий
жарып түшсіндең баркадоллығы туфайли ҳануздың ҳам эстетик
шаралашының ішкөттей келмоқда. Иокаста – аввало аёл. Онага,
шоғынта хос барча хусусиятлар унга ҳам бегона әмас.
Онага дам ҳамма аёллар сингари, аввало, рұзгорининг тинч,
шаралашының беташвиши бўлишини истайди. Унинг учун олий
шаралашының етишдан кўра, оила бутунлигини сақлаб қолиши
шаралашының Ҳлчи билан Эдипнинг сұхбатидан әрининг аслида ким
бынайи ғреклардан олдинроқ сезиб қолган фаросатли Иокаста:
“Сизниң оир әмасми? Мунча ёнмасан...”, – дед алтижо қиласди.
Алардагы қарата: “Билмаганинг яхши зотингни, шўрлик!” – деб
шаралашының ҳам, бутун ҳақиқатни билгач, сир бермай, Эдип ва
шаралашының кетиб қолганида ҳам чинакам аёл, оиласи тинчини
шаралашының мөхрибон хотин сифатида намоён бўлади. Ўз ўглига
шаралашының оулганини, боласидан фарзандлар түққанини билган
шаралашының бир аёл қилиши мумкин бўлган ишини қиласди: ўзини
шаралашының Иокаста шахсијати Эдип шахсијати сингари кўламдор
шаралашының шиншишини ўйлаши мумкин әмасди. Софокл бу ҳолни буюк
шаралашорлик билин ифода эта билган.

Трагатург қаҳрамонлари рухиятини энг нозик
шаралашының бехато кўради ва ёрқин тасвирлай билади. Сир
шаралашының излаётган Эдипнинг фожионана ҳолати
шаралашының даҳшати шундай берилади:

Гас сўраб кимнидир суршиштирди у,
Елни хотиним, деб айта олмасди,
Анга олмас эди, кани онам деб...

Эдипнинг Креонтга қарата: “Уни... Уйдагини... ўзинг дағн
шаралашының ўзинг бил... бу сенинг қондошлиқ бурчини!”, – дед қилиган
шаралашының қаҳрамон рухиятидаги адоксиз ғам, чексиз хижолат
шаралашының нозик тасвирланганки, бу сатрларнинг йигирма беш
шаралашының битилганига одам ишонмайди. Айни бир ҳолатдан бир-
шаралашының иккى хил маъно чиқариш, бир вазиятдан қарама-қарши
шаралашының келиши “Шоҳ Эдип” асарида юксак санъат
шаралашының ҳал этилган. Эдипнинг қизлари билан хайрлашуви
шаралашының бу жиҳатдан аклни лол қолдиради:

Еланасиз, қизларим, яқинроқ келинг...
Нек бор ака бўлиб... кўл чўзай сизга,
Еннингизда турган шу бадбахт ота
Бурмасдан, билмасдан... сизни оламга
Кенгириб қўйди-ку... ўз онасидан...
Онангиз – надаркуш, онангиз эса -

Сизни ўз ўелидан түкқан қабохат.

Үз қызларига ака бўлиб кўён узатишга, оиласидан фарзанинг кўришига мажбур бўланган одам қисматининг даҳшати ўқувчилар вужудини ларзага солади.

Софокл мазкур трагедия орқали одамларга насиҳат қилмайди, йўл кўрсатмайди. У асаридан ҳулоса чиқаришига ҳам ҳеч кимни ундумайди. Лекин бадиий ҳақиқатнинг даҳшатли қудрати ўқувчини ўйга толдиради. Софокл ҳаётнинг мураккаблиги, инсон тақдирининг чигаллигини бутун шафқатсизлиги, гўзал ва жирканч тарафлари билан кўрсатиб берган. Ўзини дунёнинг хўжаси деб ҳисобловчи одам, аслида, ўз қисматига ҳам хўжайин бўлолмаслиги ҳақоний акс эттирилган. "Шоҳ Эдип" фожиасининг моҳияти инсон умрининг, у эришган мартабаларнинг ўткинчи эканлиги, одам умри имтиҳон учун берилганини англатишда намоён бўлади. Бу асар кишини ўзи, ўзгалар, одам, олам ҳақида ўйлашга ундайди. Эдипни қандай баҳолаш керак? Қандай одам ўзи? Фожиа китобхонни таъсирлантириши, туйгуларини жунбушига келтириши орқали ўйлашга мажбур этади. Ўйлаш эса буюк неъматdir. Камолот ўйлидаги биринчи бекатдир.

БАДИЙ ТАҲЛИЛДА УСЛУБ

РЕЖА:

Бадиий таҳлил ва таҳлилчи шахсияти ўртасидаги боғлиқлик.

Таҳлил жараёнида таҳлилчи таянган фалсафий-методологик карашларнинг аҳамияти.

Таҳлилчи қарашлари теранлиги ва таҳлил холислиги.

Таҳлилчи табиати ва таҳлил йўналишлари.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

«Таҳлил ва таҳлилчи шахсияти боғлиқлиги», «таҳлилчи табиати ва таҳлил йўналиши», «таҳлилчи қарашлари ва таҳлил йўналиши», «фалсафий-методологик исос ва бадиий таҳлил теранлиги алоқаси», «таҳлил услуби».

Бадиий ижод учун услуб қанчалик аҳамият касб этса, бадиий таҳлилда ҳам ўшанчалик муҳим. Услуб ҳамиша ижрочи – субъект бўлмиши шахсга хос хусусиятни акс эттиради. Шу жиҳатдан олгандан бадиий таҳлил мобайнида таҳлил қулиувчининг индивидуал жиҳатлари у амалга оширган таҳлилда намоён бўлади. Бадиий таҳлилни амалга оширишда ҳар бир таҳлилчи ўзига хос тарзи ифодага, масалани қўйши ва ҳал қилишининг ўзига маҳсус йўсинига эга бўлиши лозим ва бу табиий ҳол. Айтим таҳлилчилар аввали саволлар қўйиб, унга жавоб топшига интишсалар, бошқалари ўз фикрини олдин ўтган мутафаккирларнинг қарашларига таянган ҳолда исботлашига

желт солиатардан, күйегиз арқалы бирор хуласа чыгаршаның жалпы күрнештесі.

Биттим савиаси баланд, қарашлари теран, хулосалари
коррекциясас ва ягича бўлиши учун таҳдилчи ўзига хос
тиерархикдан ўтган бўлиши лозим. Ўзига хос ҳозирлик кўрмай
сабака оригинални бадий таҳлийни амалга ошириш мумкин эмас.
Сабака хос тайёрларлик дейилганда нима кўзда тутилади? Таҳдилчи
сабака шуносликдаги асосий йўналишлар, бадий матн
тиеристикадаги асосий йўналишлар, бадий таҳлийни
бўлиши, улардаги етакчи фикрларни ўзлаштириши
хос бир муайян асар юзасидан ўзига хос қарашга, хулосаға
бўлиши зарур. Бундай мустакил қараш эгаси бўлиш учун
бадий таҳдилга кўл урган мутахассис атрофлича билим олган
лозим. Бунинг учун филолог ҳам Farbga мансуб
тиерархик-эстетик мактаблардаги асосий оқимлардан, ҳам Шарқда
коррекциясанган қарашлар тизимидан яхши хабардор бўлиши ва
коррекциясанган ёки уларни инкор этган холда ўз ишмий
сабакалар тизимиға эга бўлиши жоиз.

Кейинги вактда ўзбек адабиётшунослигига фикр эркинлиги, оларни матнiga ёндашув, таҳлил ва хулоса бериш хурлиги ҳолати ишланиб бормоқда. Ҳозирги вактда бадий адабиёт давлат иши олмасани каби бадий таҳлил ҳам сиёсий машгуултга, мафкурага олган килиш йўлига айлантирилгани йўқ. Бу ҳол қарашларнинг олинини ва асосланганлигини таъминлагмоқда. Шунинг учун ҳам олганий адабиётшуносликда соғф анъанавий эстетик ҳодисалар олди биргаликда шаклий ва мундарижавий жиҳатдан тамомила олганлик бўлган эстетик тажрибалар ҳам пайдо бўлмокда. Эстетик олганий иллюрализм шароитида бу хил ҳодисаларни тушуниш ва олчиғириш имкони пайдо бўлади. Чунки эндиликда аввал олчиғимаган бадий тажрибага душманлик билан ёндашиш, уни туслико қабул қиласлик ёки муҳолифат деб эълон қилиш олчиғимаган тарзида баҳоланадиган бўлади. Шунинг учун ҳам олганий романлар, шеврлар, драматик асарларига бағишлиланган олчиғидаги адабий тажрибаларнинг маҳсули бўлмиш бадий олчиғининг тадқикига бағишлиланган жиҳдий илмий Шарқлар ҳам олчиғидаги келди. Унда эстетик ҳодисалар таҳлилчининг нуктаи олчиғига таянган ҳолда баҳоланади ва уларнинг миллий бадииятга олчиғимаган хиссаси тайин этилади.

Айрим таҳлилчилар ўз хуласаларини типологик ёндашувларга
тасниб чикараётирлар. Улар бунда ўзбек адабийтиди и

янгиликларни миллий ёки қўшни адабиётларда мавжуд ғулдан ходисаларга солиштирган ҳолда ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатиш йўли билан баҳолашга уринмокдалар. Иккинчи бир гурух таҳлилчилар эса бирор ижтимоий қарашни мақсад сифатида белгилаб олиб, текширилаётган бадиий матнининг ана шу мақсадга қанчалик хизмат қилгани ёки қимматеганини аниклаш орқали бадиий асарга баҳо беришга уринмокдалар. Яна шундай бир гурух адабиётшунослар ҳам борки, улар бадиий матнининг ўзигагина таянган ҳолда асарнинг бадиий-эстетик қимматини очишга, шу орқали унинг миллий тафаккур тараққиётига қўштан ҳиссасини аниклашга уринмокдалар. Хулас, бадиий таҳлилда услуб, таҳлилчининг шахсиятига чамбарчас боғлиқдир. Ҳар бир таҳлилчи ўз шахсиятидан баланд бўлолмайди. Ўз шахсияти, эътиқоди, эстетик имкониятлари, ўқимишлилик даражаси, шахсий жасорати доирасида бадиий таҳлилни амалга оширадики, шунга қараб туриб, таҳлилчининг шахси бадиий таҳлилнинг сифати ва ҳалоллигини белгилайдиган ягона омил деб бемалол айтиш мумкин. Яна бир жиҳат – билимдонлик деган тушунча ҳам борки, бу ҳолат ҳам ўзбек адабиётидаги ходисаларга даҳлдор қарашларнинг холислигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айни бир даврда яшаган, бир хил эътиқодга амал қилган ҳолда истеъододи миёси ва таланти даражаси ҳар хил бўлган таҳлилчилар айни бир бадиий ҳодиса тўғрисида тажомомла қарама-қарши фикрларга келиши мумкин ва буни табиий ҳол деб ҳисоблаш лозим. Негаки, бадиий матн индишидур тарзда қабул этилади ва айнан ана шундай таъсир қиласди. Бинобарин, унга берилган илмий баҳо ҳам субъектив қараш мақомида бўлади.

АДАБИЁТ ТАРАС

Адабиёт назарияси. 1 т. -Т.: «Фан», 1978. -416 б.

Адабиёт назарияси. 2 т. -Т.: «Фан», 1979. -348 б.

Аристотель. Поэтика. -Т.: Ф. Гулом номидаги нашир, 1978.

1976

Бахтияров М. Эстетика словесного творчества. -М.: «Художник», 1990. -502 с.

Бобылев Б. Г. Теоретические основы филологического анализа художественного текста в национальном педвузе. Дисс. канд. пед. наук. -М.: 1991. -296 с..

Байрамет Г. Г. Актуальность прекрасного. -М.: «Искусство», 1997.

Бегель Г. В. Ф. Эстетика. Т.4. -М.: «Искусство», 1973. -676 с.

Жермене де Сталь. О литературе, рассмотренной в связи с художественными установлениями. -М: «Искусство», 1989.

Жирмунский В. М. Теория литературы. Поэтика. Софистика. -Ленинград: «Наука», 1977. -408 с.

Жүлдошев К. Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. -

1997. -152 б.

Жүлдошев К. Ўқитувчи китоби. -Т: «Ўқитувчи», 1997. -242 б.

Жүлдошев К. Ўқитувчи китоби. -Т: «Ўқитувчи», 2001. -160 б.

Кожинов В. В. Как пишут стихи. -М.: «Просвещение», 1970.

Кошлектив. Называть вещи своими именами. -М.: «Прогресс», 1986. -640 с.

Конрад Н. И. Избранные труды. -М.: «Наука», 1978. -464 с.

Литературный энциклопедический словарь. -М.: «Советская энциклопедия», 1987.

Лотман Ю. О поэтах и поэзии. -М.: 1998. -569 с.

Оргела-й-Гассет. Дегуманизация искусства. -М: «Радуга», 1991. -278 с.

Рикёр Поль. Конфликт интерпретаций. -М.: «Модиум», 1995. -314 с.

Самосознание европейской культуры XX века: -М.: Полиграфиздат», 1991. -366 с.

Соллек Р., Уоррен О. Теория литературы. -М.: «Наука», 1993.

Юнг К. Г. Психология бессознательного. -М.: «Канон», 1994.

Хайдеггер М. Бытие и время. -М.: «Мысль», 2001. -242 с.

Хашевников В. Е. Стиховедение и поэзия. -Ленинград: университет, 1991. -256 с.

Хокунов Ж. Қайнок қалб сурори. Т., А. Навоий номидаги ғилми хутубхона нашириёти, 2006.

МУНДАРИЖА

“Бадий таҳлил асослари” фанидан намунавий ўқув дастури.....	3
«Бадий таҳлил асослари» фанидан ишчи дастур.....	15
«Бадий таҳлил асослари» фанидан назорат саволлари.....	24
«Бадий таҳлил асослари» фанидан тест саволлари.....	30
«Бадий таҳлил асослари» фан сифатида.....	55
Бадий таҳлилда фалсафий ва миллий асоснинг ўрни.....	60
Бадий таҳлил турлари.....	65
Бадий таҳлил босқичлари ва унинг бадий тасвир босқичларига мувофиқлиги.....	73
Бадий таҳлилнинг йўналишлари.....	76
Бадий таҳлилнинг асосий тамоиллари.....	78
Илмий таҳлил	85
Ўқув таҳлили.....	94
Бадий таҳлилда шакл ва мазмун.....	106
Бадий таҳлилда объект ва субъект муносабати.....	112
Бадий матнни текширишдаги илмий мактаблар.....	114
Бадий таҳлилда адабий турга хос хусусиятларни ҳисобга олиш.....	127
Лирик асарларни таҳлил қилиш йўллари.....	130
Эпик асарларни таҳлил этиш йўллари.....	134
Драматик асарларни таҳлил этиш йўллари.....	143
Бадий таҳлилда услуга.....	150
А д а б и ё т л а р	154

**Қозоқбай Йўлдошев
Жумабой ЮСУПОВ**

**Бадиий таҳлил асослари
(ўқув-услубий мажмуа ва қўлланма)**

Урганч Давлат университети
ноширлик бўлими
Урганч-2008

Техник муҳаррир: *K. Назаров*

Оператор: *И. Юнусов*

Компьютер муҳандиси: *F. Жуманазаров*

Мусаҳхих: *R. Йўлдошев*

Босинига рухсат этилди: 11.01.2008
Бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$ Таймс гарнитураси

Босма табоби: 10 Буюртма № 7

Адади 100

Баҳоси келицилган нархда
УрДУ босмахонаси ризографида чон этилди

**Манзил: Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-йй,
Тел: 22-4-27-58**